**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

**2020 ЙИЛ**
**ЯНВАРЬ-МАРТ**

**Тошкент – 2020 й.**

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати – Ўзбекистоннинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Давлат статистика қўмитасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Нашр 18 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори, аҳоли турмуш даражаси ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Давлат статистика органлари томонидан шакллантириладиган маълумотлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг қатор вазирлик ҳамда идоралар (Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси) маълумотлари ҳам келтирилган.

Тезкор ҳисоблар асосидаги маълумотларга келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Б.А. Бегаловнинг умумий таҳрири остида**

Таҳрир ҳайъати:

**Б.М. Мирусманов** – Раиснинг биринчи ўринбосари

**А.А. Икрамов** – Раиснинг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари

**М.Д. Зиядуллаев** – Раиснинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосари

**З.М. Зияев** – Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги маслалари бўйича ўринбосари

## МУНДАРИЖА


| Номи | бет. |
|---|---|
| **МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР** | **6** |
| **I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ** | **7-45** |
| *Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси бошлиғи – А.О.Мамиров* | |
| **II. НАРХЛАР** | **46-84** |
| *Нархлар статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.Т.Умаров* | |
| **III. САНОАТ** | **85-105** |
| *Саноат статистикаси бошқармаси бошлиғи – С.Б.Жўраев* | |
| **IV. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ** | **106-136** |
| *Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси бошлиғи – Ш.А.Гуломов* | |
| **V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ** | **137-159** |
| *Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.М.Жамолов* | |
| **VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ** | **160-177** |
| *Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А.Сатимов* | |
| **VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ** | **178-181** |
| *Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А.Сатимов* | |
| **VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК** | **182-207** |
| *Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси бошлиғи – М.А.Сатимов* | |
| **IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ** | **208-226** |
| *Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи – Н.А.Шералиев* | |

| Номи | бет. |
|---|---|
| **X. ХИЗМАТЛАР** | **227-247** |
| *Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Р.Умаров* | |
| **XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА** | **248-266** |
| *Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси бошлиғи – А.Р.Умаров* | |
| **XII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ** | **267-275** |
| *Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С.Иргашев* | |
| **XIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ** | **276-302** |
| *Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси бошлиғи – Б.С.Иргашев* | |
| **XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ** | **303-321** |
| *Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи – К.Г.Бердикулов* | |
| **XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ** | **322-336** |
| *Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи – К.Г.Бердикулов* | |
| **XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ** | **337-359** |
| *Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бошқармаси бошлиғи – Ж.Р.Юлдашев* | |
| **XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК** | **360-370** |
| *Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси болиғи – Д.Э.Қирғизов* | |
| **XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ** | **371-382** |
| *Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси бошқармаси болиғи – Д.Э.Қирғизов* | |

## Қисқартма ва шартли белгилар

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМ | - | ялпи ички маҳсулот | 0,0 | - | катта бўлмаган миқдор |
| % | - | фоиз | м. | - | марта |
| млрд. | - | миллиард | - | - | кўрсаткичнинг йўқлиги |
| млн. | - | миллион | га | - | гектар |
| млн.АҚШ долл. | - | миллион АҚШ доллари | т | - | тонна |
| минг | - | минг | дона | - | дона |
| кв. | - | квадрат | йўловчи/км | - | йўловчи-километр |
| км | - | километр | Мбит/с | - | Мегабит /сония |
| м | - | метр | 1), 2), 3)..... | - | изоҳнинг мавжудлиги |
| ф.п. | - | фоиз пункт | ф.д. | - | фоиз даража |

## Макроиқтисодий кўрсаткичлар
*(2020 йил январь-март)*

| | *Млрд. сўм* | *2019 йил январь-мартига нисбатан % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 110 517,8 | 104,1 |
| Истеъмол нархлари индекси *( 2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан, %.)* | x | 102,8 |
| Саноат маҳсулоти | 82 229,5 | 104,0 |
| Истеъмол товарлари | 22 910,1 | 111,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари | 25 228,5 | 103,9 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 33387,3 | 89,8 |
| Қурилиш ишлари | 15462,4 | 106,5 |
| Юк айланмаси *(млн. т/км)* | 16836,0 | 100,6 |
| Йўловчи айланмаси (*млн. йўловчи/км)* | 30 988,2 | 100,6 |
| Чакана савдо товар айланмаси | 40 127,4 | 103,8 |
| Хизматлар, жами | 50 365,7 | 109,9 |
| Ташқи савдо айланмаси, *(млн. АҚШ. долл)*[1)] | 8140,4 | 89,8 |
| Экспорт | 3374,7 | 89,1 |
| Импорт | 4765,7 | 90,3 |
| Сальдо *(+,–)* | -1390,9 | x |

[1)] *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда*

# I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 110 517,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-марти[1] билан таққослаганда 4,1 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2019 йил январь-мартдаги нархларга нисбатан 114,1 % ни ташкил этди.

**Январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ҳажми**
*(жорий нархларда, трлн.сўм)*

2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, ЯИМ таркибида товарлар ишлаб чиқаришда[2] 55 729,1 млрд. сўм, хизматлар кўрсатиш соҳасида 44 172,0 млрд. сўм миқдорида ялпи қўшилган қиймат яратилди, маҳсулотларга соф солиқлар эса 10 616,7 млрд. сўмни ташкил этди.

**Январь-март ойларида ЯИМнинг физик ҳажм индекси ва дефлятор индекси динамикаси**
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*

Келтирилган диаграммада кўриниб турганидек, 2020 йилнинг январь-март ойларида ЯИМ ўсиши 2019 йил январь-мартдаги 5,7 % ва 2018 йил январь-мартдаги 5,6 % га нисбатан 4,1 % гача секинлашди. Шу билан бирга, ЯИМ дефлятор индексида ҳам 2019 йил январь-мартдаги 121,3 % ва 2018 йил январь-мартдаги 136,7 % га нисбатан 2020 йилнинг январь-март ойларида 114,1 % гача секинлашиш кузатилди.

[1] *Бу ерда ва кейинги ўринларда 2018-2019 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.*
[2] *Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат ва қурилишни ўз ичига олади.*




Кузатилаётган даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 11 597 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 11 112 млн. АҚШ долл.).

*Маълумот учун: 2020 йил январь-март ойларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 9 530 сўм, 2019 йил январь-март ойларида 8 378 сўмга тенг бўлган.*

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 3 253 минг сўмни (ёки 341 АҚШ долл. эквивалентида) ташкил этди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-март ойлари билан таққослаганда 2,0 % га ўсди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши 2018 ва 2019 йил январь-март ойларида мос равишда 3,9 % ва 3,8 % ни ташкил этган.

*Маълумот учун: Аҳоли жон бошига ЯИМ, жорий нархлардаги ЯИМ умумий ҳажмини мамлакатнинг маълум бир даврдаги ўртача аҳолиси сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2018 йилнинг январь-мартида 32 710 минг кишини, 2019 йилнинг январь-мартида 33 316 минг кишини ва 2020 йилнинг январь-мартида 33 971 минг кишини ташкил қилган.*

**Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми**
*(жорий нархларда, млрд. сўм)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|
| **I. ЯИМ - жами** | **72 615,4** | **93 101,6** | **110 517,8** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 62 107,9 | 82 633,5 | 99 901,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 10 507,5 | 10 468,1 | 10 616,7 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **62 107,9** | **82 633,5** | **99 901,1** |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | **10 102,8** | **11 887,5** | **14 742,6** |
| **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **23 554,2** | **33 940,1** | **40 986,5** |
| саноат | 19 211,2 | 28 478,1 | 34 333,0 |
| қурилиш | 4 343,0 | 5 462,0 | 6 653,5 |
| **Хизматлар** | **28 450,9** | **36 805,9** | **44 172,0** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 5 861,3 | 7 018,2 | 8 262,7 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 6 777,0 | 8 079,8 | 9 059,6 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 15 812,6 | 21 707,9 | 26 849,7 |

**Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|
| **I. ЯИМ - жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 85,5 | 88,8 | 90,4 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 14,5 | 11,2 | 9,6 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | **16,3** | **14,4** | **14,8** |
| **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **37,9** | **41,1** | **41,0** |
| саноат | 30,9 | 34,5 | 34,4 |
| қурилиш | 7,0 | 6,6 | 6,6 |
| **Хизматлар** | **45,8** | **44,5** | **44,2** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 9,4 | 8,5 | 8,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 10,9 | 9,7 | 9,1 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 25,5 | 26,3 | 26,8 |

2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда иқтисодиёт тармоқлари таркибида сезиларсиз ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) тармоқлари таркибида саноатнинг улуши 34,5 % дан 34,4 % гача, хизматлар соҳасининг улуши 44,5 % дан 44,2 % гача камайган бир пайтда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 14,4 % дан 14,8 % га ошди. Қурилиш тармоғининг улуши 2019 йилнинг январь-март ойларидаги ҳолатда сақланиб қолди ва 6,6 % ни ташкил қилди.

## 2020 йил январь-март ойларида ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби
*(жамига нисбатан % да)*

2019 йилнинг январь-март ойларида 2018 йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги улушининг 14,4% гача пасайиши (2018 йилнинг январь-мартида - 16,3 %) ва саноат тармоғи улушининг 34,5% гача ошиши (2018 йилнинг январь-мартида - 30,9%) билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар кузатилган.

## Январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|
| **I. ЯИМ - жами** | **105,6** | **105,7** | **104,1** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 105,7 | 105,6 | 104,0 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 105,4 | 106,3 | 104,2 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **105,7** | **105,6** | **104,0** |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | **101,6** | **102,4** | **103,9** |
| **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **109,7** | **107,4** | **104,4** |
| саноат | 107,7 | 106,9 | 104,0 |
| қурилиш | 117,4 | 110,0 | 106,5 |

*давоми*

| | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| **Хизматлар** | **104,5** | **105,3** | **103,8** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 101,2 | 106,6 | 103,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 107,2 | 106,3 | 105,7 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 104,7 | 104,3 | 103,2 |

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 90,4 % ини ташкил этди ва 4,0 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 3,6 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 9,6 % ни ташкил этди ва 4,2 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 0,5 ф.п.).

**2020 йил январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича мутлақ ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*




2020 йил январь-март ойлари якунларига кўра, **<u>қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида</u>** 3,9 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига таъсири 0,5 ф.п.ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 6,4 % га ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 3,6 % га ўсиши билан боғлиқ.

***Маълумот учун:***

*Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида натура шаклида қишлоқ, хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қуйидагича бўлган:*

- ✓ *сабзавотлар* – *62,6 минг т. (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 111,3 %);*
- ✓ *гўшт (тирик вазнда)* – *476,7 минг т. (104,0 %);*
- ✓ *сут* – *1 776,4 минг т. (102,9 %);*
- ✓ *тухум* – *1 372,2 млн. дона (105,2 %).*

2020 йил январь-март ойларида **саноат тармоғининг** қўшилган қийматида 4,0 % га ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,2 ф.п.ни ташкил қилди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 8,9 % (2019 йил январь-мартида - 7,5 %, 2018 йил январь-мартида - 3,6 %) га ўсиши ҳисобига таъминланди. Ўтган икки йил давомида сезиларли ўсишдан сўнг тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қиймати ҳажмининг таққослама нархларда 11,9 % га пасайиши кузатилди (2019 йилнинг январь-мартида 5,3 % га, 2018 йилнинг январь-мартида 25,8 % га ўсган).

**Январь-март ойларида саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми**
*(жорий нархларда, млрд. сўм)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|
| **Саноат** | **19 211,2** | **28 478,1** | **34 333,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 4 119,0 | 6 343,8 | 6 796,9 |
| ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат | 13 478,4 | 19 706,3 | 24 402,3 |
| саноатнинг бошқа тармоқлари | 1 613,8 | 2 428,0 | 3 133,7 |

**Январь-март ойларида саноат тармоғи ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|
| **Саноат** | **107,7** | **106,9** | **104,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 125,8 | 105,3 | 88,1 |
| ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат | 103,6 | 107,5 | 108,9 |
| саноатнинг бошқа тармоқлари | 106,2 | 105,3 | 100,7 |

Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг жами саноат бўйича яратилган қўшилган қиймат таркибидаги улуши 2019 йил январь-мартдаги - 69,2 % га нисбатан 71,1 % гача ўсиши қайд этилди. Шунга мос равишда, жорий даврда саноатнинг жами қўшилган қиймати таркибида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг улуши 19,8 % гача пасайди (2019 йилнинг январь-мартида 22,3 %).

**Январь-март ойларида саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

2020 йил январь-март ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 41,0 % ни ташкил этди.

Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши - 13,6 %, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 11,9 %, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 8,0 %, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 7,5 %, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш - 6,5 %, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 3,0 %, электр ускуналари ишлаб чиқариш - 2,8 % ҳамда ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш - 5,7 % ни ташкил қилди.

**Январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат ялпи қўшилган қийматининг таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | | *2018 йил* | *2019йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|---|
| | **Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 13,6 | 12,0 | 11,9 |
| | Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 15,2 | 13,3 | 13,6 |
| | Ёғоч ва қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш; ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 2,0 | 1,6 | 1,4 |
| | Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 2,3 | 3,0 | 3,0 |

*давоми*

| | | 2018 йил | 2019йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|---|
| | Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 10,3 | 8,6 | 8,0 |
| | Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 1,1 | 1,0 | 0,9 |
| | Резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 9,3 | 7,5 | 7,5 |
| | Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати (машина ва ускуналардан ташқари) | 33,0 | 40,0 | 41,0 |
| | Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,5 | 0,4 | 0,8 |
| | Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 3,1 | 2,8 | 2,8 |
| | Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 1,4 | 1,0 | 0,9 |
| | Автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш | 5,9 | 7,0 | 6,5 |
| | Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналарни таъмирлаш ҳамда ўрнатиш | 2,3 | 1,8 | 1,7 |

***Маълумот учун:***

*Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналар томонидан натура шаклида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қуйидагича бўлган:*

- ✓ *кўмир – 1 048,2 минг т. (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 129,6 %);*
- ✓ *нефть – 172,0 минг т.(98,5 %);*
- ✓ *табиий газ – 13 073,3 млн. куб метр (92,2 %);*
- ✓ *газ конденсати – 383,6 минг т.(94,9 %);*
- ✓ *чақиқ тош – 217,3 минг т.(106,1 %);*
- ✓ *енгил автомобиллар – 75 635 дона (127,1 %);*
- ✓ *юк автомобиллари – 1 014 дона (76,6 %);*
- ✓ *автомобиль двигателлари – 64,6 минг дона (133,2 %);*
- ✓ *автобуслар – 312 дона (78,4 %);*
- ✓ *тракторлар – 222 дона (2,2 марта);*
- ✓ *портландцемент – 1 792,4 минг т. (89,6 %);*
- ✓ *дизель ёқилғиси – 254,5 минг т. (95,2 %);*
- ✓ *автомобиль бензини – 282,7 минг т. (115,5 %);*
- ✓ *пахтадан йигирилган ип 70,0 минг т. (115,0 %);*
- ✓ *тамаки маҳсулотлари – 2 515,0 млн. дона (100,1 %);*
- ✓ *электр энергияси – 16 801,7 млн. кВт / соат (99,7 %);*
- ✓ *иссиқлик энергияси – 10 017,1 минг Гкал (99,4 %).*

2019 йилнинг январь-марти билан таққослаганда **<u>қурилиш ишлари</u>** ҳажми 6,5 % га ўсди ва мазкур тармоқнинг ЯИМ ўсишидаги ижобий ҳиссаси 0,4 ф.п.ни ташкил қилди.

***Маълумот учун:***

*2020 йилнинг январь-март ойларида қурилиш ишлари ҳажми 15 462,4 млрд. сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик қурилиш ташкилотларининг улуши 27,7 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 52,5 %, жисмоний шахслар улуши 19,8 % ни ташкил этди.*

2020 йилнинг январь-марти якунларига кўра, **<u>хизмат кўрсатиш соҳасининг</u>** ялпи қўшилган қиймати ҳажми 44 172,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3,8 % га ўсди (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 1,5 ф.п.ни ташкил этди). Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 3,9 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 2,7 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 17,7 % га ва хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 3,2 % га ўсди. Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида салбий динамика қайд этилди ва 1,7 % га камайди.

2020 йилнинг январь-мартида **савдо (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) тармоғининг** ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) га тўғри келди ва 68,2 % (2019 йил январь-мартида - 67,5 %) ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) нинг улуши 24,9 % (2019 йил январь-мартида - 26,0 %) ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлаш 6,9 % (2019 йил январь-мартида - 6,5 %) ни ташкил қилди.

**Январь-март ойларида савдо тармоғининг (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) қўшилган қиймати таркиби** *(жамига нисбатан % да)*

2020 йил январь-март ойларида **ташиш ва сақлаш тармоғининг** қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуш автомобиль транспортига тўғри келди ва 53,3 % ни ташкил этди (2019 йил январь-мартида - 50,8 %). Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 17,4 % (2019 йил январь-мартида - 20,9 %), темир йўл транспортининг улуши 13,3 % (2019 йил январь-мартида - 12,3 %), ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 9,8 % (2019 йил январь-мартида - 10,6 %) ва ҳаво транспортининг улуши 6,2 % (2019 йил январь-мартида - 5,4 %) ни ташкил этди.

**Январь-март ойларида ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

***Маълумот учун:***

*Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 268,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 105,1 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,8 млрд. т-км. га етди ёки 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.*

*Транспорт турлари бўйича юк айланмаси:*

- ✓ *темир йўл транспорти – 5,5 млрд. т-км (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 %);*
- ✓ *ҳаво транспорти – 0,02 млрд. т-км (94,6 %);*
- ✓ *қувур транспорти – 8,4 млрд. т-км (98,2 %);*
- ✓ *автомобиль транспорти – 2,9 млрд. т-км (104,8 %).*

*2020 йилнинг январь-март ойларида барча транспорт воситалари орқали 1 368,2 млн. йўловчи ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 103,2 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 31,0 млрд. йўловчи-км. ни ёки 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 100,6 % ни ташкил этди.*

*Транспорт турлари бўйича йўловчи айланмаси:*

- ✓ *темир йўл транспорти – 0,9 млрд. йўловчи-км (92,3 %);*
- ✓ *ҳаво йўли транспорти – 2,0 млрд. йўловчи-км (82,4 %);*
- ✓ *автомобиль транспорти – 27,9 млрд. йўловчи-км (102,5 %);*
- ✓ *метрополитен – 140,8 млн. йўловчи-км (106,0 %).*

**Январь-март ойларида ахборот ва алоқа тармоғининг қўшилган қиймати таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

2020 йилнинг январь-мартида **ахборот ва алоқа тармоғининг** мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,0 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 1,9%). Ахборот ва алоқа тармоғи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш телекоммуникация хизматларига (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 76,4 % ни ташкил этди (2019 йилнинг январь-мартида - 76,5%). Тармоқда яратилган қўшилган қийматнинг қолган 23,6 % и (2019 йилнинг январь-мартида - 23,5%) ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият ва телекўрсатув ва радиоэшиттириш в.б) ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ЯИМ ўсишида 2019 йилнинг мос давридагига (2,1 фоиз пункт) нисбатан пасайишига қарамай хизматлар соҳасининг ҳиссаси (1,5 фоиз пункт) энг юқори бўлди.

ЯИМнинг ўсишига саноат тармоғи ҳам салмоқли ҳисса қўшган бўлиб, 2020 йилнинг январь-мартида 1,2 ф.п. ни ташкил этди. 2019 йилнинг шу даврида эса ушбу кўрсаткич 1,8 ф.п. ни ташкил этган эди.

2020 йилнинг январь-мартида иқтисодиётнинг “Қурилиш”, “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги” каби тармоқлари ЯИМнинг мос равишда 0,4 ф.п. (2019 йилнинг январь-мартида - 0,6 ф.п.) ва 0,5 ф.п. (2019 йилнинг январь-мартида - 0,3 ф.п.) га ўсишига ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ошиши ҳисобига ЯИМнинг 0,5 ф.п. га ўсиши таъминланди (2019 йилнинг январь-мартида - 0,9 ф.п.).

**2020 йил январь-март ойларида ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**
*(жамига нисбатан % да)*

2020 йилнинг январь-марти якунлари бўйича, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 45 749,9 млрд. сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётда яратилган жами қўшилган қиймат ҳажмининг 45,8 % и яратилди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қийматда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 98,0 %, қурилишда 76,1 %, хизматлар соҳасида 39,6 % ва саноатда 25,5 % ни ташкил этди.

***Маълумот учун:***

*2020 йилнинг январь-март ойлари давомида 23,3 мингта янги кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) ташкил этилди. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг энг кўп сони савдо (39,9 %), саноат (18,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,3 %), қурилиш (7,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,4 %), ташиш ва сақлаш (2,8 %) соҳаларида ташкил этилди.*

**2020 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши**
*(ЯҚҚга нисбатан % да)*




2020 йил январь-март ойларида ЯИМ дефлятор индекси 2019 йилнинг мос давридаги нархларга нисбатан 114,1 % ни ташкил этди. ЯИМ таркибида дефлятор индексининг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 119,4 %, саноат тармоғида - 116,0 %, қурилишда - 114,4 % ва бошқа хизмат тармоқларида - 119,8 % қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражаси (114,1 %) дан паст бўлган дефлятор индекслари ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада (106,1 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (113,9 %) ва маҳсулотларга соф солиқларда (97,4 %) кузатилди.

## Январь-март ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси

*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)*



## Январь-март ойларида ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот
*(жорий нархларда, млрд.сўм)*

| | | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|---|
| | **Ўзбекистон Республикаси** [1] | **72 615,4** | **93 101,6** | **110 517,8** |
| | Қорақалпоғистон Республикаси | 2 841,7 | 3 426,4 | 3 955,1 |
| | *вилоятлар:* | | | |
| | Андижон | 3 547,3 | 4 808,2 | 5 995,3 |
| | Бухоро | 3 056,5 | 4 298,8 | 4 908,0 |
| | Жиззах | 1 799,7 | 2 231,4 | 2 631,5 |
| | Қашқадарё | 3 994,7 | 5 218,8 | 5 804,6 |
| | Навоий | 4 405,2 | 7 214,5 | 9 383,2 |
| | Наманган | 2 625,1 | 3 332,7 | 4 236,9 |
| | Самарқанд | 4 417,7 | 5 712,8 | 6 733,5 |
| | Сурхондарё | 2 475,2 | 3 232,4 | 4 078,0 |
| | Сирдарё | 1 311,4 | 1 843,0 | 2 025,2 |
| | Тошкент | 6 976,3 | 9 509,6 | 11 578,9 |
| | Фарғона | 4 133,0 | 5 716,2 | 6 576,3 |
| | Хоразм | 2 323,9 | 3 101,4 | 3 726,9 |
| | Тошкент ш. | 11 751,5 | 15 950,5 | 19 745,4 |

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

**Январь-март ойларида ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки**
*(ЯИМга нисбатан % да)*

| | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3,9 | 3,7 | 3,6 |
| Андижон | 4,9 | 5,2 | 5,4 |
| Бухоро | 4,2 | 4,6 | 4,4 |
| Жиззах | 2,5 | 2,4 | 2,4 |
| Қашқадарё | 5,5 | 5,6 | 5,3 |
| Навоий | 6,1 | 7,7 | 8,5 |
| Наманган | 3,6 | 3,6 | 3,8 |
| Самарқанд | 6,1 | 6,1 | 6,1 |
| Сурхондарё | 3,4 | 3,5 | 3,7 |
| Сирдарё | 1,8 | 2,0 | 1,8 |
| Тошкент | 9,6 | 10,2 | 10,5 |
| Фарғона | 5,7 | 6,1 | 6,0 |
| Хоразм | 3,2 | 3,3 | 3,4 |
| Тошкент ш. | 16,2 | 17,1 | 17,9 |

2020 йилнинг январь-март ойларида Республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 17,9 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 10,5 % ва Навоий вилояти 8,5 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,8 %), Жиззах (2,4 %), Хоразм вилоятларига (3,4 %) тўғри келмоқда.

**Январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми** *(жорий нархларда, минг сўм)*

| | | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|---|
| | **Ўзбекистон Республикаси** [1] | **2 220,0** | **2 794,5** | **3 253,3** |
| | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 540,2 | 1 829,7 | 2 080,4 |
| | *вилоятлар:* | | | |
| | Андижон | 1 176,1 | 1 565,1 | 1 913,2 |
| | Бухоро | 1 636,7 | 2 265,5 | 2 547,6 |
| | Жиззах | 1 355,7 | 1 646,4 | 1 899,6 |
| | Қашқадарё | 1 266,5 | 1 621,1 | 1 765,9 |
| | Навоий | 4 566,4 | 7 352,8 | 9 394,5 |
| | Наманган | 970,8 | 1 208,3 | 1 504,4 |
| | Самарқанд | 1 185,4 | 1 500,8 | 1 733,2 |
| | Сурхондарё | 982,5 | 1 255,1 | 1 547,7 |
| | Сирдарё | 1 604,7 | 2 216,5 | 2 388,3 |
| | Тошкент | 2 435,7 | 3 276,1 | 3 929,5 |
| | Фарғона | 1 139,9 | 1 549,4 | 1 749,5 |
| | Хоразм | 1 285,7 | 1 687,0 | 1 993,7 |
| | Тошкент ш. | 4 757,5 | 6 339,4 | 7 655,3 |

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

## Январь-март ойларида ЯҲМнинг мутлақ ўсиш суръатлари
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)*



2020 йилнинг январь-март ойларида Наманган (108,6 %), Сурхондарё (107,1 %), Андижон (106,3 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (106,2 %) юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (104,1 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Қашқадарё (100,6 %), Сирдарё (102,5 %) ва Самарқанд (103,6 %) вилоятларида кузатилди.

**Январь-март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМнинг мутлақ ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)*



## Январь-март ойларида ЯИМ (ЯҲМ) дефлятор индекслари
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % ҳисобида)*

| | | *2018 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
|---|---|---|---|---|
| | **Ўзбекистон Республикаси** | **136,7** | **121,3** | **114,1** |
| | Қорақалпоғистон Республикаси | 149,2 | 119,7 | 111,1 |
| | *вилоятлар:* | | | |
| | Андижон | 128,4 | 125,3 | 117,2 |
| | Бухоро | 117,2 | 129,9 | 108,7 |
| | Жиззах | 125,1 | 120,4 | 112,8 |
| | Қашқадарё | 104,2 | 128,9 | 110,6 |
| | Навоий | 161,4 | 161,3 | 125,5 |
| | Наманган | 115,1 | 121,5 | 117,1 |
| | Самарқанд | 116,8 | 122,2 | 113,8 |
| | Сурхондарё | 119,9 | 123,3 | 117,8 |
| | Сирдарё | 119,0 | 134,9 | 107,2 |
| | Тошкент | 136,9 | 128,1 | 116,6 |
| | Фарғона | 118,4 | 131,1 | 110,6 |
| | Хоразм | 120,9 | 126,5 | 114,2 |
| | Тошкент ш. | 135,3 | 125,3 | 116,6 |

2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Жиззах вилоятида (40,0 %), саноатнинг энг юқори улуши Навоий вилоятида (75,6 %), қурилишнинг энг юқори улуши Сурхондарё вилоятида (9,3 %) ва хизматлар соҳасининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (51,4 %) кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, қурилиш ва хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида (мос равишда, 8,7 %, 3,3 % ва 12,4 %), саноатнинг энг кам улуши эса Сурхондарё вилоятида (11,6 %) қайд этилди.

**2020 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби** *(ЯҚҚга нисбатан % да)*



Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-мартида **Қорақалпоғистон Республикасида** ЯҲМ ҳажми 3,9 % га ўсди ва 3 955,1 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 104,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 13,3 %), саноат - 106,1 % (36,1 %), қурилиш - 100,4 % (8,2 %), хизматлар соҳаси - 102,5 % (42,4 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Шунингдек, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2 080,4 минг сўмни ташкил этди ва 2,4 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил: 2 841,7<br>2019 йил: 3 426,4<br>2020 йил: 3 955,1 | 106,5<br>100,7<br>103,9 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил: 318,8<br>2019 йил: 401,7<br>2020 йил: 481,4 | 101,4<br>102,6<br>104,3 |
| **Саноат** | 2018 йил: 1 099,9<br>2019 йил: 1 143,0<br>2020 йил: 1 304,6 | 110,1<br>95,7<br>106,1 |
| **Қурилиш** | 2018 йил: 202,5<br>2019 йил: 252,4<br>2020 йил: 295,2 | 138,2<br>100,2<br>100,4 |
| **Хизматлар** | 2018 йил: 962,6<br>2019 йил: 1 269,1<br>2020 йил: 1 536,0 | 100,7<br>106,2<br>102,5 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил: 257,9<br>2019 йил: 360,2<br>2020 йил: 337,9 | 108,9<br>99,8<br>104,1 |

**Андижон вилоятида** ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 5 995,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 6,3 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 20,2 %), саноатда - 110,8 % (32,7 %), қурилишда - 106,1 % (6,3 %), хизматлар соҳасида - 103,7 % (40,8 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 913,2 минг сўмни ташкил этди ва 4,3 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 3 547,3<br>2019 йил 4 808,2<br>2020 йил 5 995,3 | 107,9<br>108,2<br>106,3 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 798,7<br>2019 йил 951,4<br>2020 йил 1 140,0 | 102,5<br>103,8<br>104,4 |
| **Саноат** | 2018 йил 934,6<br>2019 йил 1 485,6<br>2020 йил 1 841,5 | 128,6<br>119,2<br>110,8 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 206,6<br>2019 йил 261,2<br>2020 йил 355,6 | 116,2<br>104,3<br>106,1 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 499,1<br>2019 йил 1 879,9<br>2020 йил 2 297,0 | 102,9<br>104,0<br>103,7 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 108,3<br>2019 йил 230,1<br>2020 йил 361,2 | 112,0<br>110,5<br>107,7 |

**Бухоро вилоятида** ЯҲМ 4 908,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 5,1 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 27,2 %), саноатда -105,6 % (22,9 %), қурилишда - 111,4 % (8,9 %), хизматлар соҳасида - 103,4 % (41,0 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,5 % га ўсди ва 2 547,6 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 3 056,5<br>2019 йил 4 298,8<br>2020 йил 4 908,0 | 101,0<br>108,3<br>105,1 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 801,7<br>2019 йил 970,9<br>2020 йил 1 254,9 | 102,8<br>102,9<br>104,9 |
| **Саноат** | 2018 йил 554,9<br>2019 йил 980,5<br>2020 йил 1 054,8 | 97,9<br>101,7<br>105,6 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 214,1<br>2019 йил 331,6<br>2020 йил 408,1 | 87,4<br>144,3<br>111,4 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 195,8<br>2019 йил 1 555,5<br>2020 йил 1 887,5 | 104,6<br>107,8<br>103,4 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 290,0<br>2019 йил 460,3<br>2020 йил 302,7 | 99,7<br>111,2<br>105,5 |

**Жиззах вилоятида** ЯҲМ ҳажми 4,6 % га ўсди ва 2 631,5 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 40,0 %), саноатда - 107,3 % (12,9 %), қурилишда - 106,4 % (8,4 %), хизматлар соҳасида - 103,8 % (38,7 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 1 899,6 минг сўмни ташкил этди ва 2,3 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 1 799,7<br>2019 йил 2 231,4<br>2020 йил 2 631,5 | 102,4<br>103,0<br>104,6 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 751,4<br>2019 йил 829,2<br>2020 йил 1 032,8 | 100,4<br>101,3<br>103,8 |
| **Саноат** | 2018 йил 212,1<br>2019 йил 278,1<br>2020 йил 333,0 | 98,2<br>98,3<br>107,3 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 152,4<br>2019 йил 179,5<br>2020 йил 217,9 | 116,6<br>106,5<br>106,4 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 619,1<br>2019 йил 816,6<br>2020 йил 996,1 | 102,7<br>105,7<br>103,8 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 64,7<br>2019 йил 128,0<br>2020 йил 51,7 | 104,8<br>104,1<br>105,7 |

**Қашқадарё вилоятида** ЯҲМ ҳажми 5 804,6 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда 0,6 % ни ташкил этди. Иқтисодиётнинг қуйидаги асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида - 102,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 22,8 %), қурилишда - 104,7 % (8,7 %), хизматлар соҳасида - 104,6 % (44,1 %). Шунингдек, 2019 йилнинг январь-март ойлари билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг солиштирма нархларда камайиши кузатилди ва 91,6 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,4 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,5 % га камайди ва 1 765,9 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил: 3 994,7<br>2019 йил: 5 218,8<br>2020 йил: 5 804,6 | 105,0<br>101,4<br>100,6 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил: 892,3<br>2019 йил: 1 047,5<br>2020 йил: 1 231,7 | 100,2<br>101,2<br>102,9 |
| **Саноат** | 2018 йил: 967,5<br>2019 йил: 1 216,4<br>2020 йил: 1 317,8 | 110,1<br>94,2<br>91,6 |
| **Қурилиш** | 2018 йил: 322,9<br>2019 йил: 384,3<br>2020 йил: 470,6 | 102,7<br>106,2<br>104,7 |
| **Хизматлар** | 2018 йил: 1 497,8<br>2019 йил: 1 937,0<br>2020 йил: 2 389,9 | 103,3<br>105,2<br>104,6 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил: 314,2<br>2019 йил: 633,6<br>2020 йил: 394,6 | 106,7<br>100,8<br>99,4 |

**Навоий вилоятида** ЯҲМ ҳажми 9 383,2 млрд. сўмга етди ва ўсиш 3,7 % ни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 8,7 %), саноатда - 103,5 % (75,6 %), қурилишда - 108,0 % (3,3 %), хизматлар соҳасида - 103,6 % ни (12,4 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1,8 % га ўсди ва 9 394,5 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 4 405,2<br>2019 йил 7 214,5<br>2020 йил 9 383,2 | 103,5<br>101,6<br>103,7 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 519,3<br>2019 йил 619,6<br>2020 йил 802,4 | 101,7<br>102,6<br>103,8 |
| **Саноат** | 2018 йил 2 833,8<br>2019 йил 5 148,4<br>2020 йил 6 975,9 | 100,3<br>100,1<br>103,5 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 167,8<br>2019 йил 234,1<br>2020 йил 302,6 | 137,8<br>113,9<br>108,0 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 742,1<br>2019 йил 942,9<br>2020 йил 1 149,3 | 105,9<br>103,6<br>103,6 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 142,2<br>2019 йил 269,5<br>2020 йил 153,0 | 104,1<br>101,3<br>103,7 |

**Наманган вилоятида** ЯҲМ 4 236,9 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2019 йилнинг январь-март ойлари маълумотларига нисбатан 8,6 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,0 %), саноатда - 119,9 % (19,3 %), қурилишда - 133,9 % (7,4 %) ва хизматлар соҳасида - 103,7 % (49,3 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 6,3 % га ўсди ва 1 504,4 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 2 625,1<br>2019 йил 3 332,7<br>2020 йил 4 236,9 | 104,0<br>104,5<br>108,6 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 699,2<br>2019 йил 793,3<br>2020 йил 977,3 | 101,6<br>102,0<br>104,0 |
| **Саноат** | 2018 йил 385,3<br>2019 йил 510,0<br>2020 йил 785,8 | 102,5<br>105,7<br>119,9 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 169,1<br>2019 йил 206,5<br>2020 йил 302,0 | 133,4<br>108,2<br>133,9 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 278,3<br>2019 йил 1 647,3<br>2020 йил 2 015,2 | 102,7<br>105,0<br>103,7 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 93,2<br>2019 йил 175,6<br>2020 йил 156,6 | 106,3<br>105,6<br>112,4 |

**Самарқанд вилоятида** ЯҲМ ҳажми 6 733,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати 3,6 % га етди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида -102,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 30,2 %), саноатда - 103,1 % (17,4 %), қурилишда - 108,2 % (5,8 %), хизматлар соҳасида - 103,9 % (46,6 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,5 % га ўсди ва 1 733,2 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 4 417,7<br>2019 йил 5 712,8<br>2020 йил 6 733,5 | 102,4<br>105,8<br>103,6 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 1 319,7<br>2019 йил 1 618,5<br>2020 йил 1 975,7 | 102,2<br>101,1<br>102,4 |
| **Саноат** | 2018 йил 742,0<br>2019 йил 1 048,5<br>2020 йил 1 135,4 | 96,8<br>117,0<br>103,1 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 262,3<br>2019 йил 309,8<br>2020 йил 377,4 | 120,4<br>109,6<br>108,2 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 974,1<br>2019 йил 2 515,5<br>2020 йил 3 055,1 | 102,7<br>104,1<br>103,9 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 119,6<br>2019 йил 220,5<br>2020 йил 189,9 | 103,5<br>108,6<br>104,4 |

**Сурхондарё вилоятида** ЯҲМ 7,1 % га ўсди ва 4 078,0 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 30,5 %), саноатда -126,3 % (11,6 %), қурилишда - 110,7 % (9,3 %), хизматлар соҳасида - 104,0 % (48,6 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 547,7 минг сўмни ташкил этди ва 4,7 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 2 475,2<br>2019 йил 3 232,4<br>2020 йил 4 078,0 | 105,3<br>105,9<br>107,1 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 763,6<br>2019 йил 889,8<br>2020 йил 1 209,5 | 102,4<br>102,9<br>104,6 |
| **Саноат** | 2018 йил 277,5<br>2019 йил 282,2<br>2020 йил 460,0 | 137,5<br>87,9<br>126,3 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 179,1<br>2019 йил 293,9<br>2020 йил 369,9 | 94,9<br>146,7<br>110,7 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 155,5<br>2019 йил 1 575,3<br>2020 йил 1 925,5 | 103,5<br>105,6<br>104,0 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 99,5<br>2019 йил 191,2<br>2020 йил 113,1 | 107,6<br>108,0<br>109,9 |

**Сирдарё вилоятида** ЯҲМ ҳажми 2 025,2 млрд. сўмга етди ва ўсиш 2,5 % ни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 102,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 24,1 %), саноатда 103,3 % (35,8 %), қурилишда 101,2 % (6,8 %), хизматлар соҳасида 101,7 % (33,3 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 2 388,3 минг сўмни ташкил этди ва 0,5 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 1 311,4<br>2019 йил 1 843,0<br>2020 йил 2 025,2 | 104,0<br>104,2<br>102,5 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 382,1<br>2019 йил 419,2<br>2020 йил 468,9 | 100,3<br>100,2<br>102,9 |
| **Саноат** | 2018 йил 357,7<br>2019 йил 573,6<br>2020 йил 695,1 | 104,0<br>100,5<br>103,3 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 71,2<br>2019 йил 108,4<br>2020 йил 131,9 | 134,2<br>122,9<br>101,2 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 406,9<br>2019 йил 540,2<br>2020 йил 648,1 | 102,7<br>107,3<br>101,7 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 93,5<br>2019 йил 201,6<br>2020 йил 81,2 | 106,7<br>106,0<br>102,3 |

**Тошкент вилоятида** ЯҲМ 4,4 % га ўсган ҳолда 11 578,9 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 103,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 17,1 %), саноатда - 105,2 % (52,9 %), қурилишда - 102,0 % (3,8 %), хизматлар соҳасида - 103,7 % (26,2 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,9 % га ўсди ва 3 929,5 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, млрд. сўм | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 6 976,3<br>2019 йил 9 509,6<br>2020 йил 11 578,9 | 106,0<br>106,4<br>104,4 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 1 353,4<br>2019 йил 1 509,0<br>2020 йил 1 873,6 | 101,2<br>102,0<br>103,8 |
| **Саноат** | 2018 йил 3 071,8<br>2019 йил 4 465,4<br>2020 йил 5 793,7 | 108,5<br>108,2<br>105,2 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 247,0<br>2019 йил 337,6<br>2020 йил 416,9 | 150,1<br>113,4<br>102,0 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 875,8<br>2019 йил 2 385,7<br>2020 йил 2 874,5 | 102,3<br>105,5<br>103,7 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 428,3<br>2019 йил 811,9<br>2020 йил 620,2 | 108,6<br>107,7<br>104,7 |

**Фарғона вилоятида** ЯҲМ ҳажми 4,0 % га ўсди ва 6 576,3 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 18,2 %), саноатда - 104,1 % (28,9 %), қурилишда - 107,3 % (7,0 %), хизматлар соҳасида - 103,1 % (45,9 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 749,5 минг сўмни ташкил этди ва 2,1 % га ўсди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 4 133,0<br>2019 йил 5 716,2<br>2020 йил 6 576,3 | 105,2<br>105,5<br>104,0 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 762,1<br>2019 йил 914,2<br>2020 йил 1 155,2 | 101,9<br>105,3<br>104,9 |
| **Саноат** | 2018 йил 1 044,0<br>2019 йил 1 598,5<br>2020 йил 1 835,8 | 104,2<br>105,5<br>104,1 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 274,1<br>2019 йил 347,1<br>2020 йил 444,9 | 132,9<br>107,6<br>107,3 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 1 858,0<br>2019 йил 2 398,7<br>2020 йил 2 905,6 | 103,9<br>105,2<br>103,1 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 194,8<br>2019 йил 457,7<br>2020 йил 234,8 | 106,3<br>105,7<br>104,1 |

**Хоразм вилоятида** ЯҲМ 5,2 % га ўсди ва 3 726,9 млрд. сўмни ташкил қилди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 104,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 31,8 %), саноатда - 110,7 % (18,8 %), қурилишда - 107,0 % (6,7 %), хизматлар соҳасида - 103,0 % (42,7 %) кузатилган ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,4 % га ўсди ва 1 993,7 минг сўмни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| **ЯҲМ** | 2018 йил 2 323,9<br>2019 йил 3 101,4<br>2020 йил 3 726,9 | 104,8<br>105,5<br>105,2 |
| **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги** | 2018 йил 740,4<br>2019 йил 923,2<br>2020 йил 1 139,3 | 101,1<br>104,0<br>104,4 |
| **Саноат** | 2018 йил 366,6<br>2019 йил 534,9<br>2020 йил 675,6 | 116,0<br>108,8<br>110,7 |
| **Қурилиш** | 2018 йил 164,1<br>2019 йил 196,6<br>2020 йил 240,0 | 104,4<br>104,7<br>107,0 |
| **Хизматлар** | 2018 йил 955,9<br>2019 йил 1 262,1<br>2020 йил 1 529,8 | 103,7<br>105,4<br>103,0 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | 2018 йил 96,9<br>2019 йил 184,6<br>2020 йил 142,2 | 107,0<br>106,6<br>106,3 |

**Тошкент шаҳрида** ЯҲМ 19 745,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 6,2 % га кўпдир. ЯҲМ ўсишига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб, саноат - 108,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 40,4 %), қурилиш - 103,6 % (8,2 %), хизматлар соҳасидаги - 104,6 % (51,4 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3,6 % га ўсди ва 7 655,3 минг сўмга етди.

**2020 йилнинг январь-мартида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | Январь-март ойларида жорий нархларда ЯҲМ ҳажми, *млрд. сўм* | Ўсиш суръатлари % да |
|---|---|---|
| ЯҲМ | 2018 йил 11 751,5<br>2019 йил 15 950,5<br>2020 йил 19 745,4 | 106,9<br>108,3<br>106,2 |
| Саноат | 2018 йил 3 852,4<br>2019 йил 5 255,7<br>2020 йил 7 109,3 | 106,1<br>102,5<br>108,9 |
| Қурилиш | 2018 йил 791,1<br>2019 йил 1 266,6<br>2020 йил 1 436,9 | 110,3<br>141,7<br>103,6 |
| Хизматлар | 2018 йил 5 992,0<br>2019 йил 7 468,1<br>2020 йил 9 052,3 | 106,7<br>107,7<br>104,6 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 2018 йил 1 116,0<br>2019 йил 1 960,1<br>2020 йил 2 146,9 | 107,3<br>108,5<br>106,4 |

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соф солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айириш орқали аниқланади.

**ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯИМ дефлятор индекси** иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

# II. НАРХЛАР

## Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси (ИНИ), % да

**2020 йил март**

➢ 2020 йилнинг мартида истеъмол нархлари ва тарифлари даражасининг ой давомидаги ўртача ўсиш суръати **1,3 %** ни ташкил этди.

➢ 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида истеъмол бозоридаги нархлар ва тарифлар ўртача **2,8 %** га кўтарилди.

➢ Йиллик даврда эса (2019 йилнинг мартига нисбатан) товарлар ва хизматлар нархларининг ўртача ўсиш суръати **13,6 %** ни ташкил этди.

| | |
|---|---|
| 2020 йилнинг февралига нисбатан | 101,3 |
| 2019 йилнинг декабрига нисбатан | 102,8 |
| 2019 йилнинг мартига нисбатан | 113,6 |

**2019 йил март**

➢ 2019 йилнинг март ойида, товарлар ва хизматларнинг нархлари ой давомида ўртача **1,2 %** га ўсди.

➢ 2019 йилнинг январь-март ойларида товарлар ва хизматлар ўртача **4,3 %** га қимматлашди.

➢ 2018 йилнинг март ойига нисбатан 2019 йилнинг март ойида товарлар ва хизматлар нархлари ўртача **13,6 %** га ошган.

| | |
|---|---|
| 101,2 | 2019 йилнинг февралига нисбатан |
| 104,3 | 2018 йилнинг декабрига нисбатан |
| 113,6 | 2018 йилнинг мартига нисбатан |

## Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ, % да

### ўтган ойга нисбатан

Ўртача ойлик ИНИ[1] ўсишини ҳисоблаш натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида ушбу кўрсаткич 0,9 % ни, 2019 йилнинг шу даврида эса 1,5 % ни ташкил этган.

### ўтган йилнинг декабрига нисбатан




Ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2019 ва 2020 йилларнинг январ-март ойлари давомида умумий ИНИ кўрсаткичлари орасидаги энг катта тафовут феврал ойида қайд этилди (мос равишда 101,4 % га қарши 103,1 %, ёки 1,7 пункт), минимал даражада эса январь ойида (101,5 % га қарши 100,6 %, ёки 0,9 пункт), март ойида эса 1,5 пунктни ташкил этди.

### ўтган йилнинг мос ойига нисбатан




2020 йил март ойида йиллик умумий ИНИ ўтган ойнинг шу кўрсаткичига нисбатан 0,1 даражага (113,5 % дан 113,6 % гача) кўтарилди.

Шунингдек, олдинги ойда бўлгани каби, 2019 ва 2020 йил март ойларида умумий ИНИ йиллик кўрсаткичлари (113,6 %) га тенг бўлди.

[1] *Ўртача ойлик ўсиш суръати ўтган ойга нисбатан ҳар бир ўрганилаётган ойидаги нарх индекслари ўсишининг ўртача геометрик кўрсаткичи сифатида аниқланади.*

Йирик гуруҳлар кесимидаги нархларнинг ўзгаришига кўра, нархлар ва тарифларнинг ошиши бўйича етакчилик озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бўлиб, жорий йилнинг март ойида нархлар 1,9 % га кўтарилган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 0,9 % га ва хизматлар эса 0,8 % га ошган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да**

**ўтган ойга нисбатан**

**Озиқ-овқат маҳсулотлари**

**Ноозиқ-овқат маҳсулотлари**



**Хизматлар**



**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг мартида ҳам нарх ва тарифларнинг ўсиши бўйича етакчилик озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бўлиб, нархлар ой давомида 1,5 % га қимматлашган эди. Ушбу даврда ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 0,8 % га, хизматлар эса 1,2 % га ошган.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий товарлар ва хизматлар гуруҳи нархлари ўзгаришининг умумий ИНИ даги таъсири, ф.д.**

**ўтган ойга нисбатан**




✓ Жорий йилнинг март ойи давомида умумий ИНИ нинг **1,3** фоиз даражага ошиши (кейинги ўринларда ф.д.), озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг **0,8 ф.д.**да кўтарилиши билан боғлиқ.

✓ Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши ойлик умумий кўрсаткичнинг қўшимча равишда **0,3 ф.д.**га ўсишини таъминлади.

✓ Пуллик хизматлар тарифларининг ўсиши натижасида умумий ИНИ қўшимча равишда **0,2 ф.д.**га ошди.

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг мартида ойлик умумий ИНИ асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари таъсири остида шаклланган. Шундай қилиб, ой давомида умумий истеъмол нархлари индексининг 1,2 даражага ўсишида, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларнинг қимматлашиши 0,6 ф.д., ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар эса қўшимча равишда 0,3 ф.д.дан таъсир этган.

2020 йилнинг март ойида умумий ИНИ тузилмасини, салмоқ кўрсаткичлари шаклида янада батафсил кўриш мумкин.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва умумий ИНИ ўсишидаги таъсир улуши, % да ўтган ойга нисбатан**

**Озиқ-овқат маҳсулотлари**

**Ноозиқ-овқат маҳсулотлари**

**Хизматлар**

2020 йилнинг мартида умумий ИНИ нинг ой давомидаги ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 62,1 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари улуши 23,5 % ва хизматлар улуши 14,4 % ни ташкил этди

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг мартида ҳам умумий ИНИ нинг ўсишига таъсири жиҳатидан устунлик озиқ-овқат маҳсулотлари томон йўналган вақтда (54,3 %), ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пуллик хизматлар улуши мос равишда 23,7 % ва 22,0 % ни ташкил этган.

Умумий ҳисобда, 2020 йилнинг I чораги давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари даражаси 4,3 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 %, хизматлар 1,5 % га ошди.

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг дастлабки уч ойида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, хизматлар нархларининг ўсиши мос равишда 6,4 %, 2,8 % ва 2,5 % ни ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да**

**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**




**Озиқ-овқат маҳсулотлари** **Ноозиқ-овқат маҳсулотлари** **Хизматлар**

Ҳар бир йирик гуруҳнинг салмоқ вазнини ҳисобга олган ҳолда, нархларнинг ўзгаришига қўшган ҳиссаси таҳлилига кўра, 2020 йилнинг январь-мартида, етакчилик борасида озиқ-овқат маҳсулотлари таъсирининг устунлиги сақланиб қолганлигини кўрсатди. Ушбу даврда озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг ўзгариши натижасида юзага келган инфлцсион босим, аста-секин 0,4 ф.д.дан (январь) 1,9 ф.д.гача (март) кўтарилиб борган.

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва аҳолига пуллик хизматлар нархларининг кўтарилиши умумий кўрсаткичнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмади. Шундай қилиб, январдан мартгача ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ушбу кўрсаткич 0,1 ф.д.дан. 0,6 ф.д.гача, хизматлар бўйича эса 0,1 ф.д.дан 0,3 ф.д.гача ошган.

**Таққослаш учун:** 2019 йилинг дастлабки уч ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши ўтган йилнинг декабрига нисбатан умумий ИНИ ўсишига сезиларли даражада хисса қўшди. Шундай қилиб ушбу маҳсулот гуруҳлари нархларининг ўсиши умумий кўрсаткичларга январь ойида 1,2 ф.д.да март ойида 2,8 ф.д.да таъсир этди.

## Ўзбекистон Республикаси бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги таъсири, ф.д.

ўтган йилнинг декабрига нисбатан




✔ Озиқ-овқат маҳсулотлари ✔ Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ✔ Хизматлар

## 2020 йилнинг март ойида товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва умумий ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси, % да

ўтган йилнинг декабрига нисбатан




2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2020 йилнинг март ойида таъсир улуши кўрсаткичлари бўйича ИНИ умумий ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳиссаси 66,6 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 21,3 % ва хизматлар 12,1 % ни ташкил этган.

- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Ноозиқ-овқат маҳсулотлари
- Хизматлар

## 2020 йилнинг мартида товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишига қўшган ҳиссаси, ф.д. ва % да ўтган йилнинг март ойига нисбатан




Товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва унинг йиллик умумий ИНИ ўсишидаги таъсирига кўра, жорий йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши натижасида ушбу кўрсаткич 6,95 ф.д., ноозиқ-овқат маҳсулотлар таъсирида 3,45 ф.д., хизматлар нархларининг кўтарилиши оқибатида 3,23 ф.д.га ошган.




2019 йилнинг март ойига нисбатан умумий кўрсаткичнинг ўсишида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши деярли 51,0 % ни ташкил этади. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг таъсири тахминан тенг нисбатда бўлиб, ушбу кўрсаткич мос равишда 25,3 % ва 23,7 % ни ташкил қилади.

✔ **Озиқ-овқат маҳсулотлари** ✔ **Ноозиқ-овқат маҳсулотлари** ✔ **Хизматлар**

**Таққослаш учун:** 2018 йилнинг мартига нисбатан 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларнинг ўсиши сабабли умумий ИНИ 6,67 ф.д.га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсирида 3,59 ф.д., хизматлар таъсирида эса 3,38 ф.д.га ошган.

Шундай қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсири улуши 48,9 %, ноозиқ-овқат товарлари 26,3 %, хизматлар 24,8 % ни ташкил этган.

**Озиқ-овқат маҳсулотлари** нархларининг ойлик ўртача ўсиш суръати даражаси **1,4 %** ни ташкил этиб, 2020 йил бошидан нархлар ўрта ҳисобда **4,3 %** га ошган. 2020 йил март ойида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 2020 йил январь-март ойларидаги ўртача нархлардан **0,5** даражага баландроқ бўлди.

## Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси, % да




2020 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари **1,9 %** га кўтарилди ёки ўтган ойдаги мос кўрсаткичга нисбатан **0,6** даражага юқори демакдир.

2019 йилнинг март ойига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **16,4 %** га қимматлашган.

**2020 йилнинг февралига нисбатан**

**2019 йилнинг декабрига нисбатан**

**2019 йилнинг мартига нисбатан**

**Таққослаш учун:** 2018 йилнинг декабрига нисбатан 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 6,4 %, 2018 йилнинг мартига нисбатан эса ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларининг ўсиши суръати 15,3 % ни ташкил этган.

Кузатилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари ичида ой давомида мева ва сабзавотлар (5,0 %), гўшт, парранда гўшти ва балиқ (1,7 %), ёғ ва мойлар (1,3 %), нон (1,2 %) ҳамда сут маҳсулотлари (1,1 %), 2019 йилнинг охирига нисбатан эса мева ва сабзавотлар (12,5 %), шунингдек, гўшт, парранда гўшти ва балиқ (4,1 %) маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада қимматлашган. Ой давомида умумий овқатланиш муассасалари нархлари 1,6 %, йил бошидан эса 2,5 % га қимматлашди.

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг март ойида озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларидан мевалар, сабзавотлар ва картошка (4,5 %), сут маҳсулотлари (1,5 %), шунингдек, умумий овқатланиш нархлари (1,1 %) гуруҳдаги бошқа нархларга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Айнан шу уч гуруҳ озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 2019 йилнинг I чораги давомида нархларнинг кўтарилиши бўйича етакчи ўринларни эгаллаган. Шундай илиб, қайд этилаётган даврда мевалар, сабзавотлар ва картошка 17,7 %, сут маҳсулотлари 8,1 %, умумий овқатланиш нархлари 8,0 % га қимматлашган.

## 2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг ИНИ, % да




**Нон маҳсулотлари**

**Гўшт, парранда гўшти ва балиқ**




**Сут маҳсулотлари**




**Тухум**




**Мевалар, сабзавотлар ва картошка**

**Шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар**




**Ёғ ва мойлар**

**Алкоголсиз ичимликлар**




**Спиртли ичимликлар**

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида нон маҳсулотлари март ойида (1,2 %), гўшт, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотлари февралда (1,9 %), сут маҳсулотлари (1,1 %), ёғ ва мойлар март ойида (1,3 %), спиртли ичимликлар февраль-март ойларида (0,8 % дан), мева ва сабзавот маҳсулотлари нархлари март ойида (5,0 %) сезиларли даражада қимматлашган. Ушбу даврда тухум маҳсулоти нархлари динамикаси бир маромда сақланиб қолмаган. Шундай қилиб, январь ойида нархларнинг 3,0 % га кўтарилганлиги қайд этилган бўлса, февраль ва март ойларида эса аксинча, нархларнинг пасайганлиги рўйхатга олинган (2,2 % ва 3,5 %).

**ўтган ойга нисбатан** **ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

Ҳар бир гуруҳ маҳсулотлари нархлари ўзгаришининг батафсил таҳлили қуйидагича акс этган:

| Нон маҳсулотлари (ёрма ва дуккаклилар билан) | 2020 йилнинг март ойида нархларнинг ўсиши, % да |
|---|---|




**Нон маҳсулотларидан** (ёрма ва дуккаклиларни қўшган ҳолда) ушбу гуруҳга тааллуқли бўлган ловия (4,1 %), мош (3,4 %), нўхат (2,1 %), гречка (1,9 %), ун (1,5 %), вермишель, гуруч ва оқшоқ (1,2 %) нархлари бошқаларга нисбатан сезиларли даражада қимматлашган. Йил бошидан эса дуккаклилар (0,7 % - 8,3 %) ва гречка (6,6 %) нархлари юқори даражада кўтарилган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида нон маҳсулотлари (ёрма ва дуккаклиларни қўшган ҳолда) 0,5 %, жумладан, ёрма ва дуккакли маҳсулотлар нархлари ўртача 1,3 %, ун 0,2 % га ошди. Умумий ҳисобда, I чорак давомида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари ўртача 3,4 %, жумладан, ёрма ва дуккаклилар 5,1 %, ун 2,2 %, турли навли унлардан нон нархлари 0,4 % - 3,2 % ораликда қимматлашган.

2020 йилнинг март ойида асосий турдаги **гўшт маҳсулотлари**дан қўй гўшти 3,1 % (йил бошидан 6,2 %), суякли мол гўшти 1,8 % (4,8 %), суяксиз мол гўшти 1,5 % (5,1 %), товуқ болдири ва сон қисмлари 1,5 % (0,5 %), бошқа турдаги парранда гўшти 1,4 % (йил бошига нисбатан 1,2 % га арзонлашган), тирик ва совутилган балиқ 1,4 % (чорак давомида нархлар 5,2 % га ошган) нархлари сезиларли даражада кўтарилди.

| Гўшт, парранда гўшти ва балиқ | 2020 йилнинг март ойида нархларнинг ўсиши ёки пасайиши, % да |
|---|---|

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида гўшт маҳсулотларининг нархлари ўртача 0,7 %, жумладан, қўй гўшти 0,7 %, мол гўшти 0,4 % - 0,5 %, тирик ва совутилган балиқ 1,8 % га кўтарилган. Шунингдек, товуқ болдири ва сон қисмлари 0,2 %, бошқа турдаги парранда гўшти нархлари 0,4 %га арзонлашган. Умумий ҳисобда, ўтган йилнинг январ-март ойлари давомида гўшт, парранда гўшти ва балиқ нархлари 3,2 %, колбаса маҳсулотлари (10,1 % - 10,4 %), тирик ва совутилган балиқ (6,2 %) маҳсулотлари нархлари бошқаларга нисбатан юқори суръатларда қимматлашган.

Жорий йилнинг март ойида **тухум** нархлари 3,5 % га арзонлашиб, йил бошидан буён нархлар даражаси 2,8 % га пасайган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида тухум нархлари 1,2 % га, мазкур йилнинг I чорагида эса 0,1 % га пасайган.

| Сут маҳсулотлари | 2020 йилнинг март ойида нархларнинг ўсиши, % да |
|---|---|

Ой давомида сут нархлари 1,9 % (2020 йилнинг январь-март ойларида эса 3,8 %), сузма 1,3 % (2,4 %), қаймоқ 1,2 % (2,6 %), қатиқ, чучук қатиқ нархлари 1,1 % (3,1 %)га қимматлашган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг мартида сут маҳсулотлари нархлари ой давомида ўртача 1,5 %, йил бошидан эса 8,1 % га кўтарилган. Ой давомидаги гуруҳнинг ўртача нархларидан юқори даражада сут (2,4 %), қатиқ, чучук қатиқ (2,3 %), сузма (2,2 %), шунингдек, суюлтирилган ва колбасали пишлоқ (2,1 %) нархлари қимматлашган. Чорак давомида бошқа маҳсулотларга нисбатан қатиқ, чучук қатиқ (12,5 %), сут (11,6 %) ва қаймоқ (10,3 %) нархлари сезиларли кўтарилган.

| Шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар | 2020 йилнинг март ойида нархларнинг ўсиши, % да |
|---|---|

Жорий йилнинг март ойида шакар ва қанд нархлари 0,7 % (йил бошидан 1,3 %) - га кўтарилган. Қандолат маҳсулотлари нархлари ўртача 1,3 % (2,2 %), кофе ва чой 0,5 % (1,0 %), бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари (туз, зираворлар, қайлалар ва бошқалар) 0,7 % (1,1 %) га қимматлашган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида шакар, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 1,0 %, жумладан, шакар 0,1 %, қандолат маҳсулотлари 1,7 %, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 0,2 %га қимматлашиб, кофе ва чой нархлари барқарор сақланиб қолган. Чорак давомида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари 3,9 % га кўтарилиб, нархларнинг ўсиши бўйича етакчи поғона қандолат маҳсулотларига тегишли бўлган (5,6 %).

2020 йилнинг мартида **ёғ-мой маҳсулотларидан** ўсимлик, ҳайвон ва эритилган ёғ нархлари ой давомида 1,3 %, сариёғ 1,1 %, маргарин 1,2 % га кўтарилган. Йил бошидан ушбу маҳсулотлар нархлари 2,0 %, жумладан, ҳайвон ва эритилган ёғлар 3,6 %, сариёғ 2,7 %, маргарин 2,2 %, ўсимлик мойлари 1,8 % га ошган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида ёғ-мой маҳсулотлари нархлари 0,3 %, жумладан, сариёғ 1,3 %, маргарин 1,0 %, озиқ-овқат ёғлари 0,7 % га қимматлишиш баробарида ўсимлик мойлари нархлари барқарор ҳолатда сақланиб қолган.

2019 йил охирига нисбатан мевалар, сабзавотлар ва картошка нархлари ўртача 12,5 % га қимматлашиб, саримсоқ эса нарх ошишида етакчи бўлди (1,5 баравар). 2019 йил декабрь ойидаги нархларга нисбатан банан (1,4 %), шолғом (0,2 %), сабзи, тузланган карам (0,1 %) нархлари арзонлашган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида мевалар, сабзавотлар ва картошка нархининг ўсиш суръати 4,5 % ни ташкил этиб, улар орасида энг катта ўсиш карам (15,7 %) ва помидор (10,4 %) маҳсулотларида қайд этилган. Шу билан бирга, бир ой давомида бодринг нархлари 3,1 % га арзонлашган. Умумий ҳисобда, 2019 йилнинг I чорагида мевалар ва сабзавотлар нархлари 17,7 % га қимматлашиб, нархларнинг ўзгариш оралиғи эса 0,4 % дан (цитрус мевалари) 49,5 % гачани (узум) ташкил этган.

| Мевалар, сабзавотлар ва картошка | 2020 йилнинг март ойида нархларнинг ўсиши ёки пасайиши, % да |
|---|---|



**Мева-сабзавот маҳсулотлари** нархларининг ой давомида 5,0 % га қимматлашиши баробарида, саримсоқ (26,6 %), лимон (16,9 %), помидор (10,9 %) ва картошка (10,6 %) нархлари юқори суръатларда ошган. Шу билан бирга, бодринг, жумладан, тузланган ва маринадланган бодринг нархларининг арзонлашганлиги ҳам қайд этилган (1,4 %ва 0,1 %).

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг ИНИ, % да**

**2019 йил март ойига нисбатан**

| Нон маҳсулотлари | 123,9 |
|---|---|

| Гўшт, парранда гўшти ва балиқ | 124,4 |
|---|---|

| Сут маҳсулотлари | 111,7 |
|---|---|

| Тухум | 128,2 |
|---|---|

| Мевалар, сабзавотлар ва картошка | 109,5 |
|---|---|

| Ёғ ва мойлар | 107,0 |
|---|---|

| Шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар | 109,3 |
|---|---|

| Алкоголсиз ичимликлар | 114,6 |
|---|---|

| Спиртли ичимликлар | 111,0 |
|---|---|

Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг истеъмол нархлари ўзгаришига келсак, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кетма-кет иккинчи ой нархларнинг ўсиши бўйича етакчи ўринни тухум нархлари (28,2 %) эгаллаб турибди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархларининг кўтарилиши ва унинг ой давомидаги умумий ИНИ нинг ўсишига қўшган ҳиссаси таҳлилига кўра, жорий йилнинг март ойида ҳам ўтган ойдаги каби нархларнинг кўтарилиши бўйича етакчилик мева-сабзавотлар, гўшт, парранда гўшти ва балиқ ҳамда нон маҳсулотларига тегишлидир. Умумий ҳисобда, улар йиғма ИНИни 0,65 ф.д.га ошишини таъминлаб, бу озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсиридан тахминан 79,0 % ни ташкил этади.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси**

**ўтган ойга нисбатан**

**умумий ИНИ ўсишидаги ҳиссаси, ф.д.**




**озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсиридаги улуши, % да**




- тухум
- мевалар, сабзавотлар ва картошка
- нон маҳсулотлари
- шакар, чой ва бошқа маҳсулотлар
- гўшт, парранда гўшти ва балиқ
- ёғ ва мойлар
- сут маҳсулотлари
- бошқалар

*Изоҳ: озиқ-овқат маҳсулотлари таъсири улушини ҳисоблашда "Тухум" гуруҳи бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига киритилган.*

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан умумий ИНИ таркибидаги озиқ-овқат маҳсулотлари орасидаги энг салмоқли улуш – мева-сабзавот ҳамда гўшт, шунингдек, нон маҳсулотларига тегишлидир (умумий таъсири 1,55 ф.д., ёки барча товарлар ва хизматларнинг 56,0 фоизи). Сут маҳсулотлари нархларининг ўсиши натижасида ИНИ 2019 йилнинг декабрига нисбатан 0,07 ф.д.га, ёғ-мой масулотлари нархлари таъсирида 0,06 ф.д.га шакар, чой ва бошқа маҳсулотлари таъсирида 0,10 ф.д.га кўтарилди. Шу билан бирга, тухум нархининг арзонлашиши умумий кўрсаткичнинг 0,2 ф.д.га пасайишига сабаб бўлди.

Йиллик даврда умумий ИНИ ўсишидаги ҳиссасига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, парранда гўшти ва балиқ (2,50 ф.д.) ҳамда нон маҳсулотларининг (1,64 ф.д.) таъсири устунлик қилмоқда.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида **ноозиқ-овқат маҳсулотлари** нархларининг ўртача ойлик ИНИ ўсиш суръати 0,6 % ни ташкил этди. Шундай қилиб, 2020 йилнинг март ойида мазкур гуруҳ маҳсулотлари нархлари январь-март ойлари ўртача кўрсаткичидан 0,3 ф.д.га юқори бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар истеъмол нархлари индекси, % да**



2020 йилнинг мартида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **0,9 %** га ошган.

2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан мазкур гуруҳ нархларининг ўсиш суръати **1,7 %**, 2019 йилнинг мартига нисбатан **10,0 %** ни ташкил этди.

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг март ойи давомида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари **0,8 %** га кўтарилиб, 2018 йилнинг декабрига нисбатан ушбу кўрсаткич **2,8 %** ни, 2018 йилнинг мартига нисбатан **10,4 %** ни ташкил этган.

2020 йилнинг март ойида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари ичида шахсий транспорт (6,9 %, шу жумладан кузатилаётган автомобиллар турлари ўртача 8,7 %) ва тамаки маҳсулотлари (4,1 %) нархларининг сезиларли ўсиши қайд этилди. Бир ой давомида қурилиш материаллари 0,9 %, кийим-кечак, мато ва йигирилган иплар 0,8 %, оёқ кийим 0,7 %, асосий маиший буюмлари ва электр жиҳозлари нархлари 0,3 % га ўсди.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари орасида ювиш ва тозалаш маҳсулотлари (2,4 %) ҳамда шахсий гигиена воситалари (2,1 %) нархлари бошқаларга нисбатан юқори даражада қимматлашган.

2020 ва 2019 йилларнинг мартидаги ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг асосий гуруҳлари ИНИ ни олдинги ой билан таққослаш натижаларига кўра, кийим-кечак, оёқ кийим, шахсий гигиена, ювиш ва тозалаш воситалари ва заргарлик буюмлари нархлари ўтган йилнинг март ойида қимматроқ бўлиб, жорий йилнинг март ойида эса мато ва йигирилган иплар, маиший тўқимачилик маҳсулотлари, маданий моллар, қурилиш материаллари, дори-дармонлар, автомобиллар учун ёқилғи, асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари нархлари юқори бўлган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да ўтган ойга нисбатан**

| | 2019 йил март | 2020 йил март | | 2019 йил март | 2020 йил март |
|---|---|---|---|---|---|
| Кийим-кечак | 101,7 | 100,8 | Шахсий гигиена маҳсулотлари | 102,1 | 100,7 |
| Оёқ кийим | 101,3 | 100,7 | Автомобиллар учун ёқилғи | 99,7 | 100,2 |
| Мато ва йигирилган иплар | 100,3 | 100,8 | Асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари | 100,1 | 100,3 |
| Маиший тўқимачилик маҳсулотлари | 100,1 | 101,0 | Тамаки маҳсулотлари | 100,0 | 104,1 |
| Маданий моллар | 100,3 | 100,5 | Заргарлик буюмлари | 101,1 | 100,7 |
| Қурилиш материаллари | 100,5 | 100,9 | Ювиш ва тозалаш воситалари | 102,4 | 100,9 |
| Дори-дармонлар | 100,0 | 101,2 | Шахсий транспорт | 100,2 | 106,9 |

2019 йилнинг декабрига нисбатан босма нашр маҳсулотлари нархлар ошиши бўйича етакчи ўринни эгаллашда давом этиб (11,9 %), йиллик даврда эса автомобиллар учун ёқилғи нархлари бошқаларга нисбатан юқорироқ даражада қимматлашди (20,4 %).

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар асосий гуруҳларининг ИНИ, % да**

| | 2019 йилнинг декабрига нисбатан | 2019 йилнинг мартига нисбатан |
|---|---|---|
| Кийим-кечак | 102,0 | 108,8 |
| Оёқ кийим | 101,8 | 109,5 |
| Мато ва йигирилган иплар | 101,9 | 111,1 |
| Маиший тўқимачилик маҳсулотлари | 102,0 | 109,5 |
| Маданий моллар | 101,2 | 107,7 |
| Қурилиш материаллари | 101,5 | 108,0 |
| Дори-дармонлар | 101,6 | 109,7 |
| Шахсий гигиена маҳсулотлари | 101,3 | 110,6 |
| Автомобиллар учун ёқилғи | 100,2 | 120,4 |
| Асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари | 100,9 | 107,9 |
| Китоблар, газеталар ва журналлар | 111,9 | 117,0 |
| Заргарлик буюмлари | 102,2 | 117,7 |
| Ювиш ва тозалаш воситалари | 100,8 | 107,7 |
| Мебел | 100,7 | 107,5 |
| Тамаки маҳсулотлари | 104,1 | 117,6 |
| Шахсий транспорт | 106,9 | 112,1 |

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг нархлари ўзгариши ва уларнинг ой давомида умумий ИНИ ўсишига қўшган ҳиссасига келсак, 2020 йилнинг март ойи натижаларига кўра, салмоқ вазнларни ҳисобга олган ҳолда кийим-кечак (0,07 ф.д.) ва шахсий транспорт (0,06 ф.д.) нархларининг ўсиши сезиларли таъсир кўрсатган. Қурилиш материаллари ва дори-дармон нархларининг қимматлашуви натижасида умумий кўрсаткич 0,06 ф.д., оёқ кийим ҳамда тамаки маҳсулотлари нархлари таъсирида 0,02 ф.д.га ортган.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ҳамда умумий ИНИ даги ҳиссаси, ф.д. ва % да ўтган ойга нисбатан**

| | |
|---|---|
| 0,09 | Кийим-кечак ва оёқ кийим |
| + 0,02 | Маиший тўқимачилик, мато ва йигирилган иплар |
| + 0,03 | Қурилиш материаллари |
| + 0,03 | Дори-дармонлар |
| + 0,02 | Шахсий гигиена, ювиш ва тозалаш воситалари |
| + 0,02 | Тамаки маҳсулотлари |
| + 0,07 | Шахсий транспорт ва автомобиллар учун ёқилғи |
| + 0,03 | Бошқалар |




**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг мартида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ой давомида умумий ИНИ ни ўсишига асосан кийим-кечак ва оёқ кийим (0,16 ф.д.), шунингдек, шахсий гигиена, ювиш ва тозалаш воситалари (умумий 0,07 ф.д.) нархларининг ўзгариши таъсир этган.

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий ИНИ нинг ўсишига таъсири жиҳатидан етакчилик кийим-кечак ва шахсий транспорт воситаларига тегишлидир (0,23 ф.д., ёки умумий ноозиқ-овқат маҳсулотлар таъсиридан 39,0 %). Шахсий транспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари нархларининг ўсиши натижасида, кўрсатилган даврда жами кўрсаткич қўшимча равишда 0,07 ф.д.га, қурилиш материаллари таъсирида 0,05 ф.д.га, шахсий гигиена воситалари, кир ювиш ва тозалаш воситалари жами 0,5 ф.д.га, маиший тўқимачилик маҳсулотлари, мато ва эшилган иплар 0,04 ф.д.га, асосий маиший буюмлар ва электр жиҳозлари, ошхона анжомлари ва жиҳозлари 0,03 ф.д.га, тамаки маҳсулотлари таъсирида 0,02 ф.д.га ошди.

2019 йилнинг март ойига нисбатан умумий кўрсаткичнинг ўсишига кийим-кечак (0,74 ф.д.), автомобиллар учун ёқилғи (0,49 ф.д.), оёқ кийим ва дори-дармонлар (0,27 ф.д.дан), шунингдек, қурилиш материаллари (0,26 ф.д.) нархларининг ўзгариши сезиларли ҳисса қўшган.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли учун **пуллик хизматлар** нархларининг ўртача ойлик ИНИ ни ўсиш суръати **0**,5 % ни ташкил этди.

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли учун пуллик хизматлар нархларининг ўртача ойлик ИНИ ни ўсиш суръати 0,8 % ни ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматларнинг ИНИ, % да**

## 2020 йил март

2020 йилнинг мартида аҳоли учун пуллик хизматлар тарифларининг ой давомидаги ўсиш суръати **0,8 %** ни ташкил этди.

2019 йилнинг охирига нисбатан нархларнинг ўсиш суръати **1,5 %,** йиллик даврда эса **14,1 %** ни ташкил этди.

## 2019 йил март

**Таққослаш учун:** 2019 йилнинг март ойида аҳоли учун пуллик хизматлар тарифлари **1,2 %** га ошган.

2019 йилнинг илк уч ойи давомида ушбу соҳадаги тарифларнинг ўсиш суръати **2,5 %** ни ташкил этган.

2018 йилнинг март ойига нисбатан аҳоли учун пуллик хизматлар қиймати ўртача **15,7 %** га ортган.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш алоҳида гуруҳларининг ИНИ, % да**

**ўтган ойга нисбатан**

Жорий йилнинг март ойида кузатилаётган аҳоли учун пуллик хизматлар орасида олий таълим давлат муассасаларида шартнома асосида ўқитиш учун тўловларнинг 7,0 % га, шунингдек, кузатилаётган бошқа таълим хизматларининг 1,1 % гача кўтарилиши натижасида умумий таълим хизматлари нархлари 3,2 % га қимматлашган.

Тиббий хизматлар нархлари ой давомида 1,8 %, маиший хизматлар 0,9 %, йўловчи ташиш транспорти ва дам олиш хизматлари нархлари 0,8 % га ошган.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида хизматлар орасида нархларнинг ўсиши бўйича етакчилик таълим хизматларига (6,2 %), жумладан, ОТМ да ўқитиш тўловларининг 10,0 % га ошиши ҳисобига тўғри келди. Алоқа хизматлари 3,9 %, спорт ва дам олиш 1,3 %, маиший хизматлар 0,5 %, уй-жой коммунал хизматлари 0,3 % га ошган.

**2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун алоҳида пуллик хизматлар гуруҳларининг ИНИ, % да**

| Хизматлар номи | 2019 йилнинг декабрига нисбатан | 2019 йилнинг мартига нисбатан |
|---|---|---|
| Маиший хизматлар | 102,9 | 116,8 |
| Уй-жой коммунал хизматлари | 100,1 | 117,2 |
| Йўловчи ташиш транспорти хизматлари | 101,1 | 112,5 |
| Алоқа хизматлари | 100,2 | 101,2 |
| Маданият муассасалари хизматлари | 101,0 | 103,9 |
| Спорт хизматлари | 101,2 | 110,4 |
| Дам олиш хизматлари | 105,5 | 111,6 |
| Тиббий хизматлар | 102,6 | 113,4 |
| Таълим хизматлари | 103,4 | 118,0 |
| МТТ хизматлари | 100,0 | 120,2 |

Умумий ҳисобда, 2020 йилнинг дастлабки уч ойида, бошқаларга нисбатан, дам олиш хизматлари (5,5 %), таълим (3,4 %) ва маиший (2,9 %) хизматлар нархлари сезиларли даражада ошди.

Аҳолига пуллик хизматлар тарифларининг йил давомидаги ўзгаришига келсак, кузатилаётган асосий гуруҳлар бўйича мактабгача таълим ташкилотлари (20,2 %), таълим (18,0 %), уй-жой коммунал (17,2 %), маиший хизматлар (16,8 %) нархлари сезиларли даражада қимматлашган.

**Маълумот учун:** 2018 йилнинг декабрига нисбатан 2019 йилнинг март ойида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги нархлар ва тарифларнинг ўсиши бўйича етакчилик дам олиш хизматларига (7,5 %), 2018 йил мартига нисбатан эса уй-жой коммунал хизматларига (25,3 %) тааллуқли бўлган.

## 2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси

**ўтган ойга нисбатан**

**умумий ИНИ ўсишидаги ҳиссаси, ф.д.**




**пуллик хизматлар таъсиридаги улуши, % да**




- **Маиший хизматлар**
- **Йўловчи ташиш транспорти хизматлари**
- **Таълим хизматлари**
- **Тиббий хизматлар**
- **Бошқа хизматлар**

2020 йилнинг мартида хизматлар асосий гуруҳлари тарифларининг ўзгариши ва уларнинг умумий ИНИ ўсишидаги улушини баҳоласак, бу борадаги етакчилик таълим хизматларига тегишли деб айтиш мумкин (0,06 ф.д. ёки хизматлар умумий таъсиридан 31,6 %).

Навбатдаги ўринларни эса маиший турдаги ҳамда тиббий хизматлар (0,04 ф.д.) нархлари банд этган бўлиб, бу хизматлар умумий таъсирининг 42,2 % ини ташкил этади.

**Маълумот учун:** 2019 йилнинг март ойида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий турларидан таълим хизматлари нархларининг ошиши – умумий ИНИ ўсишига салмоқли ҳисса қўшган (0,11 ф.д.). Бундан ташқари, алоқа хизматларига тарифларнинг ошиши натижасида умумий кўрсаткич 0,08 ф.д.га, маиший ва уй-жой коммунал хизматлари таъсирида яна 0,04 ф.д.га кўтарилган.

2019 йилнинг охирига нисбатан аҳолига пуллик хизматларнинг асосий турларидан маиший хизматлар тарифларининг қимматлашиши умумий ИНИ кўрсаткичининг ўсишига салмоқли ҳисса қўшган (0,13 ф.д., ёки пуллик хизматларнинг умумий таъсиридан қарийб 39,4 %). Бундан ташқари, таълим (0,07 ф.д., ёки 21,2 %) ва тиббий хизматлар (0,06 ф.д., ёки 18,2 %) нархларининг ошиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

## 2020 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва ИНИ ўсишидаги таъсири тузилмаси

**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

**умумий ИНИ ўсишидаги ҳиссаси, ф.д.**




**пуллик хизматлар таъсиридаги улуши, % да**




- **Маиший хизматлар**
- **Дам олиш ва маданият муассасалари хизматлари**
- **Йўловчи ташиш транспорти хизматлари**
- **Тиббий хизматлар**
- **Таълим хизматлари**
- **Бошқа хизматлар**

Йиллик даврда умумий кўрсаткичнинг ўсишига таъсири жиҳатидан етакчи ўринлар уй-жой коммунал (1,04 ф.д.), маиший (0,77 ф.д.), йўловчи ташиш транспорти (0,39 ф.д.), таълим (0,36 ф.д.), шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари (0,11 ф.д.) хизматларига тегишлидир.

2020 йилнинг январь-мартида **саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг** ўртача ойлик ўсиш суръати **0,5 %** ни ташкил этди.

2020 йил I чораги давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар даражаси ўртача **1,5 %** га кўтарилган.

***Таққослаш учун:*** *2019 йилнинг январь-март ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 3,2 % ни ташкил этган.*

*2019 йил I чораги давомида ишлаб чиқарувчилар нархлари 9,9 % га қимматлашган.*

2020 йилнинг январь-марти давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ой давомида юқори даражага кўтарилганлиги январь ойида рўйхатга олинган (0,9 %).

**2020 йил январь-мартида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси, % да**

**ўтган ойга нисбатан**



**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**




**ўтган йилнинг мос ойига нисбатан**




***Таққослаш учун:*** *2019 йил январь-март ойлари давомида саноат ишлаб чиқарувчилар нархлари ўсишининг энг юқори кўрсаткичи январь ойида қайд этилган (8,8 %).*

Ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида саноат ишлаб чиқарувчилар нархларининг умумий индекси 2019 йил I чоракдаги кўрсаткичдан паст бўлди. Бу 2019 йилнинг январь ойида нархларнинг сезиларли даражада ошиши натижасида бўлиб, асосан қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарувчилар (ойига 11,4 %) нархларининг ўсиши билан боғлиқ.

## Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари умумий индекси динамикаси, % да




Қуйида 2020 йилнинг I чораги учун иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича саноат товарлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси кўрсатилган:

**Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да**

| | *ўтган ойга нисбатан* | | | *2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан* |
|---|---|---|---|---|
| | *январь* | *февраль* | *март* | |
| **Саноат фаолияти** | **100,9** | **100,2** | **100,4** | **101,5** |
| **Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **100,3** | **97,3** | **97,0** | **94,7** |
| Кўмир ва лигнит қазиб олиш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш | 99,6 | 95,3 | 99,3 | 94,3 |

*давоми*

| | ўтган ойга нисбатан | | | 2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан |
|---|---|---|---|---|
| | январь | февраль | март | |
| Металл рудалари қазиб олиш | 103,1 | 104,1 | 87,5 | 93,9 |
| Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият | 101,4 | 102,1 | 102,6 | 106,1 |
| **Ишлаб чиқариш саноати** | **100,9** | **100,6** | **101,0** | **102,5** |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 100,7 | 100,5 | 100,3 | 101,5 |
| Ичимликлар ишлаб чиқариш | 101,0 | 100,6 | 100,1 | 101,7 |
| Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 122,3 | 100,0 | 122,2 | 149,4 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 100,1 | 100,0 | 99,5 | 99,5 |
| Кийим ишлаб чиқариш | 101,5 | 98,6 | 105,2 | 105,4 |
| Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 100,3 | 99,9 | 100,0 | 100,2 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 105,3 | 96,1 | 101,3 | 102,5 |
| Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 100,5 | 99,5 | 93,5 | 93,6 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш | 99,9 | 96,9 | 100,0 | 96,8 |

*давоми*

| | ўтган ойга нисбатан | | | 2020 йил март 2019 йил декабрга нисбатан |
|---|---|---|---|---|
| | январь | февраль | март | |
| Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 99,9 | 102,7 | 102,2 | 104,8 |
| Металлургия саноати | 103,1 | 103,0 | 100,1 | 106,3 |
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 100,1 | 103,3 | 100,1 | 103,5 |
| Электр ускуналари ишлаб чиқариш | 100,2 | 99,9 | 100,0 | 100,1 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 99,9 | 100,0 | 100,0 | 99,9 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 99,3 | 100,4 | 106,4 | 106,1 |
| Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш | 100,0 | 102,7 | 100,0 | 102,7 |
| Мебель ишлаб чиқариш | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **101,5** | **100,1** | **100,0** | **101,6** |
| **Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **100,0** | **103,2** | **100,0** | **103,2** |

2020 йилнинг январь-март ойлари давомида **тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти** соҳасидаги нархларнинг ўзгариши динамикаси бир маромда кечмаган.

Январь ойида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари 0,3 % га кўтарилган бўлса, февраль, март ойларида эса аксинча нархлар сезиларли даражада 2,7 % ва 3,0 % га пасайган.

***Таққослаш учун:*** *2019 йил январь ойида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари даражаси 0,6 % га, февралда 1,5 % га ошган бўлса, март ойида эса 1,5 % га пасайган.*

**2020 йил январь-мартида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолиятида ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да**



2020 йилнинг I чораги давомида **хом нефт ва табиий газ қазиб олиш** нархлари ойлар мобайнида 0,4 % дан 4,7 % гача оралиқда пасайган.

**2020 йил январь-мартида хом нефт ва табиий газ қазиб олиш соҳасида ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да**




Ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 2020 йилнинг январь-март ойлари давомида ишлаб чиқарилган табиий газ нархининг пасайиши ва қазиб олинган хом нефт нархининг ошиши таъсири остида шаклланган.

Металл рудалари қазиб олишда ишлаб чиқарувчилар нархлари жорий йилнинг январь-февраль ойларида 7,4 % га ўсди, март ойида эса 12,5 % га пасайиши кузатилди.

2020 йилнинг мартида **кўмир ва лигнит қазиб олиш** нархлари ўтган йил охиридаги даражасида сақланиб қолди.

**Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият** саноатида нархлар чорак мабойнида 6,1 % га ошди, жумладан, қурилиш ва пардозлаш учун тош, оҳактош, гипс, бўр ва сланецлар қазиб олиш нархлари индекси ўсиши 14,4 %, очиқ шағал ва қум конларини ишлаш, тупроқ ва каолин қазиб олиш 5,7 %, кимё саноати ва ўғитлар ишлаб чиқариш учун минерал хом ашёлар қазиб олиш биржа нархлари ўзгариши ҳисобига, аксинча, 53,6 % га пасайди.

**2020 йил январь-мартида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш асосий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да**

**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

**Кўмир ва лигнит қазиб олиш**

**Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш**

**Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият**

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг **қайта ишлаш саноати** маҳсулотлари нархлари 2,5 % га ошган. Бу фаолият турида нарх индексларининг ҳар ойлик ўсиши ҳисоб китоблари натижасига кўра 0,8 % ни ташкил этди.

## 2020 йил январь-мартида ишлаб чиқариш саноати бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да



2020 йил I чораги давомида ишлаб чиқариш саноати бўйича нархларнинг ошишида етакчи ўрин тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришга (49,4 %) тегишлидир. Қолган фаолият турларига нисбатан металлургия саноати (6,3 %), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш (6,1 %) ва кийим ишлаб чиқариш (5,4 %) нархлари юқорироқ ўсди.

**Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш** соҳасида ишлаб чиқарувчилар нархлари ўсиши январда (22,3 %) ва мартда (22,2 %) қайд этилди.

**Металлургия саноатида** 2020 йил I чорагида нархларнинг асосий ўсиши январда (3,1 %) ва мартда (3,0 %) кузатилди.

**Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришда** ишлаб чиқарувчилар нархлари январь ва февралда 0,7 % ва 0,3 % га пасайди, мартда эса 6,4 % га кўтарилди.

**Кийим ишлаб чиқарувчилар** нарх ўзгаришларининг ойлик динимикаси ҳам бир маромда кечмади: январь ойида 1,5 % га нархлар ошгандан сўнг, уларнинг февралда 1,4 % га пасайиши қайд этилди, шундан кейин март ойида нархлар яна 5,4 % га кўтарилди.

**2020 йил январь-март учун ишлаб чиқариш саноатидаги фаолият турлари бўйича нархларнинг ўсишида етакчи ўринни эгаллаган ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси,% да**






Қуйида металлургия саноати ишлаб чиқарувчилари нархлари индекси кўрсатилган:

**2020 йил январь-март учун металлургия саноатидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да**




Металлургия саноатида қувурлар ишлаб чиқаришда нархларнинг барқарорлиги, шунингдек, улардан чўян, пўлат ва темир қотишмалари ишлаб чиқаришда (0,1 %) сезиларсиз ўсиш шароитида, нархларнинг ўсиши қимматбаҳо ва рангли металларни ишлаб чиқаришда (8,7 %) қайд этилди. Нархларнинг асосий ўсиши қимматбаҳо ва бошқа рангли металларни ишлаб чиқаришда содир бўлди, мис, қўрғошин, қалай ва рух ишлаб чиқариш эса аксинча пасайди.

Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва моторли транспорт воситалари ярим прицеплари ишлаб чиқариш чоракда 8,3 % га қимматлашди, уларнинг бутловчи ва таркибий қисмлари аксинча 2,4 % га арзонлашди, автомобил кузовлари ва тиркамалари нархи 2019 йилнинг декабрь ойи даражасида қолди.

2020 йил бошидан **бошқа нометалл минерал маҳсулотлар** ишлаб чиқарувчиларнинг ўртача нархлари 4,8 % га кўтарилди.

**2020 йил январь-март учун бошқа нометалл минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш нархлари индекси, % да**

**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**

Нархларнинг энг юқори ўсиши ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қайд этилди. Бунда чорак давомида ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари 22,7 % га ошди.

Нархларнинг пасайиши листланган шишани муайян шаклга келтириш ва ишлов бериш билан шуғулланадиган корхоналар маҳсулотларида (1,5 %) қайд этилди.

**Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари** ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари нархларини ўртача 2,5 % га оширди. Шу билан бирга, ушбу гуруҳга кирувчи товарлар нархларининг ўзгариши нотекис бўлди: Нефтни ҳайдашнинг бошқа ўртача маҳсулотлари, бошқа гуруҳларга киритилмаган ўртача нефть дистиллятлари маҳсулотлари бошқаларга қараганда сезиларли даражада ошди. Бу вақтда дизель ёқилғиси, бензин, шунингдек, бошқа енгил нефть дистиллятлари эса 0,3 % - 0,9 % га арзонлашди.

**2020 йилнинг январь-марти учун нефтни қайта ишлаш маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, % да**

**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Шу билан бирга, жорий йилнинг январь-март ойларида саноат фаолиятининг айрим турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг пасайиши кузатилди. Нархларнинг ёрқин пасайиши **кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш** соҳасида намоён бўлди, бу ерда уларнинг пасайиши йил бошидан 6,4 % ни ташкил этди.

Қуйида 2020 йил I чорагида нархларнинг пасайиши юзасидан саноат фаолияти айрим турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси кўрсатилган:

**2020 йил йилнинг январь-марти учун нархларнинг пасайиши юзасидан саноат фаолиятининг айрим турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да**




2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2020 йилнинг март ойида **электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** нархлари индекси 101,6 % ни ташкил этди.

Ушбу фаолият туридаги нархларнинг асосий ўсиши январь (1,5 %) ойида қайд этилди. Шу билан бирга, ушбу фаолият турида электрэнергияси, газ, буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) ишлаб чиқариш нархларининг барқарорлиги сақланиб қолган ҳолда, газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хизматлари (24,9 % га) кўтарилди.

**2020 йилнинг январь-марти учун электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш асосий турлари бўйича умумий ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да**



***Таққослаш учун:*** *2019 йилнинг январь-мартида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда ишлаб чиқарувчилар нархлари ўртача 4,8 % га кўтарилди. Кўрсатилган даврда иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчилар нархлари 1,7 марта ўсди, газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хизматлари эса аксинча 6,9 % га арзонлашди. Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ ишлаб чиқариш тарифлари ўтган йил I чораги давомида барқарорлигини сақлаб қолди.*

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда** ишлаб чиқарувчилар нархлари 2020 йилнинг I чораги давомида 3,2 % га ошди. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг ўсиши фақат февраль ойида қайд этилди, январь ва март ойларида ушбу фаолият туридаги нархлар ўзгармади.

## 2020 йилнинг январь-марти учун сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг динамикаси, % да









Жорий йилнинг январь-мартида сувни қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш, худди шунингдек, оқава сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш хизматларини кўрсатувчи ишлаб чиқарувчилар нархлари барқарорлиги ҳолатида, иккиламчи хомашё олиш учун металл чиқиндиларини саралаш ва қайта ишлаш (5,0 %) билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўсиши кузатилди.

***Таққослаш учун:*** *2019 йилнинг январь-мартида сувни қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш бўйича хизматлар 1,0 % га, канализация тизимлари 1,3 % га кўтарилган. Шу билан бирга, чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш, йўқотиш, утилизация қилишга ихтисослаштирилган корхоналар нархлари 2018 йил декабрь даражасида сақланиб қолган.*

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** - инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдори ўзгармас бўлган ҳолида, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

ИНИни ҳисоблаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

– истеъмол бозорида товар ва хизматларнинг сотиш жойида рўйхатга олиш усули бўйича олинган нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;

– аҳолининг ҳақиқий истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатувлар мамлакатнинг барча ҳудудларидаги уюшган савдо мажмуалари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида, шунингдек, кийим-кечак, аралаш ва озиқ-овқат бозорларида амалга оширилади. ИНИни шакллантириш учун нархлар ва тарифларни рўйхатга олиш ҳар ойнинг 10-санасидан 20-санасигача амалга оширилади.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилувчи истеъмол товарлари (хизматлари) рўйхати, аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматларнинг республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган гуруҳини ифодалайди. Унинг таркиби 510 турдаги товар ва хизматлардан иборат бўлиб, шулардан озиқ-овқат маҳсулотлари 170 та, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 250 та ва хизматлар 90 тани ташкил этади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжаликларининг кузатуви натижасида олинадиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

**Нарх** – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

**Қиёсий нарх (муомаладаги нарх)** – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган айнан бир ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

**Рўйхатга олиш нархи** – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

**Нархларни рўйхатга олиш** – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги товар (хизматлар)нинг шакллантирилган тўпламига кирган товар (хизмат)лар нархлари тўғрисида маълумот тўплаш услуби.

**Нархлар даражаси** - муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Ўртача нарх** – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларнинг шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

**Мавсумийлик** – йилда вақт алмашиниши, бошоқли маҳсулотлар, сабзавот ва меваларнинг етилиши даври ҳамда уларни қайта ишланиши, маълум ишларнинг

бажарилиши, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ҳамда шу каби бошқа омиллар билан боғлиқ такрорланувчи ўзгаришлар ва бошқалар.

**Нарх индекси салмоғи** – нарх индексининг шаклланишида қатнашувчи ўлчам бўлиб, улар ёрдамида:

а) кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий йиғиндисидаги ҳар бир аниқ таркибий қисмнинг мазмуни ифодаланади;

б) аввалдан ўзаро солиштириб бўлмайдиган бирламчи таркибий қисмлар таққосланадиган шаклга келтирилади;

в) қўлланилаётган таснифлагичнинг барча босқичлари бўйича ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган таркибий қисмлар кетма-кетлиги умумлаштирилади ва ўрганилаётган ҳодиса бўйича нарх ўзгаришининг умумий моҳияти аниқланади.

**Индивидуал нарх индекси** – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ходисани тавсифлашда фойдаланилади.

**Жамланган (йиғма) нарх индекси** – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

**Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ) –** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги инфляцион жараёнларни акс эттирувчи асосий индикаторлардан бири бўлиб, маълум вақт оралиғида ўзгармас ишлаб чиқариш тузилмаси бўйича ички (маҳаллий) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгаришини тавсифлайди.

ИЧНИ ҳар йили танланма кузатув доираси асосида янгиланадиган вакил-товарлар ва корхоналарнинг иккита маълумотлар мажмуаси асосида ташкил топади:

–республика саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган, давлат статистика ҳисоботининг тасдиқланган шаклига асосан намунадаги доирага киритилган корхоналар томонидан тақдим этиладиган товарлар нархлари тўғрисидаги маълумот;

–саноат ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида маълумот.

Кузатувда “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ (ИФУТ-2) асосий иқтисодий фаолият турлари B - “Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш”, C – “Ишлаб чиқарадиган саноат”, D – “ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, E – “Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” секцияларига тааллуқли бўлган корхоналар қамраб олинади.

**Ишлаб чиқарувчи нархи –** ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.

# III. САНОАТ

## Ўзбекистон Республикасининг саноат ишлаб чиқариши

*(2020 йил январь-март)*

Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-март ойларида республика корхоналари томонидан 82,2 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси[1)] 104,0 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 78,6 % ни ташкил этди.

### Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш

Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг - 8,9 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 2,3 % га ўсиши хизмат қилди.

Шунингдек, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда - 9,8 % га ҳамда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида - 11,9 % га пасайиш кузатилди.

[1)]**Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси** ***ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.***

## Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 9,9 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 12,0 % ини ташкил этди.

### Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўмир қазиб олиш - 29,6 % га ҳамда чақиқ тош - 6,1 % га ошган бўлса, шағал қазиб олиш 66,1 % га, газ конденсати - 5,1 % га нефт қазиб олиш 1,5 % га, каолин - 81,9 %, ҳамда табиий газ қазиб олиш - 7,8 % га пасайган.

| *Саноат маҳсулотлари* | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Кўмир, *минг т.* | 809,0 | 1048,2 | 239,2 |
| Нефт, *минг т.* | 174,7 | 172,0 | -2,7 |
| Табиий газ, *млн.куб.м.* | 14 178,7 | 13 073,3 | -1 105,4 |
| Газ конденсати, *минг т.* | 404,2 | 383,6 | -20,6 |
| Чақиқ тош, *минг т.* | 204,7 | 217,3 | 12,6 |
| Шағал, *минг т.* | 129,1 | 43,8 | -85,3 |
| Каолин, *минг т.* | 61,5 | 11,2 | -50,3 |

## Ишлаб чиқарадиган саноат

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 64,7 трлн. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 78,6 % ини ташкил этди.

### Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, *% да*

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,5 % ни (2019 йилнинг январь-март ойларида - 1,2 %), ўрта-юқори технологияли - 25,5 % (26,9 %), ўрта-қуйи технологияли - 39,4 % (38,1 %) ва қуйи технологиялиси - 33,7 % (33,8 %) ни ташкил этди.



Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва асбоб - ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуши - 21,6 % (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси - 117,7 %), металлургия саноатининг улуши - 25,2 % (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 104,4 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 16,9 % (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 113,6 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 14,3 % (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 106,2 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 9,6 % (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 109,1 %) ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда енгил автомобиллар - 1,3 м., автомобил двигателлари - 1,3 м., автомобил бензини - 1,2 м., юргизувчи ғилдираклар, уларнинг қисмлари ва жиҳозлари - 1,2 м., радиаторлар, шовқин сўндиргичлар ва чиқариш қувурлари, уловчи механизмлар, рул чамбараклари, рул колонкалари ва механизмларининг картерлари ва уларнинг қисмлари - 1,6 м. га ошди.

Автомобил ишлаб чиқариш саноатида 2020 йил январь-март ойларида 20 721 дона “Нексия Т-250” (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 132,1 %), 17 759 дона “Кобалт” (138,4 %), 14 459 дона “Ласетти-Жентра” (138,5 %), 12 970 дона “Дамас” (125,3 %), 8 256 дона “Спарк” (173,4 %) ҳамда 1 470 дона “Лабо“ (74,1 %) автомобиллари ишлаб чиқарилди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш**

| *Саноат маҳсулотлари* | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Енгил автомобиллар, *дона* | 59 505 | 75 635 | 16 130 |
| Юк автомобиллари, *дона* | 1 323 | 1 014 | -309 |
| Автомобил двигателлари, *минг дона* | 48,5 | 64,6 | 16,1 |
| Юмшоқ буғдой ва спелта уни, *минг т.* | 366,5 | 416,8 | 50,3 |
| Пахта толаси, *минг т.* | 261,9 | 158,6 | -103,3 |
| Ўсимлик ёғи (тозаланган), *минг т.* | 56,1 | 41,9 | -14,2 |

Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан сезиларли ўсиш автомобил саноатида кўзатилиб, 2020 йилнинг январь-март ойларида енгил автомобил ишлаб чиқариш саноатида 75 635 дона автомобиллар ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг янарь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмида 16 130 донага ўсиши кузатилди.

Мос равишда автомобил двигателлари ишлаб чиқариш саноатида ҳам ўсиш кузатилиб, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 16,1 минг донага кўпайган ҳолда 2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, 64,6 минг донани ташкил этди.

**Автобус ишлаб чиқариш саноати**

*(дона)*




Республикада 2020 йилнинг январь-март ойларида 312 дона автобус ишлаб чиқарилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,6 % га пасайган.

Шунингдек, 2020 йилда энг юқори кўрсаткич март ойида кузатилиб, 176 донани ташкил этди.

**Автомобил двигателлари ишлаб чиқариш**

*(минг дона)*

Республикада автомобил двигателлари ишлаб чиқариш саноатида 64,6 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 33,2 % ўсишга эришилди.

Шунингдек, 2020 йилда энг юқори ишлаб чиқариш март ойида кузатилди (22,5 минг дона).



## Юк автомобиллари ишлаб чиқариш саноати

*(дона)*

Республикада 2020 йил январь-март ойларида жами 1 014 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди. Юк автомобиллари ишлаб чиқариш саноатида кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,4 % га пасайган.

Шунингдек, 2020-йилда энг юқори ишлаб чиқариш суръати март ойида кузатилиб, 378 донани ташкил этди.




## Трактор ишлаб чиқариш саноати

*(дона)*




2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ хў-жалиги техникаси ишлаб чиқариш саноатида, жами 222 дона тракторлар ишлаб чиқарилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 мартага ошган.

Шунингдек, 2020 йилда энг юқори ишлаб чиқариш февраль ойида кузатилди (118 дона).

## Қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш саноати

*(дона)*

2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш саноатида, жами 259 дона культиваторлар ишлаб чиқарилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,2 % га камайган.

Шунингдек, 2019 йилда энг юқори ишлаб чиқариш январь ойида кузатилиб, 121 донани ташкил этди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш**

*млрд. сўм*

| *Иқтисодий фаолият тури* | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *ФҲИ, % да* |
|---|---|---|---|
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 00,4 | 7 241,1 | 105,0 |
| Ичимликлар ишлаб чиқариш | 1 072,9 | 1 609,9 | 118,4 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 7 109,5 | 8 738,8 | 114,8 |
| Кийим-кечак ишлаб чиқариш | 1 426,7 | 1 705,7 | 111,1 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 425,5 | 498,9 | 108,4 |
| Металлургия саноати | 12 591,4 | 16 302,5 | 104,4 |

**Металлургия саноати маҳсулотлари**
*(2020 йил январь-март ойларида)*




Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2019 йилнинг январь-март ойларида металлургия саноати улуши 24,0 % ни ташкил этиб, унинг физик ҳажм индекси 3,1 % га ўсган бўлса, 2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра металлургия саноатининг улуши 25,2 % гача кўтарилиб, физик ҳажм индекси эса 4,4 % га ўсди ва ишлаб чиқариш ҳажми 16 302,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Технологик жиҳозларни капитал қайта тиклаш ишлари, кимё корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, аммоний сулфат (2019-йил январь-март ойларига нисбатан 112,6 %), калий хлорид (108,0 %) ҳамда каустик сода (2,8 м) маҳсулотларида ўсиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Шунингдек, метил спирти (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 52,1 %), акрил ва винилполимерлари асосидаги бўёқ ва лак (86,3 %) маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида пасайиш кузатилди.

## Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
*(2020 йил январь-март ойларида)*




Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2019 йилнинг январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,4 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 107,1 % ни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,2 % ни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 5,0 % га ошди ва 7 241,1 млрд. сўмни ташкил этди.

## Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2019 йилнинг январь-март ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,6 % ни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 101,3 % ни ташкил этган.

Шунингдек, 2020 йилнинг январь-март ойларида эса тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, 14,8 % га ўсди ва 8 738,8 млрд. сўмни ташкил этди.



## Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 7,1 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 8,7 % ини) ташкил этди

2020 йилнинг январь-март ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялашнинг физик ҳажм индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % га ошганлиги кузатилди.

### Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| *Саноат маҳсулотлари* | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Электрэнергия , *млн.кВт/с* | 16 849,0 | 16 801,7 | -47,3 |
| Иссиқлик энергияси, *минг Гкал* | 10 080,3 | 10 017,1 | -63,2 |
| Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ, *минг куб. м.* | 84 662,0 | 81 951,0 | -2 711,0 |

## Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 0,5 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,7 % ини) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндилари 11,7 % га, хавфсиз чиқиндиларни йиғиш бўйича хизматлар 38,8 % га ҳамда ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар 18,1 % га ошганлиги кузатилди, шунингдек, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларда – 2,3 % га пасайиши кузатилди.

## Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 22,9 трлн.сўмни ташкил этди ва 2019-йилнинг мос даврига нисбатан 11,2 % га ўсган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 27,9 % ни ташкил этди.

2019 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда, 2020 йилнинг январь-март ойларида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 69,0 % дан 68,0 % гача камайганлиги қайд этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва арақ маҳсулотлари ва пиво 7,9 % (2019 йил январь-март ойларида 7,9 %) ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри келиб, 27,8 % ни, шунингдек, Тошкент шаҳри 19,0 % ни, Тошкент вилояти 9,7 % ни, Самарқанд вилояти 6,9 % ни ҳамда Хоразм вилояти 5,9 % ни ташкил этди.

Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида республика ўсиш суръати (111,2 %) даражасидан юқори кўрсаткич Хоразм (119,7 %), Андижон (113,9 %), Фарғона (114,2 %), Наманган (113,1 %), Тошкент (118,6 %) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (112,8 %) қайд этилди.

**Ҳудудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**
*(2020 йилнинг январь-март ойларида)*

| | *Млрд. сўм* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш, % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **22 910,1** | **100,0** | **111,2** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 447,2 | 2,0 | 103,7 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 6 379,7 | 27,8 | 113,9 |
| Бухоро | 1 163,2 | 5,1 | 105,9 |
| Жиззах | 403,1 | 1,8 | 99,8 |
| Қашқадарё | 808,0 | 3,5 | 104,7 |
| Навоий | 710,7 | 3,1 | 110,3 |
| Наманган | 959,0 | 4,2 | 113,1 |
| Самарқанд | 1 572,0 | 6,9 | 104,7 |
| Сурхондарё | 381,0 | 1,7 | 100,4 |
| Сирдарё | 587,6 | 2,6 | 108,3 |
| Тошкент | 2 223,3 | 9,7 | 118,6 |
| Фарғона | 1 311,7 | 5,7 | 114,2 |
| Хоразм | 1 352,6 | 5,9 | 119,7 |
| Тошкент ш. | 4 364,2 | 19,0 | 112,8 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

Ҳудудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 19,9 %, шунингдек, Тошкент вилояти 17,3 % ни, Самарқанд вилояти 8,3 % ни, Қашқадарё вилояти 6,5 % ни ҳамда Фарғона вилояти 7,1 % ни ташкил этди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатида энг юқори кўрсаткич Тошкент (125,7 %), Фарғона (122,7 %), Наманган (121,1 %), Сирдарё (109,9 %), Сурхондарё (111,9 %) вилоятларида қайд этилди.

**Ҳудудлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**
*(2020 йилнинг январь-март ойларида)*

| | *Млрд. сўм* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш, % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси**[1)] | **7 321,7** | **100,0** | **108,5** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 278,3 | 3,8 | 100,4 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 466,5 | 6,4 | 104,8 |
| Бухоро | 422,5 | 5,8 | 101,4 |
| Жиззах | 128,7 | 1,8 | 94,7 |
| Қашқадарё | 474,3 | 6,5 | 103,0 |
| Навоий | 272,2 | 3,7 | 97,9 |
| Наманган | 404,6 | 5,5 | 121,1 |
| Самарқанд | 604,5 | 8,3 | 106,5 |
| Сурхондарё | 222,9 | 3,0 | 111,9 |
| Сирдарё | 233,4 | 3,2 | 109,9 |
| Тошкент | 1 265,5 | 17,3 | 125,7 |
| Фарғона | 522,6 | 7,1 | 122,7 |
| Хоразм | 321,3 | 4,4 | 108,3 |
| Тошкент ш. | 1 457,6 | 19,9 | 108,7 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

Ҳудудлар кесимида ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг республика жами ҳажмидаги энг юқори улуши Андижон вилоятига тўғри келиб, 37,9 %, шунингдек, Тошкент шаҳри 18,6 % ни, Самарқанд вилояти 6,2 % ни, Тошкент вилояти 6,1 % ни ҳамда Хоразм вилояти 6,6 % ни ташкил этди.

Шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатида республика ўсиш суръати (112,6 %) даражасидан юқори кўрсаткич Хоразм (123,8 %), Навоий (119,7 %), Андижон (114,7 %) вилоятларида ҳамда Тошкент (114,9 %) шаҳрида қайд этилди.

**Ҳудудлар бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**
*(2020 йилнинг январь-март ойларида)*

| | *Млрд. сўм* | *Жамига нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-мартга нисбатан ўсиш, % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **15 588,4** | **100,0** | **112,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 168,9 | 1,1 | 109,8 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 5 913,2 | 37,9 | 114,7 |
| Бухоро | 740,7 | 4,8 | 108,6 |
| Жиззах | 274,5 | 1,8 | 102,3 |
| Қашқадарё | 333,7 | 2,1 | 107,3 |
| Навоий | 438,5 | 2,8 | 119,7 |
| Наманган | 554,4 | 3,6 | 107,8 |
| Самарқанд | 967,4 | 6,2 | 103,6 |
| Сурхондарё | 158,2 | 1,0 | 87,7 |
| Сирдарё | 354,2 | 2,3 | 107,2 |
| Тошкент | 957,8 | 6,1 | 110,4 |
| Фарғона | 789,1 | 5,1 | 109,2 |
| Хоразм | 1 031,2 | 6,6 | 123,8 |
| Тошкент ш. | 2 906,6 | 18,6 | 114,9 |

## Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 21,6 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги тутган улуши 26,3 % ни ташкил этди.

### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлар кесимида жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

*(2020 йилнинг январь-март ойларида)*

| | *Млрд. сўм* | *Физик ҳажм индекси, % да* |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси**[1)] | **82 229,5** | **104,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 352,6 | 106,1 |
| *вилоятлар:* | | |
| Андижон | 8 592,3 | 110,8 |
| Бухоро | 3 908,7 | 105,6 |
| Жиззах | 1 090,7 | 107,3 |
| Қашқадарё | 3 035,5 | 91,6 |
| Навоий | 12 698,1 | 103,5 |
| Наманган | 2 250,2 | 119,9 |
| Самарқанд | 3 302,7 | 103,1 |
| Сурхондарё | 1 226,6 | 126,3 |
| Сирдарё | 2 042,0 | 103,3 |
| Тошкент | 13 916,1 | 105,2 |
| Фарғона | 4 794,2 | 104,1 |
| Хоразм | 2 217,1 | 110,7 |
| Тошкент ш. | 15 472,7 | 108,9 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

**Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш ҳажмида ҳудудлар саноат маҳсулотларининг улуши, физик ҳажм индекси,** *% да*

Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улушни Тошкент шаҳри (Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмнинг 18,8 % и), Тошкент (16,9 %), Навоий (15,4 %), Андижон (10,4 %), ҳамда Фарғона (5,8 %) вилоятлари ҳиссаси эгалламоқда.

Энг паст кўрсаткич эса, Сурхондарё (1,5 %) ҳамда Жиззах (1,3 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

Ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, Сурхондарё (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 126,3 %), Наманган (119,9 %), Хоразм (110,7 %), Жиззах (107,3 %) вилоятларида ҳамда Тошкент (108,9 %) шаҳрида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада оши-шига имкон берди.




**Ҳудудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати**
*(2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан, % да),*




Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш Хоразм (2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 119,7 %), Фарғона (114,2 %), Наманган (113,1 %), Андижон (113,9 %), Навоий (110,3 %), Сирдарё (108,3 %) Тошкент (118,6 %) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (112,8 %) сезиларли даражада ошди.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Навоий вилоятида (12 713,3 минг сўм), Тошкент шаҳрида (5 998,8 минг сўм), Тошкент (4 722,6 минг сўм) вилоятларида ўртача Республика даражаси кўрсаткичидан (2 420,6 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Республика бўйича аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 674,4 минг сўм бўлгани ҳолда Тошкент шаҳрида – 1 692,0 минг сўмни, Андижон вилоятида – 2 035,9 минг сўмни, Тошкент вилоятида – 754,5 минг сўмни, Навоий вилоятида 711,6 минг сўмни, Хоразм вилоятида 723,6 минг сўмни, Сирдарё вилоятида эса 692,9 минг сўмни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш**
*(2020 йилнинг январь-март ойларида, минг сўм)*

| | *Саноат маҳсулотлари* | *Истеъмол маҳсулотлари* |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **2420,6** | **674,4** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 763,5 | 235,2 |
| *вилоятлар:* | | |
| Андижон | 2 741,9 | 2035,9 |
| Бухоро | 2 028,9 | 603,8 |
| Жиззах | 787,4 | 291,0 |
| Қашқадарё | 923,5 | 245,8 |
| Навоий | 12 713,3 | 711,6 |
| Наманган | 799,0 | 340,5 |
| Самарқанд | 850,1 | 404,6 |
| Сурхондарё | 465,5 | 144,6 |
| Сирдарё | 2 408,0 | 692,9 |
| Тошкент | 4 722,6 | 754,5 |
| Фарғона | 1 275,4 | 349,0 |
| Хоразм | 1 186,1 | 723,6 |
| Тошкент ш. | 5 998,8 | 1692,0 |

## Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субйектлари томонидан 23,6 трлн. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 28,7 % ни ташкил этди.




Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Наманган вилоятида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 60,3%), Тошкент шаҳрида (51,0%), Жиззах (53,6%), Самарқанд (51,3%), Сурхондарё (40,5%), Фарғона (36,4%) вилоятларида кузатилди.

Республикамиз ҳудудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши таҳлили шуни кўрсатдики, Навоий (8,9 %), Андижон (19,5 %) ва Тошкент (20,8 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (19,5 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмларидаги кичик бизнес субъектлари улушининг камлигини, мазкур ҳудуларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

## Республикада фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)*

Бугунги кунда республикада 73,7 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 15,3 мингтаси (фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 20,8 % и) Тошкент шаҳрига, 7,9 мингтаси (10,7 %) Фарғона вилоятига, 7,9 мингтаси (10,8 %) Тошкент вилоятига, 6,9 мингтаси (9,3 %) Андижон вилоятига, 6,3 мингтаси (8,5 %) Самарқанд вилоятига, 5,7 мингтаси (7,8 %) Наманган вилоятига тўғри келмоқда.




2020 йилнинг январь-март ойида республикада 4 362 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 558 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 12,8 %) Тошкент шаҳрида, 422 таси (9,7 %) Тошкент вилоятида, 470 таси (10,8 %) Андижон вилоятида, 397 таси (9,1 %) Хоразм вилоятида, 420 таси (9,6 %) Самарқанд вилоятида ҳамда 342 таси (7,8 %) Фарғона вилоятида ташкил этилди.

**Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра)*

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг кўп саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 10 талигида Андижон (2 606 та), Наманган (2 397 та), Самарқанд (1 524 та), Қўқон (1 361 та) шаҳарлари ҳамда Олмазор (2 070 та), Чилонзор (1 939 та), Учтепа (1 861 та), Юнусобод (1 680 та), Шайхонтохур (1 402 та) Сирғали (1 302 та) туманлари қайд этилди.







2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра Республикамизда фаолият кўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 10 талигида эса Сирдарё вилояти Ширин (45 та) шаҳри; Андижон вилояти Улуғнор тумани (64 та); Навоий вилояти Томди тумани (60 та); Жиззах вилояти Арнасой (56 та) ва Янгиобод туманлари (50 та); Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли (57 та), Қанликўл (57 та), Тахтакўпир (50 та) ҳамда Бўзатов туманлари (11 та); шунингдек, Сурхондарё вилояти Бандихон тумани (10 та) қайд этилди.

## Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасига киритилган 690 та лойиҳа бўйича 1,9 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 24,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2020-йил январь-март ойларида 1 977 та янги иш ўринлари яратилиб, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 1,8 мартага ошди. Шу билан бирга, 2019-йил январь-март ойларига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни экспорт ҳажмининг пасайганлиги кузатилди.

## Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари

| | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Лойиҳалар сони, *бирлик* | 447 | 690 | 243 |
| Корхоналар сони, *бирлик* | 184 | 395 | 211 |
| Ишлаб чиқариш ҳажми, *млрд. сўм* | 3 294,8 | 1 920,0 | -1 374,8 |
| Экспортга йўналтирилган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми, *млн. АҚШ доллар* | 108,8 | 24,9 | -83,9 |
| Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик* | 1 071 | 1 977 | 906 |

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади: ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар).

**Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари** – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

**Истеъмол моллари –** асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади.

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан, корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларини ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот.

**Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш** Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

**Маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

**Маҳсулот сотиш ҳажми** – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно).

**Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

# IV. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 25,2 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 23,7 трлн. сўмни (103,9 %), ўрмон хўжалиги – 1,3 трлн. сўмни (101,8 %), балиқ хўжалиги – 0,2 трлн. сўмни (117,8 %) ташкил қилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 14,8 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,5 ф.п.ни ташкил этди.

**25,2** Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми, трлн. сўм

01 **23,7** Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар

02 **1,3** Ўрмон хўжалиги

03 **0,2** Балиқ хўжалиги

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати**

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши (%) да**



2020 йилнинг январь-март якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг 93,7 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 5,3 % и – ўрмон хўжалиги ва 1,0 % и – балиқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

**Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми, млрд. сўм**




2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (3 406 млрд. сўм) ва Тошкент (3 325 млрд. сўм) вилоятларига тўғри келмоқда. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (811 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (829 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (1 378 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Республика кўрсаткичидан (103,9 %) юқори ўсиш суръатлари Бухоро ва Фарғона (104,9%), Сурхондарё (104,6%), Хоразм (104,5 %), Андижон (104,4 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (104,3 %) кузатилди. Самарқанд (102,3 %), Қашқадарё (102,8 %), Сирдарё (102,9 %), Навоий (103,8 %) ва Тошкент (103,8 %) вилоятларида эса аксинча ўсиш суръатлари республика кўрсаткичидан пастлиги кузатилди.

**Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати (%) да**




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 13,5 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича юқорилигича қолмоқда. Тошкент ва Бухоро вилоятлари мос равишда 13,2 % ва 8,6 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (3,2 %), Қорақлпоғистон Республикаси (3,3 %) ва Навоий вилоятида (5,5 %) қайд этилди.

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 23,6 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,9 % ни ташкил этди, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 1,7 трлн. сўмни (106,4 %), чорвачилик маҳсулотлари – 21,9 трлн. сўмни (103,6 %) ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши**

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (%) да**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 88,2 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 7,6 % и – фермер хўжаликларига, 4,2 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши (%) да**



Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (12,1 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Хоразм вилоятида (93,5 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (11,7 %) қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Хоразм вилоятида (4,5 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Тошкент вилоятида (82,6 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Андижон ва Жиззах вилоятларида (1,6 %) қайд этилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши**

## Деҳқончилик

2020 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 1,7 трлн.сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 7,2 % ни ташкил қилди.




Сабзавот ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди, 43 537 т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 69,5 %.

Энг кам ҳажм 7 423 т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 11,9 % и фермер хўжаликларида кузатилди.

2019 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 3,7 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 2,1 %, шунингдек қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 81,5 % ўсиш кузатилди.

## Сабзавотлар *(т)*




Ҳудудлар орасида, сабзавот ишлаб чиқариш таркибида асосий улушни Сурхондарё вилояти эгалламоқда, унинг улуши 29,3 % га тенг бўлди. Шунингдек, юқори улуш Тошкент (21,9 %), Фарғона (11,8 %), Бухоро (7,3 %) ва Андижон (5,6 %) вилоятларида қайд этилди.

Энг паст улуш Қорақалпоғистон Республикаси (1,0 %) ва Жиззах вилоятида (1,6 %) кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Хоразм (174,0 %), Жиззах (165,8 %), Бухоро (143,7 %), вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси (125,1 %), Сурхондарё (114,8 %) ва Навоий (107,3 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йилга нисбатан, %) да



## Чорвачилик

2020 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 21,9 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 92,8 % ни ташкил этди.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга ошириб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли кўмак кўрсатиб келинаётганлиги чорва моллари ва паррандалари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.




2020 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 476,7 минг т. гўшт (2019 йилнинг январь-мартига нисбатан 4,0 % га кўп), 1 776,4 минг т. сут (2,9 % га кўп), 1 372,2 млн. дона тухум (5,2 % га кўп), 716 т. жун (0,4 % га кўп), 400,8 минг дона қоракўл тери (1,8 % га кўп) ишлаб чиқарилди ва 15 314 т. балиқ (19,1 % га кўп) овланди.

## Гўшт (тирик вазнда)




2020 йилнинг январь-март ойларида гўшт ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлили натижаларига асосан, гўшт ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми 439,7 минг т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 92,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилганлигини таъкидлаш лозим.

Кўрсатиб ўтилган даврларда, гўшт ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажми 15,9 минг т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 3,3 % и фермер хўжаликларида кузатилди.

2019 йилнинг мос даври билан солиштирганда, 2020 йилда фермер хўжаликларида 8,8 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 3,4 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 12,8 % ўсиш кузатилди.

## Гўшт (минг т.)

Ишлаб чиқарилган гўштнинг умумий ҳажмидаги энг юқори улуш Тошкент вилоятига (14,3 %) тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Самарқанд (13,0 %), Бухоро (9,6 %), Қашқадарё (8,7 %) ва Андижон (8,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Гўштнинг умумий ҳажмида энг паст улуш Сирдарё вилояти (2,9 %) ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,2 %) да кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида юқори ўсиш суръатлари Хоразм (105,6 %), Фарғона (105,5 %), Бухоро, Андижон ва Навоий (104,5 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йилга нисбатан, %) да



## Сут

Хўжалик тоифалари орасида сут ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми 1 689,2 минг т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 95,1 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди.

2020 йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича энг кам ҳажм 16,9 минг т. ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 0,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда кузатилди.

2019 йилга нисбатан, кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 6,8 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 2,7 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 11,9 % ўсиш кузатилди.

## Сут (минг т.)

Ҳудудлар кесимида, сут ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида энг юқори улуш Самарқанд вилоятига (15,1 %) тўғри келди. Шу билан бирга, Хоразм (11,2 %), Фарғона (11,0 %), Бухоро (10,4 %) ва Тошкент (8,8 %) вилоятларида ҳам юқори улуш қайд этилди.

Шунингдек, сут ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида энг паст улуш Қорақалпоғистон Республикаси (2,8 %) ва Сирдарё вилоятида (2,9 %) кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (105,5 %), Андижон (104,5 %), Фарғона (104,3 %) ва Наманган (104,1 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йилга нисбатан, %) да






Бошқа тоифадаги хўжаликларга нисбатан таққосланганда, тухум ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми 721,7 млн. дона ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 52,6 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида, ишлаб чиқаришнинг энг кам ҳажми 157,0 млн. дона ёки умумий ишлаб чиқариш ҳажмидан 11,4 % и фермер хўжаликларида кузатилди.

2019 йилга нисбатан, фермер хўжаликларида 18,2 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 3,0 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 4,7 % ўсиш кузатилди.

## Тухум (млн. дона)

Ҳудудлар орасида, тухум ишлаб чиқариш таркибининг асосий қисмини Тошкент вилояти эгалламоқда ва унинг улуши 18,5 % га тенг бўлди. Шунингдек, юқори улуш Самарқанд (18,4 %), Хоразм (7,9 %), Наманган (7,6 %) ва Фарғона (7,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, тухум ишлаб чиқариш умумий ҳажмида энг паст улуш Сирдарё (2,5 %) ва Жиззах (3,7 %) вилоятларида қайд этилди.

Юқори ўсиш суръатлари Фарғона (111,7 %), Наманган (109,0 %), Андижон (108,1 %) ва Бухоро вилоятлари (107,1 %) да кузатилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йилга нисбатан, %) да



# Балиқ

Балиқ овлаш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилиш жараёнида, овланган балиқлар ҳажмининг асосий қисми 9 812 т. ёки умумий овланган ҳажмидан 64,1 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда қайд этилди.

2020 йилнинг январь-март ойлари натижалари бўйича балиқ овлашнинг энг кам ҳажми 1 137 т. ёки умумий овланган ҳажмидан 7,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида кузатилди.

2019 йилга нисбатан, фермер хўжаликларида 13,4 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 3,0 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 24,1 % ўсиш кузатилди.

## Овланган балиқ (т.)

Ҳудудлар орасида, овланган балиқларнинг умумий ҳажмида энг катта улуш Жиззах (16,5 %) вилоятига тўғри келди. Шу билан бир қаторда, юқори улуш Тошкент (16,0 %), Хоразм (12,0 %) ва Андижон (10,8 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, овланган балиқларнинг умумий ҳажмида энг кам улуш Самарқанд (1,2 %) ва Сурхондарё (1,6 %) вилоятларида кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Бухоро (197,2 %), Жиззах (140,3 %) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (134,4 %), Самарқанд (131,5 %), Хоразм (118,2 %) ва Андижон (113,4 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йилга нисбатан, %) да



**Чорва моллари ва паррандалар бош сони**




2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлили, йирик шохли қорамолларнинг 5,4 % и фермер хўжаликлари, 93,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 1,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш лозим. Мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 11,8 % и фермер хўжаликлари, 83,2 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 5,0 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди, шунингдек, паррандалар умумий сонидан 14,4 % и фермер хўжаликларига, 60,1 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 25,5 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.




2020 йилнинг 1 апрель ҳоллатига кўра умумий сони 12 745,5 минг бошга етди;

- 2019 йилга нисбатан йирик шохли қорамоллар бош сони 166,5 минг бошга (1,3 %) кўпайди;

- 93,4 % йирик шохли қорамоллар бош сони деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.

## Йирик шохли қорамоллар (минг бош)

Йирик шохли қорамоллар умумий бош сонида энг юқори улуш Қашқадарё (12,4 %) вилоятига тўғри келади. Шунингдек, юқори улуш Самарқанд (12,2 %) ва Бухоро (9,6 %) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (8,6 %) ҳам қайд этилди.

Шу билан бирга, йирик шохли қорамоллар умумий бош сонида энг паст улуш Сирдарё (3,3 %) ва Навоий (3,8 %) вилоятларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (104,6 %), Сурхондарё (104,1 %) ва Тошкент (102,7 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йил 1 апрелга нисбатан, %) да



## Сигирлар




2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда сигирлар бош сони:

- умумий бош сони 4 492,7 минг бошга етди.

- 2019 йилга нисбатан 46,1 минг бошга (1,0 %) кўпайди.

- 93,9 % сигирлар деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.

## Сигирлар (минг бош)

Ҳудудлар орасида, сигирлар умумий бош сонида энг юқори улуш Самарқанд (14,6 %) вилоятига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Қашқадарё (11,5 %), Бухоро (8,8 %), Фарғона 8,3 %) ва Тошкент (8,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бир қаторда, сигирлар умумий бош сонида энг кам улуш Сирдарё (3,1 %) ва Навоий (4,3 %) вилоятларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (104,2 %), Сирдарё (103,1 %) ва Наманган (101,6 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йил 1 апрелга нисбатан, %) да



# Қўй ва эчкилар









2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра барча тоифадаги хўжаликларда:

- қўй ва эчкиларнинг умумий сони 21 637,5 минг бошга етди.

- 2019 йилга нисбатан қўй ва эчкилар бош сони 449,1 минг бошга (2,1 %) кўпайди.

- қўй ва эчкилар бош сонининг 83,2 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.

## Қўй ва эчкилар (минг бош)

Ҳудудлар кесимида, қўй ва эчкилар умумий бош сонида энг юқори улуш Қашқадарё (21,2 %) вилоятига тўғри келади. Шу билан бир қаторда, юқори улуш Самарқанд (11,1 %), Сурхондарё (10,9 %), Бухоро (10,1 %) ва Навоий (9,9 %) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, қўй ва эчкилар умумий бош сонида энг кам улуш Сирдарё (1,3 %) ва Хоразм (2,0 %) вилоятларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, юқори ўсиш суръатлари Тошкент (106,6 %), Хоразм (103,7 %) ва Жиззах (103,5 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йил 1 апрелга нисбатан, %) да



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра барча тоифадаги хўжаликларда:

- отлар бош сони 242,2 минг бошга етди;

- 2019 йилга нисбатан отлар бош сони 7,0 минг бошга (3,0 %) кўпайди.

- 80,0 % отлар деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади.

## Отлар (минг бош)

Ҳудудлар ўртасида, отлар умумий бош сонида энг юқори улуш Тошкент (21,2 %) вилоятига тўғри келади. Шу билан бир қаторда, юқори улуш Қашқадарё (13,3 %), Жиззах (11,3 %), Самарқанд (10,7 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (10,1 %) қайд этилди.

Отлар умумий бош сонида энг паст улуш Хоразм ва Бухоро (2,3 %) вилоятларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, юқори ўсиш суръатлари Бухоро (105,6 %), Навоий (104,6 %), Самарқанд ва Наманган вилоятлари (104,2 %) да кайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йил 1 апрелга нисбатан, %) да



2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда:

- паррандаларнинг умумий сони 83 774,1 минг бошга етди;

- 2019 йилга нисбатан паррандалар бош сони 5 555,8 минг бошга (7,1 % га) кўпайди;

- 60,1 % паррандалар деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.

## Паррандалар (минг бош)

Паррандалар умумий бош сонида энг юқори улуш Тошкент (17,9 %) вилоятига тўғри келди. Шунингдек, юқори улуш Самарқанд (14,6 %), Фарғона (9,5 %), Андижон (9,1 %) ва Қашқадарё (7,1 %) вилоятларида қайд этилди.

Паррандалар умумий бош сонида энг паст улуш Сирдарё (2,7 %) ва Навоий (3,8 %) вилоятларига тўғри келди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, юқори ўсиш суръатлари Наманган (118,9 %), Сирдарё (116,8 %), Сурхондарё (114,2 %) ва Бухоро (112,4 %) вилоятларида қайд этилди.

## Ўсиш суръатлари (2019 йил 1 апрелга нисбатан, %) да



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

**Деҳқончилик маҳсулоти** – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳамда кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш қиймати ва йил бошидан йил охиригача тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгариши йиғиндисидир.

**Чорвачилик маҳсулоти** – моллар, паррандалар ва бошқа чорва молларини ўстириш, сут, тухум, жун, асал ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қийматларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми индексларини ҳисоблашда уларнинг солиштирма нархлардаги қийматидан фойдаланилади.

**Овчилик** - овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш ҳаражатлари ҳисобга олинади.

**Ўрмон хўжалиги** – ўрмон ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш каби фаолият турларини ўз ичига олади. Ўрмон хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш, уларни узлуксиз янгилаш, зараркунандалар, касалликлар ва ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш, санитария ва ёнғинга қарши дастурларни ишлаб чиқиш киради. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларига терак, эман, қайин, сосна, қорақарағай ва бошқа шу каби дарахтлар кўчатларини олиш ва етиштириш ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи қўзиқорин ва трюфеллар, резавор мевалар, ёнғоқлар ва бошқаларни териб олингани ушбу тармоқда ҳисобга олинади.

**Балиқ хўжалиги** – овланган балиқ, сув биоресурслари ва аквакультура соҳаларининг маҳсулоти ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш, захираларни кўпайтириш ва яхшилашни ўз ичига олади.

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили** қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

**Фермер хўжаликлари** - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари** – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

**Моллар бош сони** - хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

**Гўшт ишлаб чиқариш** - сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

**Сут ишлаб чиқариш** - ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи ишлаб чиқаришга киритилмайди.

**Тухум ишлаб чиқариш** - барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуқлар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

**Жун ишлаб чиқариш** - хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфлангани ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

# V. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 33,4 трлн. сўм, (доллар эквивалентида 3,5 млрд. АҚШ долл.) ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 89,8 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.




2020 йилнинг январь-мартида инвестицион фаолликни пасайиши кузатилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиш суръати 89,8 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида 33,4 трлн. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, улардан 63,9 % и ёки 21,4 трлн. сўм жалб қилинган маблағлар ҳисобидан, қолган 36,1 % и ёки 12,0 трлн. сўм корхона ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

*Таққослаш учун - 2020 йилнинг январь-мартида Ялпи ички маҳсулотга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар – 30,2 % ни ташкил этиб, 2019 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 4,9 % пунктга камайди.*

*Мазкур кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларида 28,1 % ни ҳамда 2019 йилда – 35,1 % ни ташкил этган.*

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 8430,1 млрд. сўм ёки жами инвестициялар ҳажмининг 25,3 % и ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13,0 % пунктга кам асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 24957,2 млрд. сўм ёки жами ҳажмдан 74,7 % инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,0 % пунктга кўпайди.

2020 йил январь-март ойларида корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 8666,6 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, жами инвестицияларнинг 26,0 % ини ташкил этди. Аҳоли маблағлари ҳисобидан эса 3376,0 млрд. сўм ёки 10,1 % ўзлаштирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан 3648,9 млрд. сўм ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 % пунктга кўпайиб, 10,9 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари**
***( % да)***




2020 йилнинг январь-март ойларида жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 56,2 % и республиканинг тўртта ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 22,0 %, Қашқадарё вилоятида – 14,3 %, Навоий вилоятида – 10,4 % ва Тошкент вилоятида – 9,5 % ўзлаштирилган.

Ҳудудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди:

Жиззах вилоятида 163,6 %, (асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 1619,5 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида - 137,7% (1061,4 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида - 128,0 % (1657,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида - 123,8 % (807,6 млрд. сўм).

Инвестицион фаолликни паст даражалари Навоий ва Наманган вилоятларида кузатилиб, уларда ўсиш суръатлари 65,2 % ни ташкил этди. (мос равишда инвестициялар ҳажми 3462,7 ва 2144,2 млрд. сўм).

Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятларида кузатилган республикадаги юқори улуш (36,2 %) ва инвестицияларнинг паст ўсиш суръатлари (96,8 ва 81,5 %), Ўзбекистон Республикаси бўйича жами асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатларини паст бўлишига сезиларли таъсир кўрсатди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга инвестициялар**




2020 йилнинг январь - март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 3466,9 минг сўм (ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 64,0 %), Тошкент шаҳрида – 2850,7 минг сўм (ёки 94,4 %), Қашқадарё вилоятида – 1448,9 минг сўм (ёки 79,8 %), Сирдарё вилоятида – 1251,7 минг сўм (ёки 135,0 %), Жиззах вилоятида – 1169,1 минг сўм (ёки 160,1 %), Тошкент вилоятида – 1075,5 минг сўм (ёки 94,5 %), Бухоро вилоятида – 801,9 минг сўм (ёки 84,2 %) ва Наманган вилоятида 761,3 минг сўм (ёки 63,8 %) қайд этилди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар**

*(2020 йил январь-март)*

| | *Инвестициялар ҳажми, млрд. сўм* | *Ўсиш суръати, % да* | *Жамига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга инвестициялар** | **33387,3** | **89,8** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Марказлашган инвестициялар** | **8430,1** | **59,2** | **25,3** |
| бюджет маблағлари | 1358,1 | 57,1 | 4,1 |
| сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | 137,1 | 95,5 | 0,4 |
| тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 928,8 | 29,8 | 2,8 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар | 6006,1 | 69,8 | 18,0 |
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **24957,2** | **108,9** | **74,7** |
| корхона маблағлари | 8666,6 | 99,4 | 26,0 |
| аҳоли маблағлари | 3376,0 | 94,6 | 10,1 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 8594,1 | 2,3 м. | 25,7 |
| *улардан*: | | | |
| *тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар* | 3648,9 | 127,9 | 10,9 |
| тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 4320,5 | 63,0 | 12,9 |




Марказлашган молиялаштириш манбалари таркибида Республика бюджети ҳисобидан 1358,1 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 57,1 %), сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси – 137,1 млрд. сўм (95,5 %), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – 928,8 млрд. сўм (29,8 %), Ўзбекистон Республикаси кафолати остида хорижий кредитлар – 6006,1 млрд. сўм (69,8 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари**

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар улулши 5,1 % пунктга камайди.

**2020 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қуйидагилар:**

- *тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши;*
- *углеводородлар қазиб чиқаришни 2017-2021 йилларда кенгайтириш Дастури;*
- *магистрал тармоқлар подстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш;*
- *Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида иссиқлик электр станцияси қурилиши;*
- *Тахиатош ИЭС – қуввати 230-280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши (Иккинчи буғ-газ қурилмасини ишга тушириш);*
- *Электр энергияси истеъмолини хисоблаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш: Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида 0,4 кВ электр энергиясини истеъмолини хисоблаш тизими;*
- *"Фарход ГЭС" УК ни модернизация қилиш (II фаза);*
- *"Шарғун кўмир" АЖ – лойиҳа қувватини йилига 900 минг тонна тош кўмирга етказиш бўйича модернизация қилиш;*
- *Локомотивлар сотиб олиш билан локомативлар паркини янгилаш;*
- *Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурслари бошқарувини яхшилаш.*

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг нефт-газ, энергетика тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 928,8 млрд. сўмни (доллар эквивалентида 97,5 млн. АҚШ доллари) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,8 % ни ташкил қилди.

**2020 йилнинг январь-мартида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган йирик инвестиция:**

- *"Ёшлик 1" конини ўзлаштириш, Олмалиқ ш., Тошкент вилояти;*
- *Тошкент шахрида ерусти халқа метро линияси қурилиши;*
- *"Мурунтау" каръерига ишлов бериш (V навбат) II босқич;*
- *"Навоийазот" АЖ да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариши бўйича қурилиш ишлари;*
- *Техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши I-II босқичлар.*

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари**

Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 25,7 %), корхоналарнинг ўз маблағлари (26,0 %) ҳисобидан амалга оширилди.

*Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан Намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқ жойларда турар жойлар қурилиши бўйича йирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.*

***Тўғридан-тўғри ва кафолатланмаган хорижий кредитлар ҳисобидан қуйидаги йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди:***

- *Замонавий газни қайта ишлаш заводи қурилиши билан Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириш, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, шунингдек, маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Қўнғирот ҳудудида геологик-қидирув ишларини олиб бориш;*
- *Маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Жанубий-Ғарбий Хисор ва Устюрт ҳудудида углеводород қазиб олиш ва конларга ишлов бериш;*
- *Ўзбекистон Республикаси инвестиция блокларида нефт-газ конларига ишлов бериш ва геологик-қидирув ишларини олиб бориш (Қултоқ-Қамаши, Муборак, Сурхон, Ашибулоқ ва Косқудиқ, Ғарбий Фарғона инвестиция блоклари);*

➢ *Маҳсулот тақсимоти келишуви асосида Сурхондарё вилоятида "Мустақилликнинг 25 йиллиги" конига ишлов бериш ва қидирув ишларини якунлаш билан газ-кимё мажмуаси қурилиши;*

➢ *Ауминзо-Амантой конлари ҳудудида олтин мавжуд конларни қайта ишлаш ва қазиб чиқариш конини қуриш I-II босқич ва б.*




Давлат бюджети маблағларининг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмидаги улуши 4,1 % ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % пунктга камайди.

*Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси инфратузулмасини ривожлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадлардаги манзилли инвестиция дастурини бажаришга йўналтирилди.*

2020 йил январь–март ойларида иқтисодиётнинг нодавлат секторида 27832,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Мазкур кўрсаткич жами инвестициялар ҳажмида Ўзбекистон Республикаси бўйича 83,4 % ни ташкил этди, шунингдек, Қашқадарё вилоятида – 98,0 % га етди, Сирдарё вилоятида – 94,9 %, Тошкент вилоятида – 94,5 %, Сурхондарё вилоятида – 93,2 %, Наманган вилоятида – 92,7 %, Андижон вилоятида –91,8 %, Жиззах вилоятида – 91,1 % ни ташкил этди.

## Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

| | Жами инвести-циялар, млрд. сўм | шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича: (жамига нисбатан, % да) | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Республика бюджети | Корхона ва аҳоли маблағи | Аҳоли | Хорижий инвестиция ва кредитлар | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари |
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **33387,3** | **4,1** | **26,0** | **10,1** | **43,7** | **0,4** | **2,8** | **12,9** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1284,9 | 7,9 | 33,4 | 12,4 | 23,8 | 1,2 | 1,3 | 20,0 |
| *вилоятлар:* | | | | | | | | |
| Андижон | 1198,8 | 4,8 | 22,2 | 14,5 | 40,2 | 0,5 | - | 17,8 |
| Бухоро | 1544,9 | 3,8 | 16,6 | 21,0 | 40,1 | 0,0 | - | 18,5 |
| Жиззах | 1619,5 | 5,1 | 9,5 | 9,7 | 69,2 | 0,9 | - | 5,6 |
| Қашқадарё | 4762,6 | 0,7 | 10,0 | 6,3 | 80,9 | 0,5 | - | 1,6 |
| Навоий | 3462,7 | 0,4 | 9,9 | 6,3 | 60,1 | 0,2 | 19,0 | 4,1 |
| Наманган | 2144,2 | 3,2 | 20,9 | 12,4 | 48,0 | - | - | 15,5 |
| Самарқанд | 1530,7 | 4,3 | 29,2 | 20,6 | 22,8 | 1,3 | - | 21,8 |
| Сурхондарё | 1657,2 | 3,8 | 14,9 | 15,7 | 50,6 | 0,4 | - | 14,6 |
| Сирдарё | 1061,4 | 2,8 | 15,2 | 4,3 | 52,3 | 0,5 | - | 24,9 |
| Тошкент | 3169,2 | 3,1 | 36,4 | 10,1 | 31,7 | 0,5 | 5,7 | 12,5 |
| Фарғона | 1724,7 | 5,3 | 22,3 | 19,6 | 31,7 | 0,4 | - | 20,7 |
| Хоразм | 807,6 | 2,9 | 31,4 | 24,5 | 24,2 | - | - | 17,0 |
| Тошкент ш. | 7352,7 | 7,1 | 49,3 | 4,1 | 22,0 | 0,2 | 1,0 | 16,3 |

2020 йилнинг январь-мартида давлат бюджети маблағларининг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси (давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган жами инвестицияларнинг 7,9 % и), Тошкент (7,1 %), Фарғона (5,3 %), Жиззах (5,1 %) ва Андижон вилоятларида (4,8 %) ўзлаштирилди.

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда*

Қуйидаги ҳудудлар бўйича тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан салмоқли инвестициялар ўзлаштирилди:

Сирдарё вилоятида - жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг 24,9 % и, мос равишда, Самарқанд вилоятида – 21,8 %, Фарғона вилоятида – 20,7 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 20,0 % ва Бухоро вилоятида – 18,5 %.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби**
*(2020 йил январь-март)*

| | *Жами* | *жамига нисбатан % да:* | |
|---|---|---|---|
| | | *Давлат* | *Нодавлат* |
| **Жами, *млрд. сўм*** | **33387,3** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Қурилиш – монтаж ишлари | 13425,3 | 52,5 | 37,8 |
| Машина, ускуна, инвентар | 17151,5 | 33,1 | 55,0 |
| Бошқа харажатлар | 2810,5 | 14,4 | 7,2 |

**Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби динамикаси, *жамига нисбатан % да***

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркибида республика бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 40,2 % ни, машина, ускуна ва инвентар сотиб олишга харажатлар – 51,4 % ҳамда бошқа харажатлар улуши – 8,4 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 3182,5 млрд. сўм

(жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 9,5 %), тоғ – кон саноатида 4295,5 млрд. сўм (12,9 %), хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш -3230,0 млрд. сўм (9,7 %), қайта ишлаш саноати - 11837,3 млрд. сўм (35,5 %), шу жумладан бошқа нометал минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш - 2428,9 млрд. сўм (7,3 %), металлургия саноати 2419,6 млрд. сўм (7,2 %), тўқимачилик ва кийим - кечак махсулотларини ишлаб чиқариш - 2198,8 млрд.сўм (6,6 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 2429,0 млрд. сўм, (7,3 %), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш - 447,6 млрд. сўм, (1,3 %), қурилиш - 1214,8 млрд. сўм (3,6 %), ташиш ва сақлаш - 1421,2 млрд. сўм (4,3 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш - 1404,0 млрд. сўм (4,2%), ахборот ва алоқа - 446,2 млрд. сўм (1,3 %), профессионал, илмий ва техник фаолият - 315,3 млрд. сўм (0,9 %), таълим - 397,6 млрд. сўм (1,2 % ), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 407,1 млрд. сўм (1,2 %), молиявий ва суғурта фаолияти – 375,2 млрд. сўм (1,1 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш – 822,6 млрд. сўм (2,5 %), санъат, кўнгил очиш ва хордиқ – 409,6 млрд. сўм (1,2 %), жами иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида - 2512,2 млрд. сўм (7,5 %) ва бошқа иқтисодий фаолият турларида - 1469,6 млрд. сўм (4,5 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби**

*(2020 йил январь-март)*

| | *Жами асосий капиталга инвестициялар, млрд.сум* | *Жамига нисбатан % да:* | | |
|---|---|---|---|---|
| | | *янги қурилиш* | *кенгайтириш, реконструкция модернизация* | *бошқа йўналишлар* |
| **Ўзбекистон Республикаси [1)]** | **33387,3** | **45,5** | **27,2** | **27,3** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1284,9 | 39,3 | 30,3 | 30,4 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 1198,8 | 20,2 | 64,7 | 15,1 |
| Бухоро | 1544,9 | 52,9 | 32,5 | 14,6 |
| Жиззах | 1619,5 | 12,5 | 13,4 | 74,1 |
| Қашқадарё | 4762,6 | 39,3 | 11,9 | 48,8 |
| Навоий | 3462,7 | 78 | 18,2 | 3,8 |
| Наманган | 2144,2 | 65,8 | 28,1 | 6,1 |
| Самарқанд | 1530,7 | 39,9 | 41,2 | 18,9 |
| Сурхондарё | 1657,2 | 50,6 | 34,1 | 15,3 |
| Сирдарё | 1061,4 | 15,7 | 48,2 | 36,1 |
| Тошкент | 3169,2 | 58,5 | 28,5 | 13,0 |
| Фарғона | 1724,7 | 54,9 | 23,1 | 22,0 |
| Хоразм | 807,6 | 54,6 | 32,2 | 13,2 |
| Тошкент ш. | 7352,7 | 34,3 | 28,9 | 36,8 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда*

2020 йилнинг январь - мартида корхона ва ташкилотларнинг кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми республика бўйича – 9093,0 млрд. сўмни ташкил этди.




Мазкур кўрсаткич бўйича юқори натижалар Андижон вилоятида – 64,7 % (775,3 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида – 48,2 % (511,9 млрд. сўм), Самарқанд вилоятида – 41,2 % (631,3 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида – 34,1 % (564,6 млрд. сўм), Бухоро вилоятида – 32,5 % (501,7 млрд. сўм) ва Хоразм вилоятида – 32,2 % (260,2 млрд. сўм) кузатилди.

Республика бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида янги қурилишнинг улуши 45,5 % ни, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш ҳамда кенгайтиришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши 27,2 % ни ҳамда бошқа йўналишларга инвестицияларнинг улуши 27,3 % ни ташкил қилди.

## Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2020 йилнинг январь-мартида 14600,2 млрд. сўм (доллар эквивалентида 1,5 млрд. АҚШ долл.) ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,9 % кўп асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши – 43,7 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 4104,6 млрд. сўмни ва мос равишда хорижий кредитлар 10495,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 3648,9

млрд. сўмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди, Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар 6006, млрд. сўмни, бошқа хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар 4945,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,9 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар**

| | *Жами* | *Шу жумладан:* | | |
|---|---|---|---|---|
| | | *тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар* | *ЎзР кафолати остида хорижий кредитлар* | *бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **14600,2** | **3648,9** | **6006,1** | **4945,2** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 305,2 | 54,7 | 176,9 | 73,6 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 482,1 | 154,2 | 69,3 | 258,6 |
| Бухоро | 619,8 | 284,5 | 167,6 | 167,7 |
| Жиззах | 1121,4 | 438,2 | 19,5 | 663,7 |
| Қашқадарё | 3852,6 | 359,5 | 2895,3 | 597,8 |
| Навоий | 2082,4 | 111,4 | 930,6 | 1040,4 |
| Наманган | 1029,4 | 114,9 | 294,9 | 619,6 |
| Самарқанд | 348,6 | 97,5 | 103,1 | 148,0 |
| Сурхондарё | 838,6 | 345,4 | 98,0 | 395,2 |
| Сирдарё | 555,1 | 203,5 | 300,3 | 51,3 |
| Тошкент | 1004,9 | 615,2 | 237,9 | 151,8 |
| Фарғона | 546,6 | 322,9 | 20,3 | 203,4 |
| Хоразм | 195,4 | 34,3 | 130,0 | 31,1 |
| Тошкент ш. | 1618,1 | 512,7 | 562,4 | 543,0 |

Қайта ишлаш саноатида хорижий инвестиция ва кредитлар салмоқли ҳажмда ўзлаштирилиб, 6481,5 млрд. сўмни ёки жами инвестицияларнинг 44,4 % ини ташкил этди. Шунингдек, унинг таркибида бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 11,3 % ёки 1648,3 млрд. сўм, металлургия саноатида 11,0 %

ёки 1610,5 млрд. сўм, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 5,7 % ёки 831,0 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Тоғ-кон саноатида бу кўрсаткич 2813,2 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитлдарнинг 19,3 % и қайд этилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш, ҳавони кондициялаш каби фаолият турида 1965,7 млрд. сўм ёки 13,5 % хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

**Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби**
*(жамига нисбатан % да)*

| | |
|---|---|
| **Электр, газ билан таъминлаш 13,5 %** | **Тоғ-кон саноати 19,3 %** |
| **Қайта ишлаш саноати 44,4 %** | **Ахборот ва алоқа 1,3 %** |
| **Қишлоқ хўжалиги 8,9 %** | **Сув билан таъминлаш, канализация 1,3 %** |
| **Қурилиш 1,7 %** | **Ташиш ва сақлаш 1,4 %** |
| **Соғлиқни сақлаш 2,8 %** | **Бошқа фаолият турлари 5,4 %** |

## Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

2020 йилнинг январь-мартида умумий майдони 2372,2 минг кв.м турар-жойлар ишга туширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 101,5 % ни ташкил этди, улардан 98,9 % и ёки 2347,0 минг кв.м турар жойлар якка тартибда қурилган бўлиб, 21,3 минг кв.м ёки 0,9 % и намунавий лойиҳалар асосида қурилган турар-жойлар, 3,9 минг кв.м ёки 0,2 % бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишга туширилган турар-жойларни ташкил этди.

Жорий даврда турар жой қурилишида жами 2377,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, улардан Республика бюджети ҳисобидан 35,1 млрд. сўм, корхона ва ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан 17,6 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан 2059,0 млрд. сўм ва бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобидан 265,5 млрд. сўмни ташкил этди.




Республика бўйича жами 79,3 км сув тармоғи, 21,2 км газ тармоғи ва 5040 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар ишга туширилди.

Сув тармоғи қурилишида жами 33430,3 млн. сўм газ тармоғи 846,2 млн. сўм ва 95164,3 млн. сўм мактаблар қурилишида инвестициялар ўзлаштирилди.

## Фойдаланишга топширилган турар жойлар

| | Ишга туширилди, жами | | Улардан: якка тартибдаги турар жойлар | |
|---|---|---|---|---|
| | минг кв.м | ўсиш суръати, % да | минг кв.м | ўсиш суръати, % да |
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **2372,2** | **101,5** | **2347,0** | **108,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 144,3 | 66,7 | 144,3 | 66,7 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 97,8 | 117,4 | 97,8 | 117,5 |
| Бухоро | 244,5 | 128,0 | 244,5 | 128,0 |
| Жиззах | 122,1 | 103,2 | 122,1 | 103,2 |
| Қашқадарё | 198,1 | 89,4 | 198,1 | 110,4 |
| Навоий | 116,4 | 117,2 | 116,4 | 125,7 |
| Наманган | 200,9 | 131,7 | 197,0 | 172,2 |
| Самарқанд | 148,2 | 85,9 | 148,2 | 132,1 |
| Сурхондарё | 272,6 | 129,5 | 251,3 | 119,4 |
| Сирдарё | 25,9 | 58,1 | 25,9 | 80,7 |
| Тошкент | 325,0 | 111,1 | 325,0 | 111,1 |
| Фарғона | 255,4 | 104,2 | 255,4 | 109,7 |
| Хоразм | 107,5 | 111,4 | 107,5 | 111,4 |
| Тошкент ш. | 113,5 | 60,7 | 113,5 | 60,7 |

## Қурилиш ишлари




Жорий йилнинг январ-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 15 462,4 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январ – март ойларига нисбатан 106,5 % ни ташкил этди.

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмни қўшган ҳолда*

Қурилиш ишлари ҳажми йирик қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда норасмий секторларда амалга оширилган ишлар таркиби бўйича шаклланади.




**Маълумот учун:** қурилиш ишлари ҳажми бу - ўз кучи билан бажарилган қурилиш ишлари, янги қурилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда бошқа пудрат қурилиш ишлари натижасидир.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 37,5 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,9% га ошди.




Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бу бино ва иншоотлар қуришда ўтган йилга нисбатан 118,6 % га (жами қурилишдаги улуши 60,8 %), фуқаролик обектларини қуриш 110,9 % га (жами қурилишдаги улуши 8,5 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари 121,8 % га (жами қурилишдаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

Жорий йил январь - март ойларида, йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 4 290,0 млрд. сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг январь - март ойларига нисбатан 5,0 % га кўп бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 2019 йилнинг мос давридаги кўрсаткич даражасидан 0,5 % пунктга камайиб, 27,7 % ни ташкил этди.




Йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг жами қурилиш ишлари ҳажмидаги энг кўп улуши Навоий (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 27,3 % и ёки 2019 йилнинг январ-март ойига нисбатан 115,8 %), Тошкент шаҳар (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 24,9 % и ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,7 %), ва Наманган вилоятлари (ҳудуддаги жами қурилиш ишлари ҳажмининг 19,4 % и, ёки 2019 йилнинг январ-март ойига нисбатан 7,7 марта кўп ) га тўғри келди.

**Қурилиш ишлари умумий ҳажмида кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши**

улуши % да

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2020 йил январ - март ойларида қурилиш ишларини бажарган бошқа ташкилотларга нисбатан ошганлиги кузатилди. Улар ҳиссасига жами қурилиш ишлари ҳажмининг 52,5 % и тўғри келиб, 2019 йилнинг январ-март ойлари кўрсаткичига нисбатан 2,1 % пунктга кўпайди. Шунингдек, улар ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 110,8 % ни ташкил этган ҳолда 8 117,5 млрд. сўм миқдорида қайд этилди.

Норасмий сектор ҳиссасига тўғри келган қурилиш ишлари улуши ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,7 % пунктга камайиб, 19,8 % ни ташкил этди ва 3054,9 млрд. сўм миқдорида қайд этилди. 2019 йилнинг январ-март ойларига нисбатан 98,4 % ни ташкил этди.

Давлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан жами 614,5 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг январ-март ойларига нисбатан 84,7 % қурилиш ишлари бажарилди. Нодавлат мулкчилигидаги ташкилотлар томонидан эса 14 847,9 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 107,7 % ни ташкил этди. Уларнинг республикадаги тутган улуши мос равишда 4,0 % ва 96,0 % ни ташкил этди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари**

| | *Жами, млрд. сўм* | *шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *давлат* | *нодавлат* |
| **Ўзбекистон Республикаси[1)]** | **15 462,4** | **4,0** | **96,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 664,8 | 2,2 | 97,8 |
| вилоятлар: | | | |
| Андижон | 791,7 | 5,7 | 94,3 |
| Бухоро | 918,6 | 5,2 | 94,8 |
| Жиззах | 481,9 | 4,1 | 95,9 |
| Қашқадарё | 1058,6 | 4,6 | 95,4 |
| Навоий | 701,7 | 24,9 | 75,1 |
| Наманган | 690,0 | 4,2 | 95,8 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

*давоми*

| | Жами, млрд. сўм | шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан % да | |
|---|---|---|---|
| | | давлат | нодавлат |
| Самарқанд | 838,9 | 1,1 | 98,9 |
| Сурхондарё | 841,2 | 1,9 | 98,1 |
| Сирдарё | 293,4 | 5,4 | 94,6 |
| Тошкент | 951,6 | 2,5 | 97,5 |
| Фарғона | 990,1 | 4,3 | 95,7 |
| Хоразм | 532,7 | 6,1 | 93,9 |
| Тошкент ш. | 3325,3 | 2,9 | 97,1 |

**Республика бўйича иқтисодий фаолият турлари бўйича жами қурилиш ишлари**




Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган бинолар қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди.

Бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари улуши 27,1 % ни ташкил этиб, 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 0,9 % пунктга камайди.

Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 3,3 % пунктга кўпайиб, 46,5 % ни ташкил этди.

Норасмий секторнинг улуши эса 2019 йилнинг январь-март ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 2,4 % пунктга камайиб, 26,4 % ни ташкил этди.

Фуқаролик объектларини қуриш бўйича йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 44,3 % ни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 7,1 % пунктга кўпайди.

Шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар улуши мос равишда 55,5 % (5,3 % пунктга камайиш) ҳамда норасмий секторнинг улуши 0,2 % (1,8 % пунктга камайиш) ни ташкил этди.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 6,7 % пунктга камайди ва 13,8 % ни ташкил этди. Қолган 86,2 % и кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 6,7 % пунктга кўпайди.

**Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари**

*(2020 йил январь-март)*

*млрд. сум*

| | *Қурилиш ишлари - жами* | *Ўсиш суръати, % да* | *Шу жумладан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси [1)]** | **15 462,4** | **106,5** | **11 925,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 664,8 | 100,4 | 478,0 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 791,7 | 106,1 | 523,2 |
| Бухоро | 918,6 | 111,4 | 573,5 |
| Жиззах | 481,9 | 106,4 | 386,3 |
| Қашқадарё | 1058,6 | 104,7 | 811,1 |
| Навоий | 701,7 | 108,0 | 544,2 |

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмни қўшган ҳолда.*

*давоми*

| | Қурилиш ишлари -жами | Ўсиш суръати, % да | Шу жумладан янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш |
|---|---|---|---|
| Наманган | 690,0 | 133,9 | 549,4 |
| Самарқанд | 838,9 | 108,2 | 692,2 |
| Сурхондарё | 841,2 | 110,7 | 720,4 |
| Сирдарё | 293,4 | 101,1 | 205,6 |
| Тошкент | 951,6 | 102,0 | 693,9 |
| Фарғона | 990,1 | 107,3 | 665,5 |
| Хоразм | 532,7 | 107,0 | 440,4 |
| Тошкент ш. | 3325,3 | 103,6 | 2260,1 |

***2020 йилнинг январь-мартида республиканинг бешта ҳудудида энг юқори ўсиш суръатлари қайд этилган қурилиш ишлари:***

**Наманган вилояти:**

- вилоят бўйича юқори волтли электр узатиш линияларини қуриш;
- Гулистон-Бука-Ангрен-Қўқон-Андижон автомобил йўлида таъмирлаш ишлари;
- Тўрақўрғон ИЕСдан Андижон вилоятига 110 км узунликдаги янги электр узатиш линиясини қуриш.

**Бухоро вилояти:**

- Учкара насос станцияси қурилиши;
- Жайрон ва Жанубий кемачи конларининг қудуқларида монтаж ишлари.

**Сурхондарё вилояти:**

- Қоракўл тумани сув олиш иншоотларини қуриш, Поп туманида Карманин - кўк сув омборини қуриш;
- Шеробод туманидаги "К-2", "К-3", "К-7", "К-11" хўжаликлараро коллекторларни мунтазам таъмирлаш ва реконструкция қилиш.

**Самарқанд вилояти:**

- "Самарқанд" халқаро аэропорти ва М37 йўлининг қурилиши;
- Самарқанд тумани “Оҳалик” ҚФЙда ички йўлларни таъмирлаш;
- “Самарқанд сити” қурилиши

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номолиявий активларга киритилган инвестициялар** – бу реал маблағларни яратишга йўналтирилган инвестициялар бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, капитал таъмирлашга харажатлар, номоддий активларга киритилган инвестициялар (патентлар, лицензиялар, дастурий маҳсулотлар, ер майдонларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар).

**Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларга -** барча турдаги қурилиш ишларига қилинган харажатлар; асбоб-ускуналарни монтаж қилиш бўйича харажатлар; машина, асбоб-ускуналар (монтаж талаб этиладиган ва талаб этилмайдиган), транспорт воситалари, жиҳоз ва хўжалик инвентарини сотиб олиш; бошқа капитал ишлар ва харажатлар киради. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, илгари бошқа ташкилотларнинг асосий фондларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари)ни сотиб олишга қилинган харажатларсиз келтирилган.

**Чет эл инвестициялари** – асосан келгусида фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхона ва ташкилотларга киритилган чет эл капитали.

**Инвесторлар** – юридик ва жисмоний шахслар бўлиб, қарорларни қабул қилувчи ва ўз маблағлари, қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағларни инвестиция кўринишида инвестицион лойиҳаларга киритишни амалга оширувчи ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини таъминлаб берувчи инвестицион фаолият субъектлари ҳисобланади.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** – бу корхонага тўлиқ эгалик қилувчи ёки корхона акционерлик капиталининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини назорат қилувчи, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқиги эга бўлган, тўғридан-тўғри хорижий инвестор юридик ёки жисмоний шахс томонидан киритилган инвестициялар.

**Буюртмачилар** – инвестицион жараённинг қатнашчилари. Буюртмачи сифатида инвесторнинг ўзи, шунингдек инвестор томонидан амалдаги корхоналарни, биноларни, иншоотларни янги қурилиши, қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришни амалга оширишлари учун вакил этиб тайинланган жисмоний ва юридик шахслар фаолият кўрсатишлари мумкин. Шу билан бирга буюртмачи инвестицион жараён қатнашчиларининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига, агарда улар орасидаги шартномада назарда тутилмаган бўлса аралашмасликлари лозим.

**Пудратчи** – капитал қурилиш учун пудрат шартномаси асосида бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш ҳамда технологик ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, созлаш ва бошқа пудрат ишларини бажариш билан шуғулланади.

# VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ[1)]

**Фойда.** 2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 5845,2 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда фойда 7,7 % га камайган.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар**

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2019 йилнинг январь-февралига нисбатан, % да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **5845,2** | **92,3** |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 80,7 | 2,3 м. |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 4625,3 | 93,3 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 108,8 | - |
| Қурилиш | 36,2 | 99,2 |
| Савдо | 323,0 | 44,4 |
| Ташиш ва сақлаш | 299,8 | 2,1 м. |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 8,1 | - |
| Ахборот ва алоқа | 208,9 | 84,3 |
| Молиявий ва суғурта фаолияти | 24,9 | 118,9 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 26,4 | 107,6 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 50,8 | 117,5 |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 28,0 | 179,7 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 15,1 | 104,1 |
| Бошқалар | 9,2 | 4,8 |

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

## 2020 йилнинг январь-февраль ойларида фойданинг ўсиш суръати юқори бўлган вазирлик ва идоралар

| | *Фойданинг ўсиши, млрд. сўм* | *2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| “Иссиқлик электр станциялари” АЖ | 146,9 | - |
| “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | 86,8 | - |
| “Ўзбекнефтегаз” АЖ | 64,0 | 127,3 |
| “НКМК” ДК | 43,2 | 102,2 |
| “Ўзкимёсаноат” АЖ | 35,3 | 139,7 |
| “Ўзметкомбинат” АЖ | 22,6 | 142,2 |
| Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси | 19,0 | 167,2 |

## Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг ўсиши, *(млрд. сўм)*

2020 йилнинг январь-февраль ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий ўсиши “Иссиқлик электр станциялари” АЖ (146,9 млрд. сўм), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (86,8 млрд. сўм), “Ўзбекнефтегаз” АЖ (64,0 млрд. сўм), “НКМК” ДК (43,2 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (35,3 млрд. сўм), “Ўзметкомбинат” АЖ (22,6 млрд. сўм), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси (19,0 млрд. сўм)га тўғри келади.

Фойданинг пасайиши “Ўзавтосаноат” АЖ – 406,1 млрд. сўмга, “ОКМК” АЖ – 177,7 млрд. сўмга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 149,1 млрд. сўмга, “Uzbekistan Airports” АЖ – 40,4 млрд. сўмга, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК – 22,1 млрд. сўмга, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси – 15,1 млрд. сўмга, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси – 13,5 млрд. сўмга, “Ўзпахтасаноат” АЖ – 6,4 млрд. сўмга, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК – 3,8 млрд. сўмга кузатилган.

**2020 йилнинг январь-февраль ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан фойданинг пасайиши юқори бўлган вазирлик ва идоралар**

| | *Фойданинг пасайиши, млрд. сўм* | *2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| “Ўзавтосаноат” АЖ | 406,1 | 35,2 |
| “ОКМК” АЖ | 177,7 | 81,1 |
| “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ | 149,1 | 29,6 |
| “Uzbekistan Airports” АЖ | 40,4 | 68,1 |
| “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК | 22,1 | 85,7 |
| “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси | 15,1 | 75,8 |
| Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси | 13,5 | 31,1 |
| “Ўзпахтасаноат” АЖ | 6,4 | 75,8 |
| “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК | 3,8 | 92,0 |

**Фойданинг пасайиши, *млрд. сўм***

## 2020 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар

| | *Фойда, зарар (-), млрд. сўм* | *2019 йилнинг январь-февралига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси [1)]** | **5845,2** | **92,3** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 903,7 | 106,4 |
| *вилоятлар:* | | |
| Андижон | 203,2 | 35,5 |
| Бухоро | 58,4 | 144,9 |
| Жиззах | 14,1 | 138,5 |
| Қашқадарё | 154,9 | 74,4 |
| Навоий | 2140,7 | 103,1 |
| Наманган | 52,7 | 129,4 |
| Самарқанд | 40,4 | 70,7 |
| Сурхондарё | 39,9 | 125,0 |
| Сирдарё | 27,7 | - |
| Тошкент | 978,8 | 80,3 |
| Фарғона | 90,9 | 158,0 |
| Хоразм | 17,7 | 58,3 |
| Тошкент шаҳри | 1211,3 | 103,6 |

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Навоий вилояти 2140,7 млрд. сўм (жами фойданинг 36,6 % и), Тошкент шаҳри – 1211,3 млрд. сўм (20,7 %), Тошкент вилояти – 978,8 млрд. сўм (16,7 %), Қорақалпоғистон Республикаси – 903,7 млрд. сўм (15,5 %), Андижон вилояти – 203,2 млрд. сўм (3,5 %) ва Қашқадарё вилоятига – 154,9 (2,7 %) тўғри келади.

**Маълумот учун:**
2020 йилнинг январь-февраль ойларида 242 та корхона ва ташкилотлар 868,1 млрд. сўм зарарга йўл қўйган.

[1]) *Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.*

## 2020 йилнинг январь-февралида зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқарув органларининг молиявий натижалари *(жамига нисбатан % да)*

Зарарнинг асосий қисми “Ўзтрансгаз” АЖ – 328,5 млрд. сўм, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 93,4 млрд.сўм, “Ўзавтосаноат” АЖ – 50,8 млрд.сўм, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 41,7 млрд.сўм ва “Иссиқлик электр станциялари” АЖ– 27,2 млрд.сўм корхоналарига тўғри келади.

## 2020 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | Корхоналар сони | Зарар суммаси | |
|---|---|---|---|
| | | млрд. сўм | жамига нисбатан % да |
| **Жами** | **242** | **868,1** | **100,0** |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 2 | 8,9 | 1,0 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 50 | 102,6 | 11,8 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 14 | 158,5 | 18,3 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 5 | 10,9 | 1,3 |
| Қурилиш | 9 | 0,4 | 0,0 |
| Савдо | 64 | 83,2 | 9,6 |
| Ташиш ва сақлаш | 41 | 470,2 | 54,2 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 14 | 6,4 | 0,7 |
| Ахборот ва алоқа | 3 | 6,5 | 0,7 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 5 | 0,8 | 0,1 |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | 8 | 1,7 | 0,2 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 9 | 11,7 | 1,3 |
| Бошқалар | 18 | 6,3 | 0,7 |

## 2020 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

*(жамига нисбатан % да)*

Зарарларнинг асосий қисми қуйидаги тармоқларга тўғри келди: ташиш ва сақлаш – 470,2 млрд. сўм (жами зарарнинг 54,2 % и), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 158,5 млрд. сўм (18,3%).

## 2020 йилнинг январь-февралида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | *Корхоналар сони* | *Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да* | *Зарар суммаси, млрд. сўм* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **242** | **12,5** | **868,1** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 | 2,9 | 0,4 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 17 | 16,5 | 60,3 |
| Бухоро | 6 | 5,1 | 2,8 |
| Жиззах | 5 | 11,9 | 0,7 |
| Қашқадарё | 7 | 5,3 | 21,6 |
| Навоий | 8 | 14,3 | 6,9 |
| Наманган | 7 | 7,2 | 0,9 |
| Самарқанд | 18 | 15,3 | 10,8 |
| Сурхондарё | 10 | 10,0 | 5,2 |
| Сирдарё | 4 | 9,8 | 1,5 |
| Тошкент | 40 | 17,7 | 76,3 |
| Фарғона | 12 | 9,4 | 17,1 |
| Хоразм | 3 | 3,7 | 3,0 |
| Тошкент ш. | 102 | 16,2 | 570,1 |

## Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

| | 2020 йил 1 март, млрд. сўм |
|---|---|
| **Дебитор қарздорлик, жами** | **83209,3** |
| *шу жумладан:* | |
| харидор ва буюртмачилар | 35096,1 |
| етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар | 17756,6 |
| ички идоравий қарз | 16708,5 |

2020 йил 1 март ҳолатига кўра дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 83209,3 млрд. сўмни ташкил қилди,

шундан муддати ўтгани – 690,4 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 0,8 % и.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирилганда 19,3 % га камайган, жами дебитор қарздорликдаги улуши 0,1 пунктга камайган.

### 2020 йил 1 март ҳолатига кўра корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги




[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги

*млрд.сўм*

| | *Дебитор қарздорлик* | *шундан муддати ўтгани* | *Муддати ўтган қарздорлик улуши, % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **83209,3** | **690,4** | **0,8** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1893,5 | 8,7 | 0,5 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 4967,7 | 24,6 | 0,5 |
| Бухоро | 2094,8 | 2,9 | 0,1 |
| Жиззах | 1017,4 | 1,8 | 0,2 |
| Қашқадарё | 5185,3 | 10,9 | 0,2 |
| Навоий | 4709,1 | 18,9 | 0,4 |
| Наманган | 1141,9 | 3,8 | 0,3 |
| Самарқанд | 2300,5 | 26,9 | 1,2 |
| Сурхондарё | 1443,5 | 3,8 | 0,3 |
| Сирдарё | 1703,3 | 9,9 | 0,6 |
| Тошкент | 8522,7 | 217,2 | 2,5 |
| Фарғона | 2603,5 | 46,7 | 1,8 |
| Хоразм | 977,8 | 6,5 | 0,7 |
| Тошкент шаҳри | 40406,0 | 307,2 | 0,8 |

**Ҳудудлар** кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 40406,0 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 8522,7 млрд. сўм, Қашқадарё вилояти – 5185,3 млрд. сўм, Андижон вилояти – 4967,7 млрд. сўм ва Навоий вилоятида – 4709,1 млрд. сўмга тўғри келади.

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*




# Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

## Корхона ва ташкилотларнинг кредиторлик қарздорлиги ҳолати[1)]

| | 2020 йил 1 март, млрд. сўм |
|---|---|
| **Кредитор қарздорлик, жами** | **101714,3** |
| *шу жумладан:* | |
| етказиб берувчилар ва пудратчиларга | 46921,6 |
| бюджетга тўловлар бўйича қарз | 3163,6 |
| давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз | 1141,8 |
| ички идоравий қарз | 15705,6 |

2020 йил 1 март ҳолатига кўра кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 101714,3 млрд. сўм, шундан муддати ўтгани – 653,8 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,6 % ини ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2019 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирилганда 54,4 %га камайди, жами кредитор қарздорликдаги улуши 0,9 пунктга камайган.

### 2020 йил 1 март ҳолатига кўра корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги

**Кредитор қарздорлик, млрд. сўм**




**Муддати ўтган қарздорлик, млрд. сўм**




[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги

| | *Кредитор қарздорлик, млрд. сўм* | *шундан муддати ўтгани* | *муддати ўтган қарздорлик улуши, % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **101714,3** | **653,8** | **0,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2823,8 | 1,7 | 0,1 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 12812,3 | 39,6 | 0,3 |
| Бухоро | 2311,5 | | |
| Жиззах | 840,1 | 3,5 | 0,4 |
| Қашқадарё | 3944,8 | 21,8 | 0,6 |
| Навоий | 4242,3 | 28,0 | 0,7 |
| Наманган | 1617,2 | 3,8 | 0,2 |
| Самарқанд | 3317,1 | 62,8 | 1,9 |
| Сурхондарё | 1998,0 | 2,5 | 0,1 |
| Сирдарё | 1888,7 | 3,4 | 0,2 |
| Тошкент | 9287,5 | 285,7 | 3,1 |
| Фарғона | 2733,9 | 60,9 | 2,2 |
| Хоразм | 1004,2 | 1,0 | 0,1 |
| Тошкент шаҳри | 51319,8 | 138,9 | 0,3 |

Ҳудудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри – 51319,8 млрд. сўм, Андижон вилояти – 12812,3 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 9287,5 млрд. сўм, Навоий вилояти – 4242,3 млрд. сўм, ва Қашқадарё вилоятига – 3944,8 млрд. сўм тўғри келади.

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*



## 2020 йил 1 март ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги ҳолати

| | Жами, млрд. сўм | шундан: | | |
|---|---|---|---|---|
| | | харидор ва буюрт-мачилар | етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган авансла р | ички идоравий қарз |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **690,4** | **574,6** | **26,8** | **24,1** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8,7 | 0,2 | 1,0 | - |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 24,6 | 7,0 | 3,8 | 0,1 |
| Бухоро | 2,9 | 0,0 | - | - |
| Жиззах | 1,8 | 1,5 | 0,2 | - |
| Қашқадарё | 10,9 | 7,2 | 1,9 | 0,0 |
| Навоий | 18,9 | 17,4 | 1,1 | - |
| Наманган | 3,8 | 3,1 | 0,7 | - |
| Самарқанд | 26,9 | 19,4 | 6,7 | 0,3 |
| Сурхондарё | 3,8 | 3,8 | 0,0 | - |
| Сирдарё | 9,9 | 6,5 | 3,1 | - |
| Тошкент | 217,2 | 196,0 | 2,4 | 9,9 |
| Фарғона | 46,7 | 43,9 | 0,5 | - |
| Хоразм | 6,5 | 2,2 | 4,3 | - |
| Тошкент шаҳри | 307,2 | 265,8 | 1,1 | 13,8 |

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида – 307,2 млрд. сўм, Тошкент вилояти – 217,2 млрд. сўм, Фарғона вилояти – 46,7 млрд. сўм, Андижон 24,6 млрд. сўм, Самарқанд вилояти – 26,9 млрд. сўм, Навоий вилояти – 18,9 млрд. сўм ва Қашқадарё вилоятида – 10,9 млрд. сўмни ташкил этган.

**Муддати ўтган қарздорлик** - *қонунда белгиланган муддатда тўланмаган, муддати ўтган қарзнинг умумий суммаси.*

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган кредитор қарздорлиги ҳолати

| | *Жами, млрд. сўм* | *шундан:* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *етказиб берувчилар ва пудратчиларга* | *бюджетга тўловлар бўйича қарз* | *давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз* | *ички идоравий қарз* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **653,8** | **577,0** | **1,1** | **5,5** | **20,5** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,7 | 1,7 | - | - | - |
| *вилоятлар:* | | | | | |
| Андижон | 39,6 | 33,1 | 0,7 | 1,7 | 0,0 |
| Бухоро | - | - | - | - | - |
| Жиззах | 3,5 | 3,3 | 0,2 | 0,0 | - |
| Қашқадарё | 21,8 | 19,4 | 0,0 | 0,7 | - |
| Навоий | 28,0 | 26,1 | - | - | 1,9 |
| Наманган | 3,8 | 3,4 | - | - | 0,4 |
| Самарқанд | 62,8 | 62,3 | 0,0 | 0,0 | - |
| Сурхондарё | 2,5 | 2,5 | - | - | - |
| Сирдарё | 3,4 | 3,4 | - | - | - |
| Тошкент | 285,7 | 241,1 | - | 2,5 | 18,1 |
| Фарғона | 60,9 | 59,7 | 0,2 | 0,5 | - |
| Хоразм | 1,0 | 0,8 | - | - | 0,1 |
| Тошкент шаҳри | 138,9 | 120,4 | - | - | 0,1 |

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Тошкент вилоятида – 43,7 %, Тошкент шаҳри – 21,2 %, Самарқанд вилояти – 9,6 %, Фарғона вилоятида – 9,3 % ни ташкил этди.

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

| | Жами, млрд. сўм | унда: | | | муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да |
|---|---|---|---|---|---|
| | | харидор ва буюртмачилар | етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган авансларга | ички идоравий қарз | |
| **Жами** | **690,3** | **574,6** | **26,8** | **24,1** | **0,8** |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | - | - | - | - | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 259,9 | 186,3 | 20,2 | 4,1 | 1,2 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 178,7 | 178,5 | - | - | 0,9 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 144,4 | 141,2 | - | 1,5 | 21,7 |
| Қурилиш | 21,0 | 20,4 | 0,1 | 0,4 | 1,0 |
| Савдо | 13,2 | 4,7 | 0,5 | - | 0,1 |
| Ташиш ва сақлаш | 21,2 | 14,6 | 0,7 | 2,5 | 0,2 |
| Кўчмас мулк билан операциялар | 1,8 | 0,2 | 0,1 | 1,5 | 2,7 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 24,5 | 4,4 | 4,0 | 14,0 | 2,4 |
| Бошқалар | 25,6 | 24,3 | 1,2 | 0,1 | 0,4 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг энг кўпи ишлаб чиқарадиган саноатда – 37,7 %, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 25,9 %, сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда – 20,9 % ни ташкил этди.

## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги *(жамига нисбатан % да)*

Энг юқори дебитор қарздорлик “Ўзтрансгаз” АЖда – 13371,8 млрд. сўм (республика бўйича жами қарздорликдан 16,1 %), “Ўзбекнефтегаз» – 8291,0 млрд. сўм (10,0 %), “Ўзавтосаноат” АЖ – 6094,3 млрд.сўм (7,3%), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 4070,5 млрд. сўм (4,9 %), “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 3551,1 млрд. сўм (4,3 %) “Uzbekistan Airways” АЖ – 3447,1 млрд. сўм (4,1 %), “Миллий электр тармоқлари” АЖ – 3301,0 млрд. сўм (4,0 %) ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖда – 3132,2 млрд. сўм (3,8 %) кузатилмоқда.




## 2020 йил 1 март ҳолатига кўра алоҳида хўжалик бошқарув органларининг кредитор қарздорлиги *(жамига нисбатан % да)*



**Маълумот учун:**

*2020 йил 1 март ҳолатига кўра жами кредитор қарздорлик 101714,3 млрд. сўм бўлиб, унинг дебитор қарздор-ликдан ошиши 18505,0 млрд. сўмни ташкил*

Энг юқори кредитор қарздорлик "Ўзтрансгаз" АЖда – 16600,3 млрд. сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорликнинг 16,3 % и), "Ўзавтосаноат" АЖ – 13678,0 млрд. сўм (13,4 %), "Ўзбекнефтегаз" АЖ – 5664,8 млрд. сўм (5,6 %), "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ – 5630,9 млрд. сўм (5,5 %), "Ўзпахтасаноат" АЖ – 3233,1 млрд. сўм (3,2 %), "Миллий электр тармоқлари" АЖда – 3027,3 млрд. сўм (3,0 %)ни ташкил этди.

**2020 йил 1 март ҳолатига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

| | *Жами, млрд. сўм* | *шундан:* | | | | *мудда-ти ўтган қарз-дорлик-нинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *етказиб берувчи-лар ва пудрат-чиларга* | *бюд-жетга тўлов-лар* | *давлат мақсадли фонд-ларига тўловлар* | *ички идора-вий қарз* | |
| **Жами** | **653,8** | **577,0** | **1,1** | **5,5** | **20,5** | **0,6** |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | - | - | - | - | - | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 306,3 | 263,6 | - | - | 20,5 | 0,9 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондиция-лаш | 220,8 | 211,3 | 0,8 | 5,0 | - | 1,5 |
| Қурилиш | 1,0 | 0,3 | 0,2 | 0,5 | - | 0,0 |
| Савдо | 85,9 | 85,8 | - | - | - | 0,9 |
| Ташиш ва сақлаш | 1,8 | 1,6 | - | - | - | 0,0 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 27,1 | 11,0 | 0,1 | 0,0 | - | 0,6 |
| Бошқалар | 10,9 | 3,4 | - | - | - | 0,1 |

## Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги

*млрд. сўм*



Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбатан қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

| | *Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши* | |
|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *дебиторга нисбатан % да* |
| “Ўзавтосаноат” АЖ | 7583,7 | 124,4 |
| “Ўзтрансгаз” АЖ | 3228,6 | 24,1 |
| “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ | 2498,7 | 79,8 |
| Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси | 1724,1 | 182,4 м. |
| Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси | 1405,4 | 138,7 |
| “ОКМК” АЖ | 1097,0 | 183,0 |
| “Ўзкимёсаноат” АЖ | 727,2 | 82,5 |
| “Uzbekistan Airports” АЖ | 719,5 | 125,3 |
| “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ | 631,9 | 46,8 |
| Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги | 395,5 | 82,9 |
| “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АК | 288,0 | 174,4 |

Жами кредитор қарздорликнинг дебитор қарздорликдан ошиши “Ўзавтосаноат” АЖда – 7583,7 млрд. сўмга (124,4%), “Ўзтрансгаз” АЖ- 3228,6 млрд.сўм (24,1 %), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 2498,7 млрд. сўмга (79,8 %), Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси – 1724,1 млрд. сўмга (182,4 м.), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 1405,4 млрд.сўм (138,7%), “ОКМК” АЖ - 1097,0 млрд. сўм (183,0 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 727,2 млрд.сўм (82,5 %), “Uzbekistan Airports” АЖ – 719,5 млрд.сўм (125,3%), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 631,9 млрд. сўмга (46,8 %), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 395,5 млрд. сўмга (82,9 %), “Ўзмахсусмонтажқурилиш” АКда – 288,0 млрд. сўмга (174,4 %) ошгани кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)** – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

**Дебиторлик қарзлар** – харидорлар ва буюртмачилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Кредиторлик қарзлар** – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган авансларр, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)** – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар қўшимча қиймат солиғи ҳамда акциз солиғини қўшган ҳолда.

**Муддати ўтган қарзлар** – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

**Актив** – маълум бир санадаги ташкилот активлари таркиби ва қийматини акс эттирувчи бухгалтерия баланси (чап томон).

**Пассив** – корхона маблағлари (мажбуриятлари ва капитали) шаклланишининг барча манбалари йиғиндисининг (ўнг томони) қарама-қарши қисми.

# VII. КОРХОНА ВА ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ



Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотига кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида 220 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда - объектлар) хусусийлаштирилди.

**Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари**
*(2020 йил январь-март ҳолатига кўра)*

| | *Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони* | | *Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *млн. сўм* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **220** | **100,0** | **72 767,1** | **100,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 13 | 5,9 | 1 486,5 | 2,0 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 10 | 4,6 | 714,1 | 1,0 |
| Бухоро | 18 | 8,2 | 12 201,8 | 16,8 |
| Жиззах | 22 | 10,0 | 4 078,6 | 5,6 |
| Қашқадарё | 15 | 6,8 | 414,5 | 0,6 |
| Навоий | 5 | 2,3 | 908,7 | 1,3 |
| Наманган | 5 | 2,3 | 4 001,9 | 5,5 |
| Самарқанд | 16 | 7,3 | 2 842,0 | 3,9 |
| Сурхондарё | 8 | 3,6 | 2 440,5 | 3,4 |
| Сирдарё | 10 | 4,5 | 2 792,3 | 3,8 |
| Тошкент | 52 | 23,6 | 9 701,0 | 13,3 |
| Фарғона | 30 | 13,6 | 9 830,5 | 13,5 |
| Хоразм | 6 | 2,7 | 378,9 | 0,5 |
| Тошкент ш. | 10 | 4,6 | 10 846,8 | 14,9 |
| Агентлик МА | - | - | 10 129,1 | 13,9 |

Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 52 та (23,6 %), Фарғона вилоятида – 30 та (13,6 %), Жиззах вилоятида – 22 та (10,0%), Бухоро вилоятида – 18 та (8,2%), Самарқанд вилоятида – 16 та (7,3 %), Қашқадарё вилоятида – 15 та (6,8%)ни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-мартида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби** *(жамига нисбатан % да)*




Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 118 та объект (республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 53,6 % и), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 17 та (7,7%), Транспорт вазирлиги – 11 та (5,0%), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 3 та объект (1,4 %),Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – 2 та объект (0,9 %), Давлат активларини бошқариш агентлигига – 2 та объект (0,9 %) тўғри келади.

2020 йилнинг январь-мартида давлат мулкини сотишдан тушган тушумлар 72,8 млрд. сўмни ташкил қилди.

**2020 йилнинг январь-мартида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкини сотишдан тушган тушумлар таркиби** *(жамига нисбатан % да)*




Ҳудудлар кесимида давлат мулкини сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Бухоро (барча тушумларнинг 16,8 % и), Тошкент шаҳрига (14,9 %), Агентлик МА (13,9 %), Фарғона (13,5 %), Тошкент (13,3 %) ва Жиззах (5,6 %), вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

# Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат нотурар жой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2020 йилнинг январь-мартида объектларни ижарага бериш бўйича 12,6 мингдан ортиқ ижара шартномалари тузилди.

Натижада, 2,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.



Давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумлар жами 29,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида давлат мулкини ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 70,2 % и), Андижон (5,0 %), Тошкент (4,4 %), Бухоро (3,6 %) ва Фарғона (3,5 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

# Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Давлат тасарруфидан чиқариш** – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

**Хусусийлаштириш** – жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулк объектларини ёки давлат акциядор жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

**Давлат кўчмас мулк объектлари бўйича савдолар (ким ошди савдолари)** – сотувчи ёки кўчмас мулк ташкилоти, шунингдек, ким ошди савдолари ва ким ошди савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот, шу жумладан, электрон шаклда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат кўчмас мулк объектларини сотишни ташкиллаштириш.

**Харидор** - қонун хужжатларига мувофиқ давлат мулки бўлган кўчмас мулк объекти (бундан буён матнда олди-сотди шартномаси деб юритилади) учун сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

**Инвестиция мажбурияти** – инвестор томонидан инвестиция лойиҳасида назарда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун олган мажбурияти.

**Ижтимоий мажбуриятлар** – пул қийматига эга бўлмаган ва қонунга зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган давлат мулкини сотишда харидор томонидан қабул қилинган мажбуриятлар.

**Аукцион** – танлов асосида харидор билан савдонинг шакли, бунда унга энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи давлат мулкини сотиш шартномасини тузиш ҳуқуқини олади. Аукционлар очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

**Балансда сақловчи** – балансида давлат кўчмас мулки бўлган юридик шахс.

**Бошланғич нарх** – ким ошди савдосига очиқ мулкни бериш учун сотувчи томонидан белгиланган нарх.

# VIII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2020 йилнинг январь-мартида 23,3 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоизга камайди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (39,9 %), саноат соҳасида (18,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (11,3 %), қурилиш соҳасида (7,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (7,4 %), ташиш ва сақлашда (2,8 %) ташкил этилган.

**2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**

## 2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари

| | | 2019 й | 2020 й | (+;-) |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони** | **бирлик** | **289659** | **352167** | **62508** |
| **Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар** | **бирлик** | **30442** | **23320** | **-7122** |
| *Кичик тадбиркорликнинг улушлари:* | | | | |
| ЯИМ | % | 45,5 | 45,8 | 0,3 |
| Саноат | % | 27,3 | 28,7 | 1,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | % | 97,1 | 97,3 | 0,2 |
| Инвестиция | % | 38,6 | 54,6 | 16,0 |
| Қурилиш | % | 71,8 | 72,3 | 0,5 |
| Савдо | % | 85,2 | 85,0 | -0,2 |
| Хизматлар | % | 53,6 | 51,3 | -2,3 |
| Юк ташиш | % | 43,9 | 42,5 | -1,4 |
| Юк айланмаси | % | 75,4 | 73,9 | -1,5 |
| Йўловчи ташиш | % | 90,4 | 89,4 | -1,0 |
| Йўловчи айланмаси | % | 94,9 | 94,2 | -0,7 |
| Экспорт | % | 26,6 | 27,4 | 0,8 |
| Импорт | % | 62,1 | 58,1 | -4,0 |

## 2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил топган жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Тошкент шаҳрида - 4460 та, Самарқанд вилоятида - 2293 та, Тошкент вилоятида - 2244 та, Андижон вилоятида - 1829 та, Хоразм вилоятида - 1633 та, Наманган вилоятида - 1626 тани ташкил этган. Энг паст кўсаткични Жиззах вилоятида – 914 тани ташкил этган.

## Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

| | *2019 й. январь-март* | *2020 й. январь-март* | (+;-) |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **30 442** | **23 320** | **-7 122** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 280 | 924 | -356 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 1 741 | 1 829 | 88 |
| Бухоро | 2 182 | 1 263 | -919 |
| Жиззах | 1 309 | 914 | -395 |
| Қашқадарё | 1 802 | 1 209 | -593 |
| Навоий | 889 | 1 209 | 320 |
| Наманган | 2 078 | 1 626 | -452 |
| Самарқанд | 2 940 | 2 293 | -647 |
| Сурхондарё | 1 617 | 1 277 | -340 |
| Сирдарё | 789 | 1 003 | 214 |
| Тошкент | 2 856 | 2 244 | -612 |
| Фарғона | 2 851 | 1 436 | -1 415 |
| Хоразм | 1 804 | 1 633 | -171 |
| Тошкент ш. | 6 304 | 4 460 | -1 844 |

*2020 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода – 9312 та, шунингдек :*

*саноатда – 4345 та;*

*қурилишда – 1844 та;*

*қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 2637 та;*

*яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 1724 та.*

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар,** *бирликда*

| | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *фарқи(+;-)* |
|---|---|---|---|
| Чилонзор тумани | 773 | 572 | -201 |
| Учтепа тумани | 1102 | 567 | -535 |
| Самарқанд шаҳри | 972 | 536 | -436 |
| Юнусобод тумани | 675 | 533 | -142 |
| Андижон шаҳри | 522 | 485 | -37 |
| Мирзо-Улуғбек тумани | 496 | 472 | -24 |
| Шайхонтоҳур тумани | 616 | 455 | -161 |
| Олмазор тумани | 841 | 415 | -426 |
| Наманган шаҳри | 597 | 375 | -222 |
| Бухоро шаҳри | 625 | 346 | -279 |

2020 йил январь-март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг кўпи Чилонзор туманида – 572 та, Учтепа туманида - 567 та, Самарқанд шаҳрида - 536 тани ташкил этди. Юнусобод туманида – 533 та, Шайхонтоҳур туманида – 455 та, Олмазор туманида - 415 та, Наманган шаҳрида 375 та, Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 346 тани ташкил этди.

## Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори ўринга эга бўлган шаҳар ва туманлар, *бирликда*




## 2020 йилнинг январь-мартида Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони[1)] *(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.




[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда*

2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сонига кўра (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 29,9 бирлик, Навоий вилоятида 19,0 бирлик, Сирдарё вилоятида 18,9 бирлик, Жиззах вилоятида 16,4 бирлик, Тошкент вилоятида 15,6 бирлик, Бухоро вилоятида 15,3 бирлик, Фарғона вилоятида 12,5 бирликни ташкил этди. Сурхондарё вилоятида 8,8 бирликка тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони[1)]**
*(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.

[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда*

## Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони энг юқори бўлган туман ва шаҳарлар *(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*[1)]

2020 йил январь-март ойларида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) Яккасарай туманида 58,0 бирлик, Бектемир туманида – 53,6 бирлик, Миробод туманида - 45,5 бирликни ташкил этди. Чилонзор туманида ушбу кўрсаткич 39,5 бирлик, Гулистон шаҳрида - 38,5 бирлик, Томди туманида - 37,5 бирлик, Қоравулбозор туманида – 36,1 бирликни ташкил этди.

[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда*

**Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони**
*(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*[1)]

- **Энг юқори кўрсаткич** Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида 58,0 бирлик
- **Ўртача кўрсаткич** Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманида 14,6 бирлик
- **Энг паст кўрсаткич** Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида 6,1 бирлик

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки Яккасарой туманида товар ва хизматларга талаб юқори бўлганлиги учун тумандаги корхоналар сони юқори ва аксинча Нарпай туманида товар ва хизматларга талабнинг пастлиги сабабли, корхоналар сони ўзгармади ва энг паст даражага тушиб кетган.

**Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушининг пасайиш динамикаси, %да**

2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 45,5 % ни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-мартида 45,8 %). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади.

[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан биргаликда*

**Кичик тадбиркорликнинг улуши**
*(умумий ҳажмига нисбатан % да)*




Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улушининг энг кўп қисмини Жиззах (74,8 %), Самарқанд (68,9 %), Сурхондарё (67,4 %), Хоразм (65,9 %) ва Бухоро (65,1 %) вилоятлари ташкил этди. Навоий вилоятида ушбу кўрсаткич (20,9 %) энг паст бўлиб қолмоқда.

**Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича ЯҲМдаги улуши,** *% да*
*(январь-март ойларида)*



2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши, %
43,9 Қорақалпоғистон Респ.
68,9 Самарқанд
56,1 Андижон
67,4 Сурхондарё
65,1 Бухоро
59,3 Сирдарё
74,8 Жиззах
43,9 Тошкент
58,5 Қашқадарё
56,9 Фарғона
20,9 Навоий
65,9 Хоразм
65,0 Наманган
51,6 Тошкент ш.

## 2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликни ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимидаги улуши, % да

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Хизматлар* | *Инвестиция* |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **28,7** | **72,3** | **51,3** | **54,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 19,5 | 89,7 | 53,3 | 62,0 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 19,5 | 96,0 | 65,8 | 80,4 |
| Бухоро | 26,4 | 88,6 | 67,2 | 70,5 |
| Жиззах | 53,6 | 99,1 | 60,3 | 89,4 |
| Қашқадарё | 34,5 | 89,8 | 68,1 | 16,0 |
| Навоий | 8,9 | 72,7 | 58,7 | 24,0 |
| Наманган | 60,3 | 80,6 | 64,5 | 72,0 |
| Самарқанд | 51,3 | 95,8 | 69,7 | 72,1 |
| Сурхондарё | 40,5 | 83,6 | 71,3 | 78,3 |
| Сирдарё | 36,3 | 97,0 | 55,9 | 59,2 |
| Тошкент | 20,8 | 80,8 | 68,7 | 52,4 |
| Фарғона | 36,4 | 94,9 | 69,9 | 69,7 |
| Хоразм | 31,4 | 96,2 | 64,6 | 63,4 |
| Тошкент ш. | 51,0 | 75,1 | 45,6 | 59,5 |

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши энг кўп:

***Саноатда-***

**Наманган (60,3 %), Жиззах (53,6 %), Самарқанд (51,3 %), Тошкент ш. (51,0 %), Сурхондарё (40,5 %) ва Сирдарё (36,3 %) вилоятларида.**

***Қурилишда-***

**Жиззах (99,1 %), Сирдарё (97,0 %), Хоразм (96,2 %), Андижон (96,0 %), Самарқанд (95,8 %) ва Фарғона (94,9 %) вилоятларида.**

***Хизматларда-***

**Сурхондарё (71,3 %), Фарғона (69,9 %), Самарқанд (69,7 %), Тошкент (68,7 %), Қашқадарё (68,1 %) ва Бухоро (67,2 %) вилоятларида.**

**2020 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:**

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 23630,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 28,7 %);

– 18215,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 54,6 %) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 126,8 % ни ташкил қилди;

– 11172,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,3 %) бажарилди ва 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 107,1 % ни ташкил қилди;

– 25823,7 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 51,3 % и), 2019 йилнинг январь–мартига нисбатан ўсиш суръати 105,2 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,0 % и ёки 34104,6 млрд. сўмни (ўсиш 103,5 %) ташкил қилди;

– 923,2 млн. АҚШ доллар (умумий экспорт ҳажмининг 27,4 % и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 2,8 % га (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,9 % и) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 1,8 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,2 % и) кўпайиши таъминланди;



2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Наманган вилоятида – 84,1 %, Хоразм вилояти- 82,9 %, Самарқанд вилоятида – 74,9 %, Сурхондарё вилоятида – 73,4 %, Сирдарё вилоятида – 67,0 %, Жиззах вилоятида – 57,1 %, Фарғона вилоятида – 51,9 % ва Андижон вилоятида – 50,9 % ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 20,1 % ни ташкил этди.

**Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар) экспортининг жами экспортдаги улуши, % да**



## Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар) импортининг жами импортдаги улуши, % да




2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизмат) импортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Сурхондарё вилоятида – 96,1 %, Жиззах вилоятида - 96,0 %, Наманган вилоятида – 86,7 %, Самарқанд вилоятида – 77,8 %, Қашқадарё вилоятида – 76,4 %, Фарғона вилоятида – 70,9 %, Қорақалпоғистон Республикасида – 70,6 % га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич Андижон вилоятида – 13,0 % ни ташкил этди.

## 2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми




Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Тошкент шаҳри (7888,5 млрд. сўм), Тошкент (2891,0 млрд. сўм), Фарғона (1744,3 млрд. сўм), Самарқанд (1695,7 млрд. сўм), ва Андижон (1672,5 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятида (497,1 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст бўлиб қолмоқда.

## 2020 йилнинг январь-март ойларида жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Наманган вилояти (60,3 %), Жиззах вилояти (53,6 %), Самарқанд вилояти (51,3 %), Тошкент ш. (51,0 %), Сурхондарё вилояти (40,5 %), Фарғона вилояти (36,4 %), Сирдарё вилояти (36,3 %), Қашқадарё вилоятида (34,5 %), Хоразм вилояти (31,4 %), Бухоро вилояти (26,4 %), ҳиссасига тегишли. Навоий вилоятида (8,9 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.

## 2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати



Ҳудудлар бўйича энг кўп чакана товар айланмаси ҳажми Тошкент шаҳри (6357,0 млрд. сўм), Тошкент (3848,6 млрд. сўм), Андижон (2848,0 млрд. сўм), Фарғона (2778,9 млрд. сўм), Қашқадарё (2775,1 млрд. сўм) ва Самарқанд (2695,8 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2020 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Тошкент шаҳри (2496,1 млрд. сўм), Қашқадарё (950,3 млрд. сўм), Фарғона (939,1 млрд. сўм), Бухоро (813,9 млрд. сўм), Самарқанд (803,7 млрд. сўм), Тошкент (769,0 млрд. сўм), Андижон (759,8 млрд. сўм) ва Сурхондарё (703,2 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.

## 2020 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва суръати




Ҳудудлар бўйича энг юқори хизматлар ҳажми Тошкент шаҳри (7903,4 млрд. сўм), Тошкент (2487,3 млрд. сўм), Самарқанд (2246,5 млрд. сўм), Фарғона (2122,8 млрд. сўм), Андижон (1713,0 млрд. сўм), Қашқадарё (1543,9 млрд. сўм) ва Бухоро (1473,9 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2020 йилнинг I чорагида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш




Жорий йилнинг I чораги бўйича ўтказилган сўровномага асосан янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан билдирилган умумий иқтисодий ҳолат мезони (**қулай, қониқарли, қониқарсиз**) бўйича таҳлили:

Ушбу сўровномада 2458 та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 433 (17,6%) таси иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолади. 1674 (68,1%) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолаган бўлса, қолган 351 (14,3 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолаган 433 та субъектнинг 200 (46,2 %) таси савдо йўналиши, 70 (16,2 %) таси саноат йўналиши, 42 (9,7 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Андижон вилоятида 82 (18,9 %) таси, Тошкент вилоятида 56 (12,9 %) таси, Навоий вилоятида 53 (12,2 %) таси ва Самарқанд вилоятида 50 (11,5 %) таси иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган.



Иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган 1674 та субъектнинг 681 (40,7 %) таси савдо йўналиши, 297 (17,7 %) таси саноат йўналиши, 169 (10,1 %) таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси, 139 (8,3 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 394 (23,5 %) таси, Тошкент вилоятида 201 (12,0 %) таси, Самарқанд вилоятида 152 (9,1 %) таси, Андижон вилоятида 127 (7,6 %) таси ва Навоий вилоятида 115 (6,9 %) таси иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган 351 та субъектнинг 145 (41,3 %) таси савдо йўналиши, 62 (17,7 %) таси саноат йўналиши, 42 (12,0 %) таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 28 (8,0 %) таси қурилиш соҳаси ҳамда 22 (6,3 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳалари ҳиссасига тўғри келган.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 89 (25,4 %) таси, Наманган вилоятида 46 (13,1 %) таси, Сирдарё вилоятида 28 (8,0 %) таси, Самарқанд вилоятида 28 (8,0 %) таси, Сурхондарё вилоятида 23 (6,6 %) таси, Навоий вилоятида 22 (6,3 %) ва Жиззах вилоятларида 22 (6,3%) таси иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳоланган.

## 2020 йилнинг I чорагида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш




Жорий йилнинг I чораги бўйича ўтказилган сўровномага асосан фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан билдирилган умумий иқтисодий вазият мезони (**қулай, қониқарли, қониқарсиз**) бўйича таҳлили:

Ушбу сўровномада **15777** та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 4421 (28,0 %)таси иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолади. 10371 (65,7 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолади. Қолган 985 (6,2 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолаган 4421 та субъектнинг 1688 (38,2 %) таси савдо йўналиши, 823 (18,6 %) таси саноат йўналиши, 440 (10,0 %) таси қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Самарқанд вилоятида 617(14,0 %) та, Тошкент шаҳрида 530 (12,0 %) та, Фарғона вилоятида 503 (11,4 %) та ва Қашқадарё вилоятида 474 (10,7 %) таси қулай деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолаган 10371 та субъектнинг 3251 (31,3 %) таси савдо йўналиши, 1995 (19,2 %) таси саноат йўналиши, 1104 (10,6 %) таси қурилиш соҳаси, 987 (9,5 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.







Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 3090 (29,8 %) та, Тошкент вилоятида 1179 (11,4 %) та, Фарғона вилоятида 783 (7,5 %) та ва Андижон вилоятида 644 (6,2 %) та субъект иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган **985** та субъектнинг 254 (25,8 %) таси савдо йўналиши, 214 (21,7 %) таси саноат йўналиши, 112 (11,4 %) таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 103 (10,5 %) таси қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Бу ҳолат ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Тошкент шаҳрида 437 (44,4 %) таси, Тошкент вилоятида 84 (8,5 %) таси, Қашқадарё вилоятида 77 (7,8 %) таси, Фарғона вилоятида 69 (7,0 %) таси, Наманган вилоятида 58 (5,9 %) таси ва Навоий вилоятида 54 (5,5 %) та субъект қониқарсиз деб баҳоланган.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

**Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш** – унинг асосида корхона фаолиятини хар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

**Чакана савдо** – бу охирги фойдаланувчиларга товарлар ва хизматлар сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Улгуржи савдо** – бу катта миқдордаги товарларни сотишни ўз ичига олган иқтисодий фаолият.

**Товарларни реализация қилиш** – маҳсулотни самарали сотишга қаратилган ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

**Реклама** – бу харидорларнинг кенг доираси ўртасида маҳсулот тўғрисида маълумотни самарали тарқатиш усулига асосланган реклама воситасининг коммуникатив шакли.

**Таваккалчилик** – келажакда ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мумкин бўлган йўқотишлар.

**Бозор** – бу савдо операцияларини амалга ошириш муносабати билан турли шахслар ўртасида шаклланадиган муносабатлар тизими.

# IX. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**(Фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

**Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони**
*(1 апрель ҳолатига кўра, минг бирликда)*




Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Корхона ва ташкилотлар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

| | |
|---|---|
| **Рўйхатдан ўтган** | **440 879** |
| **Фаолият кўрсатаётган** | **415 330** |
| **Янги ташкил этилган** (2020 йил январь-март ойларида) | **24 084** |

**<u>Юридик шахс:</u>**

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **<u>юридик шахс</u>** ҳисобланади.

## Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони

*(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**245 127** — **Масъулияти чекланган жамият**

**32 834** — **Оилавий корхона**

**2 964** — **Унитар корхона**

**92 585** — **Хусусий корхона**

**679** — **Акциядорлик жамияти**

**3 900** — **Бошқалар**

*масъулияти чекланган жамият, минг бирлик*




*хусусий корхона, минг бирлик*




**Масъулияти чекланган жамият**

*Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.*

*Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.*

## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра)*







## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




# Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони**

*(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**Акциядорлик жамияти:**

Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият – акциядорлик жамияти ҳисобланади – акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони**

*(январь-март ойларида, минг бирликда)*




# Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони**
*(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)*




**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби**
*(2020 йил январь-март ойларида, умумий сонидаги улуши)*

2020 йилнинг январь-март ойларида 24,1 мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 15,7 мингта, хусусий корхоналар 3,4 мингта, оилавий корхоналар 4,1 мингта, муассасалар 0,4 мингта ва бошқалар 0,5 мингтани ташкил этди.

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар таркиби

*(1 апрель ҳолатига кўра)*

## Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 73,7 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,1 % га ошди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатда – 117,9 % га (жами саноатдаги улуши 94,6 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда – 123,9 % га (жами саноатдаги улуши 3,2 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 119,5 % га (жами саноатдаги улуши 0,6 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 111,6 % га (жами саноат-даги улуши 1,6 %) ўсишидир.

# Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 37,5 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 118,9 % га ошди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили бино ва иншоотлар қуришда – ўтган йилга нисбатан 118,6 % га (жами қурилишдаги улуши 60,8 %), фуқаролик объектларини қуриш – 110,9 % га (жами қурилишдаги улуши 8,5 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишларининг – 121,8 % га (жами қурилишдаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

## Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташки-лотлар сони 108,6 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,0 % га ошди.

Жами савдо корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайиши-нинг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 129,5 % га (жами савдодаги улуши 62,0 %), автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 131,4 % га (жами савдодаги улуши 30,0 %), автомобил ва мотоцикларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлашнинг ўтган йилга нисбатан – 129,1 % га (жами савдодаги улуши 8,0 %) ўсишидир.

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**7 771**
**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият**

**228**
**Яшаш учун жой билан таъминлаган ҳолда парваришлаш**

**222**
**Яшаш учун жой билан таъминламаган ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиш**

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**2 514**
Яшаш бўйича хизматлар

**24 334**
Озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 26,8 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123,8 % га ошди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар – 121,7 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 90,6 %), яшаш бўйича хизматларнинг – 148,6 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 9,4 %) ўсишидир.

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**
*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташки-лотлар сони 8,2 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,3 % га ошди.

Жами ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташки-лотлар сони кўпайишининг асосий омили кино – видео-фильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусиқали ёзувларни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар ўтган йилга нисбатан – 107,9 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 6,1 %), ахборот соҳа-сидаги хизматлар ўтган йилга нисбатан 120,2 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 15,0 %), нашриётчилик хизматлари ўтган йилга нис-батан – 114,2 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 15,7 %), дастурлар тузиш ва телерадио эшит-тиришлар бўйича хизматлар – 94,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 2,1 %), компьютер дастур-лаштириш хизматлари ўтган йилга нисбатан – 119,5 % га (жами ахборот ва алоқа соҳа-сидаги улуши 30,4 %), теле-коммуникация хизматларининг – 109,9 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 30,7 %) ўсишидир.

## Оилавий корхоналар сони
*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 32,8 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 13,4 мингтага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 30,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 12,3 мингтага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 4,1 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 863 тага ёки 26,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.

## Масъулияти чекланган жамиятлар сони
*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

Ташкилий - ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 245,1 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 49,9 мингтага ёки 125,5 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 231,9 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 44,9 мингтага ёки 124,0 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 15,7 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 3,6 мингтага ёки 19,6 % га камайган.



**Хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра 11,4 мингтани ташкил этиб, улардан 10,9 мингтаси ёки 95,5 %и фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 2,9 мингтага ёки 33,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-март ойларида Республикамизда 668 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони**
*(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-март ойларида, бирликда)*



**Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




*Ҳудудлар кесимида қаралганда, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сонининг асосий қисми Тошкент шаҳри (87 316 та), Тошкент (40 407 та), Фарғона (36 274 та), Самарқанд (33 237 та) ва Андижон (32 000 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.*

**Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

| | *Жами* | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхона* | *хорижий корхона* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **10 903** | **5 292** | **5 611** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | **160** | 91 | 69 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | **316** | 168 | 148 |
| Бухоро | **284** | 155 | 129 |
| Жиззах | **187** | 122 | 65 |
| Қашқадарё | **205** | 149 | 56 |
| Навоий | **221** | 138 | 83 |
| Наманган | **236** | 156 | 80 |
| Самарқанд | **528** | 367 | 161 |
| Сурхондарё | **380** | 122 | 258 |
| Сирдарё | **168** | 110 | 58 |
| Тошкент | **1 217** | 627 | 590 |
| Фарғона | **429** | 286 | 143 |
| Хоразм | **150** | 92 | 58 |
| Тошкент ш. | **6 422** | 2 709 | 3 713 |

**Ўзбекистон Республикасида МДҲ давлатларининг капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**

*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

| | *Жами* | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхона* | *хорижий корхона* |
| Россия Федерацияси | **1 944** | **1 163** | **781** |
| Қозоғистон Республикаси | 855 | 430 | 425 |
| Озарбайжон Республикаси | 191 | 66 | 125 |
| Қирғиз Республикаси | 168 | 93 | 75 |
| Тожикистон Республикаси | 163 | 93 | 70 |
| Туркманистон Республикаси | 155 | 65 | 90 |
| Украина Республикаси | 125 | 71 | 54 |
| Беларус Республикаси | 77 | 52 | 25 |
| Арманистон Республикаси | 34 | 20 | 14 |
| Молдова Республикаси | 22 | 8 | 14 |

Ўзбекистон МДҲ доирасида амалдаги ўзаро савдо тартибини ёмонлаштирмайдиган тамойилларга асосланган, тўлақонли эркин савдо ҳудудини ташкил этиш тарафдоридир. Бу МДҲ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МДҲ давлатларининг капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони ошиб бораётганини инобатга олганда уларнинг асосий улуши (жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга нисбатан) Россия Федерацияси 17,8 %, Қозоғистон Республикаси 7,8 %, Озарбайжон Республикаси 1,7 %, Қирғиз Республикаси 1,5 % ва Тожикистон Республикалари 1,5 % га тўғри келмоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича сони**
*(2020 йил январь-март ойларида, бирликда)*

2020 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар ҳудудлар кесимида тақсимланганда Тошкент шаҳри (19,2 %), Самарқанд (9,7 %), Тошкент (9,5 %), Андижон (7,8 %), Хоразм (6,9 %), Фарғона (6,2 %), Наманган (6,9 %), Қашқадарё (5,3 %), Жиззах (4,0 %), Навоий (5,2 %), Бухоро (5,5 %), Сирдарё (4,3 %), Сурхондарё (5,5 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (4,0 %) улушга эга.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




**Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида сони**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият-ларнинг ҳудудлар кесимида жамидаги улуши Тошкент шаҳрида 26,5 %, Тошкент 10,7 %, Андижон 8,5 %, Самарқанд 7,1 %, Фарғона 6,9 %, Бухоро 6,5 %, Наманган 6,4 %, Қашқадарё 4,7 %, Жиззах 4,0 %, Хоразм 3,6 %, Сирдарё 3,6 %, Сурхондарё 3,5 %, Навоий 3,4 % вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 4,6 % ни ташкил этади.

**Ҳудудлар кесимида жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг қўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, жамига нисбатан улуши % да)*




2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш** ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

## Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони

*(2020 йил январь-март ойларида, бирликда)*

2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар ҳудудлар кесимида тақсимланганда Самарқанд (18,9 %), Хоразм (15,9 %), Андижон (10,1 %), Навоий (7,8 %), Сурхондарё (8,8 %), Тошкент (8,3 %), Тошкент шаҳри (4,4 %), Қашқадарё (4,8 %), Бухоро (4,9 %), Сирдарё (2,3 %), Наманган (2,4 %), Жиззах (3,0 %), вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,1 %) ўз улушига эга.

## Ҳудудлар кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони

*(2020 йилнинг январь-март ойларида, бирликда)*

*Ўтган йилга нисбатан % да*

# Корхона ва ташкилотлар фаолиятининг умумий тавсифи

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри** - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

**Рўйхатга олинган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

**Фаолият кўрсатаётган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

**Янги ташкил этилган** - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

**Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси** - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Кичик корхона ва микрофирмалар** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.**

# X. ХИЗМАТЛАР

**2020 йил январь-март ойларида**
**хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари**

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми - 50 365,7 млрд. сўм

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръатлари - 109,9 %

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар улуши - 65,7 %

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми - 1 482,6 минг сўм

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръатлари - 107,8 %

Бугунги кунда мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини баҳолашда хизматлар соҳасининг кўлами, таркиби ва ривожланиш даражаси алоҳида ўрин тутади.

Хизматлар соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши, миллий даромадларнинг ошишини таъминловчи ҳамда аҳоли учун муносиб турмуш даражасини таъминлашнинг ҳал қилувчи омилидир. Хизматларнинг юқори сифати ва хилма-хиллиги ходимларнинг меҳнат самарадорлигини оширади, истеъмол харажатларини камайтиради, вақтни тежалишига олиб келади ҳамда бўш вақт самарадорлигини оширади.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*

| | |
|---|---|
| Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони | 272 721 бирлик |
| Уларнинг умумий сонидаги улуши | 65,7 % |
| Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари | 118,1 % |

Хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган турли хил фаолият турларини ўз ичига олади. Мазкур соҳа халқаро корпорациялар, банклар, авиакомпаниялар, компьютер марказлари, телекоммуникациялар, суғурта, юридик ва консалтинг фирмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, нотижорат ташкилотларни қамраб олади.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркиби, % да**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши сезиларли даражада салмоқлидир. Шундай қилиб, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, у 65,7 % ни ташкил этди.

*Таққослаш учун*: кузатилаётган даврда саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши - 17,7 %, қурилиш - 9,0 % га етди ва атиги 7,6 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳаси ҳиссасига тўғри келди.

Ҳозирги кунда интеллектуал инсон меҳнати ўзига хос ривожланиш ва аҳамият касб этмоқда, унинг бўлиниши махсус илмий тайёргарликни, кўп сонли иш ўринларини, одамларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини юқори даражадаги интеграциялашувини ва ижтимоий фаровонликни оширишни талаб қиладиган кўплаб мутахассислик ва касбларни яратмоқда.

Ушбу тенденциялар хизматлар соҳаси ва бошқарув билан бевосита боғлиқ бўлиб, инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига нисбатан унинг жадал ўсишини белгилайди. Масалан, иқтисодиётнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларига қараганда, юқори даромадлилиги билан тавсифланади. Шу билан бирга, хизматлар рўйхати доимий равишда кенгайиб бормоқда.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, % да**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (39,8 %) юқоридир. Бунинг сабаби ушбу фаолиятнинг юқори даромадлилиги ва кетган харажатларни тез қоплай олишида.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг улуши 9,9 % га тенгдир. Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг улуши 5,8 % га етди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,0 % ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 3,0 % ни ташкил қилади.

***Маълумот учун:*** *2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида 230,9 мингта корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган.*

***Маълумот учун:*** *2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий таркибида энг катта қисмини савдо хизматлари (36,2 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (9,4 %), ташиш ва сақлаш (6,1 %), ахборот ва алоқа (3,1 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (3,0 %) ва бошқа турдаги хизматлар (42,2 %) ташкил этган.*

Кичик тадбиркорлик субъектлари миллий иқтисодиётнинг ажралмас ва муҳим бўлагига айланди, кўплаб иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, хизматларни ривожлантириш, инсонларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун етакчи кучга айланди.

**2020 йил 1апрель ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши, % да**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонидан 77,3 % и кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, йирик ташкилотлар улуши 22,7 % га етди.

Кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ўсиши хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*



2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 39 879 тага кўпайди.

Натижада, уларнинг сони 210 933 тани ташкил этди, уларнинг ўсиши эса 23,3 % га ошди. Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида хизматлар соҳасида банд бўлганларнинг улуши 59,9 % га етди.

***Таққослаш учун:*** *ўтган йилнинг шу даврида хизматлар соҳасида банд бўлган кичик корхона ва ташкилотлар сонининг улуши 59,1 % еквивалентида қайд этилди.*

Инвестиция фаолияти – мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим элементидир. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳити учун барча шароитлар яратилмоқда, хорижий сармоядорлар учун кенг қамровли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар тизими амал қилмоқда ва такомиллаштирилмоқда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар соҳасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, % да**
*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

2020 йилнинг январь-март ойларида хизматлар соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши умумий инвестиция ҳажмининг 22,4 % и ни ташкил этди ва 7 468,4 млрд. сўмга тенг бўлди.

Хизматлар соҳасида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида ташиш ва сақлаш (19,0 %), савдо (18,8 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (11,0 %), шунингдек, ахборот ва алоқа (6,0 %) улуши устунлик қилади.

Хизматлар соҳаси хизматларнинг табиати, уларнинг мақсади, фаолият турлари ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли турли хил функцияларга, манбаларга, уланишларга эга бўлган мураккаб ва ўзига хос ижтимоий-иқтисодий тизимдир.

## Ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 50 365,7 млрд. сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 9 078,6 млрд. сўмга ошди. Таққослама эквивалентда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 109,9 % ни ташкил этди.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

## Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмини таққосланиши, трлн. сўм




2020 йилнинг январь ойига нисбатан жорий йилнинг март ойида (дискрет ой) кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 0,8 трлн. сўмга ошди ва 17,1 трлн. сўмга етди.

*Таққослаш учун:* ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг ҳажми 1,0 трлн. сўмга ўсган ва 14,5 трлн. сўмга тенг бўлган.

2020 йилнинг биринчи дискрет чораги якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 50,4 трлн. сўмни ташкил этди, 2019 йилнинг биринчи дискрет чорагига нисбатан (41,3 трлн. сўм), ҳажми 9,1 трлн. сўмга ошди.

*Таққослаш учун:* 2019 ва 2018 йилнинг биринчи дискрет чораклар ўртасидаги фарқ 7,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний ва юридик шахсларнинг хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, хизматлар соҳасини ҳудудларда муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминламасдан туриб, республика иқтисодиётининг йирик тармоғи сифатида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб бўлмайди.

Хизматларнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши энг аҳамиятли бўлиб, 34,4 % ни ташкил этади. Бу аҳолининг реал даромадлари бошқа вилоятлардан кўра юқорироқ эканлиги билан изоҳланади.

**Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари таркиби, % да**
*(2020 йил январь-март ойларида)*



Энг катта улуш Тошкент (7,2 %), Самарқанд (6,4 %), Фарғона (6,0 %) ва Андижон (5,2 %) вилоятларида қайд этилди.

Хизматлар соҳасининг нисбатан паст кўрсаткичлари Сирдарё (1,4 %), Жиззах (2,2 %), Навоий (2,6 %), Хоразм (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,0 %) кузатилди.

***Маълумот учун:*** *2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 32,7 % ни ташкил этган.*

*Сирдарё вилоятининг улуши эса энг паст - 1,4 % ни кўрсатган.*

**Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да**

*(2020 йил январь-март ойларида)*

Ушбу даврда юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (113,9 %), Жиззах (112,8 %), Андижон (111,1 %), Навоий (111,0 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (112,7 %) қайд этилди.

Нисбатан паст ўсиш суръатлари Фарғона (108,1 %), Сурхондарё ва Наманган (108,2 %) ва Тошкент (108,5 %) вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (107,9 %) кузатилди.

Замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари, миллий ва маҳаллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, республиканинг ҳар бир иқтисодий тумани ва вилоятларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Кўрилаётган даврда ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу ҳудудда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 3 816,1 млрд. сўмга ошди ва 17 322,1 млрд. сўмга етди.

**Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш**

*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

| | *Жами* | | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* | *жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да* | *минг сўм* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
| **Ўзбекистон Республикаси** [1] | **50 365,7** | **109,9** | **100,0** | **1 482,6** | **107,8** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 492,7 | 107,9 | 3,0 | 785,2 | 106,3 |
| *вилоятлар:* | | | | | |
| Андижон | 2 604,6 | 111,1 | 5,2 | 831,2 | 108,9 |
| Бухоро | 2 194,0 | 109,7 | 4,3 | 1 138,8 | 108,0 |
| Жиззах | 1 127,5 | 112,8 | 2,2 | 813,9 | 110,3 |
| Қашқадарё | 2 268,0 | 109,8 | 4,5 | 690,0 | 107,6 |
| Навоий | 1 290,4 | 111,0 | 2,6 | 1 291,9 | 109,0 |
| Наманган | 2 005,5 | 108,2 | 4,0 | 712,1 | 105,9 |
| Самарқанд | 3 224,7 | 109,7 | 6,4 | 830,0 | 107,5 |
| Сурхондарё | 1 993,3 | 108,2 | 4,0 | 756,5 | 105,8 |
| Сирдарё | 728,2 | 113,9 | 1,4 | 858,7 | 111,7 |
| Тошкент | 3 621,5 | 108,5 | 7,2 | 1 229,0 | 106,9 |
| Фарғона | 3 035,8 | 108,1 | 6,0 | 807,6 | 106,1 |
| Хоразм | 1 512,5 | 109,0 | 3,0 | 809,1 | 107,2 |
| Тошкент шаҳри | 17 322,1 | 112,7 | 34,4 | 6 715,8 | 110,0 |

[1] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда*

Шу билан бирга, нисбатан юқори кўрсаткичлар Тошкент (3 621,5 млрд. сўм), Самарқанд (3 224,7 млрд. сўм), Фарғона (3 035,8 млрд. сўм) ва Андижон (2 604,6 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди.

Маълумки, хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлигини, янги хўжалик ҳудудларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва моддий маҳсулотлар истеъмолини оширишни таъминлайди.

## Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари

2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1 482,6 минг сўмга етди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 107,8 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган турли хил фаолият турларини ўз ичига олади. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси нафақат корхоналарга, балки жисмоний шахсларга - якуний истеъмолчиларга ҳам тақдим этиладиган тайёр маҳсулот эмас, балки хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

## Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига, хизмат турлари бўйича мутлоқ таъсири, ф.п.



Кўрсатилган бозор хизматлари жами ҳажмининг ўсишидаги асосий омил молиявий хизматлар 36,6 % га (кўрсатилган хизматлар жами ҳажмининг мутлоқ ўсишига таъсири 6,6 % пункт), савдо хизматлари 4,4 % га (мутлоқ ўсишига таъсири 0,9 % пункт), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 17,9 % га (мутлоқ ўсишига таъсири 0,9 % пункт), транспорт хизматлари 3,1 % га (мутлоқ ўсишига таъсири 0,7 % пункт), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг 16,2 % га (мутлоқ ўсишига таъсири 0,2 % пункт) ўсиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор муносабатлари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиши шароитида хизматлар соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш**

*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

| | *Млрд. сўм* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* | *Жамига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Хизматлар – жами** | **50 365,7** | **109,9** | **100,0** |
| *шу жумладан асосий турлари бўйича:* | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 2 891,9 | 117,9 | 5,7 |
| молиявий хизматлар | 10 308,3 | 136,6 | 20,5 |
| транспорт хизматлари | 13 335,2 | 103,1 | 26,5 |
| шу жумладан: автотранспорт хизматлари | 6 287,2 | 104,2 | 12,5 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 1 391,0 | 98,2 | 2,8 |
| савдо хизматлари | 12 335,5 | 104,4 | 24,5 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар | 1 527,9 | 101,8 | 3,0 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 2 061,4 | 106,3 | 4,1 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 787,5 | 116,2 | 1,6 |
| ижара хизматлари | 1 078,0 | 105,2 | 2,1 |
| компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар | 805,1 | 106,0 | 1,6 |
| шахсий хизматлар | 1 245,8 | 103,1 | 2,5 |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 921,8 | 100,8 | 1,8 |
| бошқа хизматлар | 1 676,3 | 103,3 | 3,3 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларни ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромад даражаси, диди ва хоҳиш-истакларига қараб дифференцияланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан % да**
*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (136,6 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (117,9 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (116,2 %), шунингдек, таълим соҳасидаги хизматларда (106,3 %) қайд этилди.

Юқори бўлмаган ўсиш меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларда (0,8 %), шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларда (1,8 %) белгиланди. Ўсиш суръатларининг пасайиши яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (- 1,8 %) кузатилди.

Ҳозирги вақтда республикамиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва мамлакатда юклар ва йўловчиларни барча йўналишларда ва транспортнинг барча турларида ташиш эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятларга эга.

Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши, юк ва йўловчиларни ташиш хизматларига талабнинг ошиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида туристик фаолиятнинг жадал ривожланиши, савдо тармоғининг кенгайиши, қурилиш лойиҳалари ҳажмини янада кенгайтиришга, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, шунингдек, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ.

**Транспорт турлари бўйича транспорт хизматларининг таркиби, % да**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Автомобиль транспорти хизматларининг улуши 47,1 % ни ташкил этди.

Транспорт хизматларида қувур йўли орқали кўрсатилган транспорт хизматларининг ҳажми 19,7 % ни ташкил этди.

Ўз навбатида, транспорт хизматлари умумий ҳажмида темир йўл транспорти орқали кўрсатилган хизматлар 14,9 % га етди.

Ҳаво транспорти орқали кўрсатилган юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларнинг улуши 10,9 %, ёрдамчи транспорт фаолияти эса – 7,4 % ни қайд этди.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи савдо соҳаси ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди, шунингдек, товарларни ишлаб чиқариш ҳажми ва таркибига, уларнинг турларини яхшиланишига ва сифатини ошишига сезиларли таъсир кўрсатади.

2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмидаги савдо хизматларининг улуши 24,5 % ни ташкил этиб, бу 12 335,5 млрд. сўмга тенг бўлди.

**Савдо хизматлари таркиби, % да**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Жорий даврда чакана савдо хизматлари улуши умумий савдо хизматлари ҳажмининг қарийб тўртдан уч қисмига аниқроғи 67,9 % га тўғри келади.

Улгуржи савдо хизматларининг улуши (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) 24,4 % га етди. Автомобиллар ва мотоцикларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан, автомобиллар ва мотоцикларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда, савдо хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 7,7 % ни ташкил этди.

## Молиявий хизматлар
*(2020 йил январь-март ойларида)*

2020 йил январь-март ойларида молиявий хизматлар ҳажми 10 308,3 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 532,0 млрд. сўмга ошди. Молиявий хизматларнинг ўсиши 36,6 % ни ташкил этди.

Замонавий банк хизматларини тақдим этиш учун шарт-шароитлар яратишда, инновацион банк технологияларининг жорий этилиши орқали чакана хизматларни кўрсатишга ихтисослашган “рақамли” банклар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, масофадан туриб банк хизматларини такомиллаштириш ва тўлов тизимини янада ривожлантириш, молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

## Молиявий хизматлар таркиби
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг улуши 92,9 % ни ташкил этади.

Жорий даврда суғурта хизматларининг улуши 3,8 % оралиғида қайд этилди.

Молиявий ва суғурталаш хизматларига нисбатан ёрдамчи хизматларнинг умумий молиявий хизматлар ҳажмидаги улуши юқори кўрсаткичга эга эмас ва у 3,3 % ни ташкил этади.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида компьютер ва телекоммуникация технологияларини ишлаб чиқариш, дастурий таъминотни ишлаб чиқариш ва кенг интерфаол хизматларни тақдим этишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) сектори тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, АКТ ривожланиши мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига бевосита таъсир қилади, сизга катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва умумлаштиришга имкон беради, стратегик даражада бошқарув учун катта имкониятлар очади.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

2020 йил январь-март ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 2 891,9 млрд. сўм даражасида белгиланди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу турдаги хизматларнинг ўсиш суръати 117,9 % га етди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмдаги улуши 5,7 % ни ташкил этди.

АКТдан фаол фойдаланиш инфратузилмаси юқори кадрлар салоҳияти ва янги кўринишдаги техника ва технологияларга асосланган. Бу иш инсонларнинг турмуш даражасини сифатини яхшилашга асосланган, уларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш, давлат бошқарувида энг янги технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

**Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг таркиби, % да**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида энг катта улушни телекоммуникация хизматлари (симли ва мобиль алоқа хизматлари, Интернет тармоғи, йўлдошли алоқа хизматлари ва бошқалар) эгаллаб, 80,2 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг умумий ҳажмдаги улушини компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш хизматлари ва бошқа ёрдамчи хизматлар - 7,2 %, ноширлик хизматлари - 5,2 %, бошқа алоқа хизматлари - 4,5 % ва ахборот соҳасидаги хизматлар - 2,9 % ни ташкил этди.

Маълумки, фуқароларни сифатли ва арзон нархлардаги таълим билан таъминлаш, жамият тараққиётини, унинг келажагини аниқ белгилаб берадиган вазифадир.

Мамлакатимизда бу соҳа нафақат давлат сиёсатининг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири сифатида қаралибгина қолмай, балки улкан ютуқларни ҳам намойиш этмоқда.

Бугунги кунда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод методик материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Таълим соҳасидаги хизматлар**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

2020 йил январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 2 061,4 млрд. сўмга етиб, бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 4,1 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 106,3 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳажми, млрд. сўм**
*(2020 йил январь-март ойларида)*



Таълим соҳасидаги хизматларнинг юқори ҳажми Самарқанд (188,2 млрд. сўм), Бухоро (135,0 млрд. сўм), Тошкент (133,3 млрд. сўм), Фарғона (120,4 млрд. сўм) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (833,7 млрд. сўм) қайд этилди.

Нисбатан паст кўрсаткичлар Сирдарё (34,9 млрд. сўм), Навоий (49,7 млрд. сўм), Жиззах (50,2 млрд. сўм), ва Сурхондарё (65,1 млрд. сўм) вилоятларида белгиланди.

*Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми қуйидагиларни ўз ичига олади:*

*қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа турар жойлар) қиймати;*

*озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари, овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қиймати.*

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати атиги 98,2 % ни ташкил этди, уларнинг ҳажми эса 167,8 млрд. сўмга ошди ва 1 391,0 млрд. сўмга етди.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг умумий ҳажмида, озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматларнинг улуши 79,6 % билан устунлик қилади.

2020 йил январь-март ойларида яшаш бўйича хизматлар улуши 20,4 % ни ташкил этди.

Бугунги кунда республиканинг барча ҳудудларида ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида кардиология, хирургия, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, фтизиатрия ва пулмонология, акушерлик ва гинекология, педиатрия ва бошқа соҳаларда юқори сифатли тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

2020 йил январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг ҳажми 193,7 млрд. сўмга ошди ва 787,5 млрд. сўмга етди.

Хизматлар умумий ҳажмида уларнинг улуши 1,6 % ни ташкил қилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 116,2 % ни ташкил этди.

Келажакда хизматлар соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, самарали бандликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг долзарб масаласидир.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатида ахборот ва алоқа хизматлари (мобиль алоқа, Интернет, рақамли телевидения ва бошқалар) каби замонавий хизмат турларини, шунингдек, замонавий молиявий хизмат турларини (банк хизматлари, лизинг, суғурта, аудит, консалтинг ва бошқалар) ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш кўрсаткичидир, чунки хизматлар бозори ривожланишига таъсир қилувчи ҳал қилувчи омил, аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражасининг ўсиши ҳисобланади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Хизматлар** истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

**Хизматнинг ўзига хос хусусияти,** хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз, ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, хизматлар бозор учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳисобланади.

**“Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи** - маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

**Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми,** бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

**Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар** нақд пул, шу жумладан пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Норезидентларга кўрсатилган хизматлар** (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган, шартнома нархлари бўйича аниқланади.

**Электрон тўловлар –** техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

**Электрон пуллар –** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

**Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш,** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

**Бозор хизматлари ҳажми** МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Амалдаги нархларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ишлаб чиқариш мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Молиявий хизматлар** Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, мобиль-банкинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилик хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар киради.

Амалдаги нархларда молиявий хизматларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдорида) ҳисобга олинади. Чет эл валютасида келиб тушадиган фоизли даромадлар ҳисобот давридаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли курси бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва сўмда акс эттирилади.

**Транспорт хизматлари** транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек, транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан логистик хизматларни ўз ичига олади.

Амалдаги нархларда транспорт хизматларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида почта ва курьерлик фаолиятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳажми ҳисобга олинади.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

**Савдо хизматлари** улгуржи ва чакана хизматларини бирлаштириб, шунингдек, бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобиль ва мотоцикларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

**Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни** кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

**Таълим соҳасидаги хизматлар** олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар** стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пул асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

**Ижара хизматлари** бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

**Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар** ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

# XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

## Транспортнинг барча турлари бўйича юк ташиш

## Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчилар ташиш

**Жами - 1 368,2 млн. йўловчи**

ўсиш суръати 103,2 %

**Битта йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 22,6 километрни ташкил қилди**

## Алоқа ва коммуникация соҳаси

**Алоқа хизматлари таркиби**

**Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан транспорт салоҳиятига эга бўлиб, мавжуд йўналишларда транспортнинг барча турларида юклар ва йўловчиларни ташишда мамлакатнинг эҳтиёжларини қондириш учун имкониятларга эга.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра транспорт соҳасида қарийб 15 765 та корхона ва ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 1 741 бирликка кўпайди, ўсиш 12,4 % ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 660 бирликни ташкил этди. 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан бу кўрсаткич 219 бирликка кам бўлиб, унинг даражаси эса 24,9 % га пасайди.

2020 йилнинг январь-март ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 268,0 млн. тонна юклар ташилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 105,1 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юк айланмаси 16,8 млрд. т-кмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 0,6 % га юқори бўлди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси**

| | *2020 йил январь-март* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|
| **Транспортда ташилган юклар, *млн. т*** | **268,0** | **105,1** |
| темир йўл транспорти | 17,1 | 100,9 |
| автомобиль транспорти | 232,3 | 105,8 |
| ҳаво транспорти, минг т | 1,2 | 64,5 |
| қувур транспорти | 18,6 | 99,8 |

*давоми*

| | *2020 йил январь-март* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|
| **Транспорт юк айланмаси, *млн. т-км*** | **16 836,0** | **100,6** |
| темир йўл транспорти | 5 500,5 | 102,1 |
| автомобиль транспорти | 2 917,4 | 104,8 |
| ҳаво транспорти | 20,3 | 94,6 |
| қувур транспорти | 8 397,8 | 98,2 |

***Маълумот учун:*** *2020 йил январь-март ойларида Қозоғистон корхона ва ташкилотлари томонидан 843,9 млн. тонна юк ташилган.*

Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (232,3 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур транспорти орқали 18,6 млн. тонна газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали – 17,1 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида – 1,2 минг тонна қайд этилди.

Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 86,6 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 13,4 % га тўғри келади.



2019 йилнинг мос даврига нисбатан жорий йилнинг январь-март ойларида ҳаво йўли (64,5 %) ва қувур йўли (99,8 %) транспортларининг юк ташиш ҳажми камайиши таъсирида жами юк ташишнинг ўсиш суръати 0,4 ф.п. га пасайди.

Жорий даврда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳаво йўли (94,6 %) ва қувур йўли (98,2 %) транспортларининг юк айланмаси ҳажмлари камайиши таъсирида жами юк айланмасининг ўсиш суръати 3,0 ф.п. га пасайиши кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан транспортнинг барча турлари бўйича юк айланмаси ҳажми 94,4 млн. т-кмга ўсиш кузатилди. Бу асосан автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келди, уларнинг юк айланмаси ҳажми 134,6 млн. т-кмга ошди.

Жами юк ташиш айланмасида ҳаво транспортининг улуши нисбатан сезиларсиз (0,1 %) бўлиб, юк ташиш айланмаси ҳажми 20,3 млн. тонна-кмни ташкил этди, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 % га пасайиши кузатилди.

Шу билан бир қаторда, темир йўл транспорти юк айланмаси ҳажми 5 500,5 млн. т-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,4 млн. т-кмга ёки 2,1 % га ўсиш кузатилди.

***Маълумот учун:*** *Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон, шунингдек, Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон-Афғонистон йўналишлари бўйича тўғридан-тўғри контейнер поездларининг темир йўл орқали ташишида иштирок этди.*

2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, автомобиль транспорти юк айланмаси ҳажми 2 917,4 млн.т-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,6 млн. т-кмга ёки 4,8 % га ошган.

Шунингдек, шу даврда қувур йўли транспорти юк айланмаси ҳажми 8 397,8 млн. т-км белгиланди, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 153,4 млн. т-кмга ёки 1,8 % га камайиш кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида умумий юк айланмаси ҳажмида энг юқори улуш қувур транспортига – 49,9 % га тўғри келди. Шу жумладан темир йўл транспорти улуши – 32,7 %, автомобиль транспорти – 17,3 % ва ҳаво транспорти – 0,1 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан жами юк айланмаси умумий ҳажмидаги транспортнинг баъзи турлари улушларида ўзгариш кузатилмоқда. Булардан автомобиль транспорти – 0,7 % га, темир йўл транспорти 0,5 % га кўтарилиб, қувур транспорти эса – 1,2 % га пасайди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

| | *2020 йил январь-март* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|
| **Транспортда ташилган йўловчилар, *млн. киши*** | **1 368,2** | **103,2** |
| темир йўл транспорти | 4,2 | 81,0 |
| автомобиль транспорти | 1 343,4 | 103,3 |
| ҳаво транспорти | 0,6 | 83,4 |
| шаҳар электр транспорти | 20,0 | 102,8 |
| *шундан:* | | |
| метрополитен | 19,3 | 106,0 |
| трамвай | 0,5 | 48,5 |
| троллейбус | 0,2 | 99,8 |
| **Транспорт йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи-км*** | **30 988,2** | **100,6** |
| темир йўл транспорти | 946,0 | 92,3 |
| автомобиль транспорти | 27 939,2 | 102,5 |
| ҳаво транспорти | 1 956,1 | 82,4 |
| шаҳар электр транспорти | 146,9 | 102,3 |
| *шундан:* | | |
| метрополитен | 140,8 | 106,0 |
| трамвай | 1,9 | 28,3 |
| троллейбус | 4,2 | 99,8 |

***Маълумот учун:*** *Қозоғистонда йўловчилар ташиш кўрсаткичи 5 386,6 млн. йўловчига тенг бўлди.*

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,2 % ни ташкил этади.




Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 % га ошиб, 1 368,2 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 31,0 млрд. йўловчи-кмга етиб, 0,6 % га ўсди.



Йўловчи айланмаси бўйича нисбатан юқори ўсиш суръатлари автомобиль транспортида – 102,5 % ва электр транспортида – 102,3 % кузатилди.

### Темир йўл транспорти

2020 йил январь-март ойларида магистрал темир йўл транспорти орқали 17,1 млн. тонна юк ташилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 100,9 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан темир йўл транспорти юк айланмаси 114,4 млн. тонна-кмга ошиб, 5 500,5 млн. тонна-кмга етди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 78,4 млн. йўловчи-кмга камайиб, 946,0 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

**Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши**




***Таққослаш учун:*** *2019 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, темир йўл транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 97,8 %, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 100,8 % га тенг бўлган.*

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 187,8 минг тоннани ташкил этди ёки 2019 йилга нисбатан 0,9 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 321,8 кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 1,2 % га ўсиши кузатилди.

**Магистрал темир йўл транспортида ортилган асосий турдаги юклар кўрсаткичи**
*(2020 йил январь-март ойлари учун)*

| | *Ҳажми, минг тонна* | *Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да* | *2019 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Юклар – жами** | **17 093,6** | **100,0** | **100,9** |
| *шундан:* | | | |
| кўмир | 1 229,4 | 7,2 | 110,4 |
| нефть юклари | 1 550,6 | 9,1 | 107,1 |
| турли рудалар | 1 598,1 | 9,3 | 120,4 |
| қора металлар | 255,1 | 1,5 | 89,1 |
| қора металл парчалари | 188,3 | 1,1 | 88,7 |
| кимёвий ва минерал ўғитлар | 976,4 | 5,7 | 93,9 |
| қурилиш юклари | 988,1 | 5,8 | 81,3 |
| цемент | 1 113,0 | 6,5 | 95,4 |
| ёғоч юклари | 19,4 | 0,1 | 259,0 |
| пахта толаси | 36,1 | 0,2 | 36,6 |
| дон ва ёрмалар | 385,5 | 2,3 | 121,8 |
| картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар | 50,4 | 0,3 | 97,2 |
| бошқа юклар | 8 703,2 | 50,9 | 100,6 |

2020 йилнинг январь-март ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти орқали ташилган юк турларининг 2019 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатлари ёғоч юклари (259,0 %), дон ва ёрмалар (121,8 %), турли рудалар (120,4 %), кўмир (110,4 %) ва нефть юкларида (107,1 %) кузатилди. Шу жумладан, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан кўрилганда пахта толаси (36,6 %), қурилиш юклари (81,3 %), қора металл парчалари (88,7 %), қора металлар (89,0 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (93,9 %), цемент (95,4 %), картошка, полиз маҳсулотлари ва ҳўл мевалар (97,2 %) камроқ жўнатилгани кузатилди.

Темир йўли транспортида ташилган жами юк ҳажмида энг юқори улуш турли рудалар (9,3 %), нефть юклари (9,1 %), кўмир (7,2 %), цемент (6,5 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,7 %), бошқа юкларга (50,9 %) тўғри келади.

### Автомобиль транспорти

Автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспорти юк айланмаси 134,6 млн. т-кмга ошиб, 2 917,4 млн. т-кмни ташкил этди ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,8 % га юқори бўлди.

**Автомобиль транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши**

***Таққослаш учун:*** *2019 йилнинг январь-март ойларида, автомобиль транспорти юк айланмаси ўсиш суръати 104,1 % га, йўловчи айланмаси ўсиш суръати 102,1 % га тенг бўлган.*

Автомобиль транспорти орқали 232,3 млн. тонна юк ташилиб, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 % га кўпдир.

**Январь-март ҳолатига автомобиль транспорти фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таққосланиши**



Ҳудудлар орасида йўловчи ташиш таркибининг катта қисмини Тошкент шаҳри эгаллайди. 2020 йил январь-март ойларида унинг улуши 21,7 % га тенг бўлди. Энг кичик кўрсаткич Сирдарё вилоятида қайд этилиб, 1,5 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташиш таркиби, % да**

**Ҳаво транспорти** орқали жўнатилган юклар 1,2 минг тоннани ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 35,5 % га пасайиши кузатилди. Юк айланмаси 5,4 % га камайиб, 20,3 млн. т-кмни ташкил этди.

Ҳаво транспортида 612,0 минг киши ташилиб, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 16,6 % га камдир, шу жумладан, йўловчи айланмаси эса 17,6 % га пасайиб, 1 956,1 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2019 йил январь-март ойларидаги 78,2 % ўрнига 74,0 % ни ташкил этди, 655 авиапарвоз кечиктирилган, 767 та авиапарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 5,3 ф.п. га камайиб, 70,2 % ни ташкил этди (2019 йил январь-март ойларида – 75,5 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 396 самолёт-соатни ташкил этиб, 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 73,2 % га камайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 47,0 % га камайиб, 37 минутни ташкил этди.

**Электр транспортида** 20 001,4 минг йўловчи ташилиб, 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 102,8 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 146,9 млн. йўловчи-кмни ташкил этган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (96,6 %) ва йўловчи айланмасида (95,9 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 19 317,5 минг йўловчини ташкил этиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,0 % га ўсди. Йўловчи айланмаси эса 140,8 млн. йўловчи-кмга тўғри келди.

2020 йилнинг январь-март ойлари якунига кўра, трамвайда бор йўғи 529,4 минг йўловчи ташилган, бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 51,5 % га камдир.

Трамвайнинг йўловчи айланмаси 1,9 млн. йўловчи-кмни ташкил этди. Электр транспортида йўловчи ташиш таркибида трамвайнинг улуши 2,6 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга троллейбусда 154,5 минг йўловчи ташилиб, бу 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 0,2 % га камдир. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 4,2 млн. йўловчи-кмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 99,8 % ни ташкил этди. Шунингдек, электр транспортида йўловчи ташиш таркибида унинг улуши 0,8 % ни ташкил этади.

**Магистрал қувурлар** орқали 18,6 млн. тонна газ қуйилган, бу 2019 йилгинг мос даврига нисбатан 0,2 % га камдир. Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 1,8 % га камайди ва 8,4 млрд. т-кмни ташкил этди.

### Йўл-транспорт ҳодисалари

2020 йил январь-март ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 1 229 бирликни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 99 бирликка камайган (-7,5 %).

**Йўл-транспорти ҳодисалари сонини ҳудудлар бўйича таққосланиши, *бирлик***




2019 йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар орасида йўл-транспорти ҳодисалари сонининг камайиши Қашқадарё (-35 бирлик), Фарғона (-25 бирлик), Наманган (-16 бирлик), Андижон (-13 бирлик) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (-16 бирлик) қайд этилди.

Жорий даврда йўл-транспорти ҳодисалари сонининг ўсиши қайд этилмади.

Шунингдек, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2020 йил январь-март ойларида жабр кўрганлар сони 1 116 кишини ташкил этиб, 109 кишига (-8,9 %) камайиши кузатилди.

**Йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрганлар сонини ҳудудлар кесимида таққосланиши, киши**

| | *2019 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* | *Фарқи 2020-2019 й., (+,-)* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **1225** | **1116** | **-109** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 57 | 65 | 8 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 91 | 74 | -17 |
| Бухоро | 37 | 30 | -7 |
| Жиззах | 55 | 52 | -3 |
| Қашқадарё | 121 | 88 | -33 |
| Навоий | 31 | 39 | 8 |
| Наманган | 120 | 104 | -16 |
| Самарқанд | 101 | 99 | -2 |
| Сурхондарё | 62 | 62 | 0 |
| Сирдарё | 34 | 24 | -10 |
| Тошкент | 145 | 161 | 16 |
| Фарғона | 115 | 81 | -34 |
| Хоразм | 22 | 21 | -1 |
| Тошкент ш. | 234 | 216 | -18 |

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткичлар Қашқадарё (-33 киши), Фарғона (-34 киши), Андижон (-17 киши), Наманган (-16 киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (-18 киши) тўғри келади.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг бироз даражада камайиши Хоразм (-1 киши), Самарқанд (-2 киши) ва Жиззах (-3 киши) вилоятларида қайд этилди.

2020 йил январь-март ойларида болалар иштирокида содир бўлган йўл-транспорти ҳодисалари 156 бирликни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14 бирликка (-8,2 %) камайди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жабр кўрган болаларнинг умумий сони 130 кишини ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 кишига (-11,0 %) камайди.

Содир бўлган йўл-транспорти ҳодисасида жабр кўрган болаларнинг умумий сонидан 1-7 ёшгача бўлган болалар улушига 29,2 %, 8-15 ёшгача бўлган болаларга 70,8 % тўғри келади.

2019 йил январь-март ойларига нисбатан йўл-транспорти ҳодисасида 1-7 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 8 кишига камайди ва 38 кишини ташкил этди. 2020 йил январь-март ойларида 8-15 ёшгача бўлган жабр кўрган болалар сони 8 кишига камайгани қайд этилди. Ушбу ёшдаги жабр кўрган болаларнинг умумий сони 92 кишини ташкил этди.

## Алоқа ва коммуникация соҳаси

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, “Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолияти турида 8 277 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 14,3 % га кўпайган.

"Ахборот ва алоқа" иқтисодий фаолият турида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 96,6 % ни (7 995 бирлик) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан уларнинг сони 14,1 % га кўпайган.

2020 йил январь-март ойларида алоқа хизматлари ҳажми 2 495,4 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (амалдаги нархларда) 24,7 % га ўсди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 57,6 % ни ташкил этди ва 1 437,6 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 1 329,6 млрд. сўмга тенг бўлди.




2019 йилнинг мос даврига нисбатан (амалдаги нархларда) мобиль алоқа хизматлари 14,4 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 13,2 % га ўсди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 24 316,7 минг бирликни, шу жумладан аҳолида 23 371,3 минг бирликни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 69 бирликни ташкил этди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 456 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 267 бирликни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойлари билан таққослаганда халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 1200,0 Гбит/с даражасида қолди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти** – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

**Автотранспорт воситалари –** йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

**Мавжуд автотранспорт воситалари –** ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъий назар, барча турдаги, маркадаги ва моделдаги автомобиллар сони.

**Автомобиль –** энергия манбаси орқали ҳаракатга келтириладиган, иккитадан кам бўлмаган ўқда жойлашган камида тўртта ғилдиракка эга бўлган, йўлларда ҳаракатланиш учун мўлжалланган ва йўловчилар, багажлар, юкларни ташиш ҳамда махсус ишларни бажариш учун фойдаланиладиган механик транспорт воситаси.

**Йўловчи автомобили** – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

**Юк автомобили –** юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси; юк автотранспорт воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

**Автобус, микроавтобус –** йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндиғига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорт воситаси.

**Енгил автомобиль –** ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сиғими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

**Йўналишли такси –** йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

**Йўналишсиз такси –** таксометр (ҳисоблагич)нинг кўрсаткичи бўйича тўлов тўланадиган, йўловчилар буюртманомалари бўйича ташиш хизматлари кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

**Пикап ва енгил фургон** – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

**Ташилган юклар (юк ташиш ҳажми)** – юк автомобилларида, шу жумладан автотиркамаларда, ташилган юклар миқдори ҳар бир қатнов учун юкнинг тара ёки контейнерлар оғирлигини ҳисобга олган ҳолдаги ҳақиқий оғирлиги бўйича аниқланади (тоннада ўлчанади). Ташилган юк ҳажмини автомобилнинг техник тавсифномасида кўрсатилган юк кўтариш қобилияти бўйича аниқлаш, фақатгина ташилган юкнинг ҳақиқий оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин.

**Юк айланмаси** – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

**Ташилган йўловчилар** – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

**Йўловчи айланмаси** – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

**Ташиш масофаси** – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

**Юкларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

**Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси** – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Умумий босиб ўтилган масофа (километр)** – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

**Шаҳардаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳар атрофидаги ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

**Шаҳарлараро ташувлар** – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

**Халқаро ташувлар** – масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегарасидан ичкарига амалга ошириладиган ташувлар.

**Йўл-транспорт ҳодисаси** - транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган ва унинг иштирокида фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш** мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони** – мобиль алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

**Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти** – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.

# XII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

**Чакана савдо товар айланмаси.** 2020 йилнинг январь-март ойларида Республикада чакана савдо товар айланмаси 40 127,4 млрд. сўмни ёки 2019 йил шу даврига нисбатан 103,8 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 5,6 % га ўсиб, 6 022,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 15,0 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3,5 % га ўсиб, 34 104,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 85,0 % ни ташкил қилди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**
*(2020 йил январь-март)*

**Ўзбекистон Республикасида чакана савдо товар айланмасининг мулкчилик шакли бўйича улуши**
*(2020 йил январь-март)*

2020 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади:

Давлат мулки 52,3 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,13 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулк 40 075,1 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,87 % ни ташкил қилди.

*Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 21,9 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,5 %, Самарқанд вилояти 8,1 %, Андижон вилояти 7,9 % ва Фарғона вилояти 7,8 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,9 %, Қорақалпоғистон Республикаси 3,5 % ва Навоий вилояти 3,5 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.*

**Ҳудудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши**
*(% ҳисобида)*




2020 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 105,6 % ни ташкил этди. Ўз навбатида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан Қашқадарё (233,5 % га), Самарқанд (161,5 % га), Жиззах (124,1 % га) вилоятларида юқори ўсиш кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 1 060,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 4,3 % га камайди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,6 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 44,1 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,7 %, Самарқанд вилояти 7,4 %, Бухоро вилояти 7,2 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,1 %, Хоразм вилояти 2,0 % ва Жиззах вилояти 2,5 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.

**Чакана савдо товар айланмаси**

*(2020 йил январь-март, умумий овқатланишни қўшган ҳолда)*

| | *Жами* | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да* | *минг сўм* | *2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **40 127,4** | **103,8** | **1 181,2** | **101,8** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1 424,0 | 101,1 | 749,1 | 99,6 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 3 174,1 | 101,6 | 1 012,9 | 99,6 |
| Бухоро | 2 388,6 | 103,2 | 1 239,9 | 101,7 |
| Жиззах | 1 656,1 | 106,1 | 1 195,5 | 103,8 |
| Қашқадарё | 2 926,0 | 105,5 | 890,2 | 103,3 |
| Навоий | 1 386,5 | 101,9 | 1 388,2 | 100,1 |
| Наманган | 2 575,1 | 105,2 | 914,3 | 103,0 |
| Самарқанд | 3 268,3 | 110,8 | 841,3 | 108,5 |
| Сурхондарё | 2 584,2 | 103,1 | 980,8 | 100,7 |
| Сирдарё | 758,5 | 101,3 | 894,5 | 99,3 |
| Тошкент | 4 207,9 | 102,1 | 1 428,0 | 100,5 |
| Фарғона | 3 146,1 | 102,4 | 836,9 | 100,5 |
| Хоразм | 1 844,4 | 101,3 | 986,7 | 99,7 |
| Тошкент ш. | 8 787,4 | 103,8 | 3 406,9 | 101,3 |

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,8 % га ошиб, 1 181,2 минг сўмни ташкил этди (2019 йилнинг шу даврида 1 021,0 минг сўм). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларини Тошкент шаҳри (3 406,9 минг сўм), Тошкент вилоятида (1 428,0 минг сўм) ва Навоий вилоятида (1 388,2 минг сўм), энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (749,1 минг сўм), Фарғона вилоятида (836,9 минг сўм) ва Самарқанд вилояти (841,3 минг сўм) қайд этди.

**2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси,** *(минг сўм)*

2020 йилнинг январь-март ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,6 фоизни ташкил этиб, 1 060,8 млрд. сўмга етди ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан эса 4,3 фоизга камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши 16,3 фоизни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича энг юқори улуш Тошкент вилояти (26,1 %), Тошкент ш. (22,7 %) ва Самарқанд (16,5 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши, % да**
*(2020 йил январь-март)*




## Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси

2020 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,6 % ни ташкил этиб, 1 060,8 млрд. сўмга етди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 % га камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,7 % улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектлари ҳиссасига тўғри келади.

**Ҳудудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да**



Умумий овқатланиш корхоналарида савдо айланмасининг нисбатан юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (республиканинг жами товар айланмасининг 44,1 %) тўғри келмоқда. Нисбатан юқори ҳажм Тошкент (9,7 %), Самарқанд (7,4 %) ва Бухоро (7,2 %) вилоятларида кузатилди.

**Улгуржи савдо товар айланмаси.** 2020 йилнинг январь-март ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 19 329,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 100,5 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 1,1 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 4 995,3 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 25,8 % ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатига эришган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди. Ҳусусан, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бошқа барча ҳудудларда пасайиш кузатилган.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган даврга нисбатан 0,3 % га ўсиши кузатилиб, 14 333,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 74,2 % ни ташкил қилди.

**Улгуржи савдо товар айланмаси**

*(2020 йил январь-март)*

| | *Жами, млрд. сўм* | *Жамига нисбатан, % да* | *2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **19 329,2** | **100,0** | **100,5** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 375,2 | 1,9 | 92,5 |
| *вилоятлар:* | | | |
| Андижон | 754,9 | 3,9 | 108,0 |
| Бухоро | 499,7 | 2,6 | 93,9 |
| Жиззах | 440,6 | 2,3 | 86,8 |
| Қашқадарё | 544,3 | 2,8 | 75,0 |
| Навоий | 364,8 | 1,9 | 67,0 |
| Наманган | 480,0 | 2,5 | 78,3 |
| Самарқанд | 1 389,9 | 7,2 | 94,8 |
| Сурхондарё | 640,8 | 3,3 | 105,3 |
| Сирдарё | 316,9 | 1,6 | 83,0 |
| Тошкент | 1 839,9 | 9,5 | 98,9 |
| Фарғона | 1 259,5 | 6,5 | 98,0 |
| Хоразм | 380,6 | 2,0 | 71,1 |
| Тошкент ш. | 10 042,0 | 52,0 | 109,4 |

## Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

*(2020 йил январь-март)*

| | *Жами (млрд. сўм)* | *2019 йилгнинг шу даврига нисбатан % да* | *Йирик корхоналар (млрд. сўм)* | *2019 йилгнинг шу даврига нисбатан % да* | *Микрофирма ва кичик корхоналар (млрд. сўм)* | *2019 йилгнинг шу даврига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **19 329,2** | **100,5** | **4 995,3** | **101,1** | **14 333,9** | **100,3** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 375,2 | 92,5 | 109,3 | 79,3 | 265,9 | 99,3 |
| *вилоятлар:* | | | | | | |
| Андижон | 754,9 | 108,0 | 286,6 | 129,3 | 468,4 | 98,1 |
| Бухоро | 499,7 | 93,9 | 92,1 | 67,5 | 407,5 | 103,0 |
| Жиззах | 440,6 | 86,8 | 132,0 | 67,4 | 308,6 | 99,0 |
| Қашқадарё | 544,3 | 75,0 | 99,7 | 33,8 | 444,7 | 103,2 |
| Навоий | 364,8 | 67,0 | 106,0 | 36,7 | 258,9 | 101,0 |
| Наманган | 480,0 | 78,3 | 178,5 | 56,5 | 301,5 | 101,6 |
| Самарқанд | 1 389,9 | 94,8 | 351,8 | 78,9 | 1 038,1 | 101,8 |
| Сурхондарё | 640,8 | 105,3 | 223,2 | 115,0 | 417,6 | 100,8 |
| Сирдарё | 316,9 | 83,0 | 66,1 | 48,7 | 250,9 | 101,9 |
| Тошкент | 1 839,9 | 98,9 | 964,1 | 95,4 | 875,8 | 103,0 |
| Фарғона | 1 259,5 | 98,0 | 219,0 | 88,3 | 1 040,5 | 100,3 |
| Хоразм | 380,6 | 71,1 | 90,7 | 37,7 | 289,9 | 98,4 |
| Тошкент ш. | 10 042,0 | 109,4 | 2 076,3 | 194,4 | 7 965,7 | 98,2 |

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Чакана савдо** – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг якуний босқичини ифодалайди.

**Чакана товар айланмаси** – товарларни сотиш тармоқларидан қатъий назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

**Умумий овқатланиш** – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

**Умумовқатланиш айланмаси** жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

**Товар захиралари** – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи.

**Товар айланмасининг товар тузилмаси –** умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

**Улгуржи савдо** - тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

**Истеъмол товарлари** – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

**Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар** – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Улгуржи савдо товар айланмаси** – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

**Товар заҳиралари** – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи.

**Товар айланмасининг товар тузилиши –** товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.

# XIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

**Ташқи савдо айланмаси.** 2020 йил январь-март ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 8 140,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 924,1 млн. АҚШ долларига ёки 10,2 % га камайди.

ТСА да экспорт ҳажми 3 374,7 млн. АҚШ долларига (10,9 % га камайди) ва импорт ҳажми 4 765,7 млн. АҚШ долларига (9,7 % га камайди) етди. Ҳисобот даврида - 1 390,9 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси**

*(январь-март, млн. АҚШ доллари)*




Республикамизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йилнинг январь-март ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 36,2 % ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги ўтган йилга нисбатан улуши 2,5 % га ошган.

**Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмасида МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ доллари, улуш % да)*




Бошқа хорижий давлатларнинг ТСА си 2020 йилнинг январь-март ойларида МДҲ давлатларига нисбатан камайди (13,6 % га камайди) ва жами ТСА даги улуши 63,8 % ни ташкил этди.

Хусусан, қўшни давлатлар Қозоғистон ва Қирғиз Республикалари билан ТСА да сўнгги йилларда катта ўзгаришлар кузатиляпти. Мисол учун, сўнгги уч йилда ТСА Қирғиз, Тожикистон ва Афғонистон билан ошгани кузатилмоқда.

Бошқа давлатлар (қўшни давлатлардан ташқари) билан эса, ТСА да энг юқори улуш Россия, Хитой, Корея Республикаси ва Туркия давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан еттита давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган, хусусан, Афғонистон (151,1 млн. АҚШ доллари), Қирғиз Республикаси (121,2 млн. АҚШ доллари), Тожикистон (78,8 млн. АҚШ доллари), Туркия (62,3 млн. АҚШ доллари), Эрон (16,4 млн. АҚШ доллари), БАА (15,7 млн. АҚШ доллари) ва Франция (10,1 млн. АҚШ доллари) шулар жумласидандир. Қолган 13 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор-давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ. доллари)*

| *Давлатлар* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Россия Федерацияси** | **1 386,7** | **1 344,2** | **1 376,5** |
| Экспорт | 389,3 | 425,2 | 455,6 |
| Импорт | 997,4 | 919,0 | 920,9 |
| Сальдо | -608,0 | -493,8 | -465,4 |
| **Хитой Халқ Республикаси** | **1 269,8** | **1 652,8** | **1 364,3** |
| Экспорт | 519,1 | 616,2 | 400,8 |
| Импорт | 750,7 | 1 036,6 | 963,5 |
| Сальдо | -231,6 | -420,4 | -562,7 |
| **Қозоғистон** | **605,6** | **783,3** | **675,4** |
| Экспорт | 257,3 | 282,8 | 188,2 |
| Импорт | 348,4 | 500,5 | 487,2 |
| Сальдо | -91,1 | -217,7 | -299,0 |
| **Корея Республикаси** | **323,8** | **700,2** | **545,3** |
| Экспорт | 18,9 | 20,8 | 13,3 |
| Импорт | 304,9 | 679,5 | 532,1 |
| Сальдо | -286,0 | -658,7 | -518,8 |
| **Туркия** | **395,5** | **506,1** | **469,0** |
| Экспорт | 214,7 | 238,2 | 265,6 |
| Импорт | 180,8 | 267,9 | 203,3 |
| Сальдо | 33,8 | -29,6 | 62,3 |

*давоми*

| *Давлатлар* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Қирғиз Республикаси** | **70,0** | **138,4** | **187,4** |
| Экспорт | 39,9 | 113,2 | 154,3 |
| Импорт | 30,1 | 25,3 | 33,1 |
| Сальдо | 9,9 | 87,9 | 121,2 |
| **Германия** | **149,8** | **138,9** | **166,9** |
| Экспорт | 7,3 | 9,3 | 15,3 |
| Импорт | 142,4 | 129,6 | 151,5 |
| Сальдо | -135,1 | -120,4 | -136,2 |
| **Афғонистон** | **174,9** | **116,5** | **152,5** |
| Экспорт | 174,5 | 116,2 | 151,8 |
| Импорт | 0,4 | 0,3 | 0,7 |
| Сальдо | 174,0 | 115,8 | 151,1 |
| **Туркманистон** | **41,7** | **130,7** | **114,8** |
| Экспорт | 9,8 | 24,8 | 26,8 |
| Импорт | 31,9 | 105,9 | 88,0 |
| Сальдо | -22,1 | -81,1 | -61,2 |
| **Тожикистон** | **71,3** | **73,5** | **113,8** |
| Экспорт | 45,6 | 55,2 | 96,3 |
| Импорт | 25,7 | 18,3 | 17,5 |
| Сальдо | 20,0 | 36,9 | 78,8 |

*давоми*

| *Давлатлар* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Италия** | **44,0** | **68,6** | **94,3** |
| Экспорт | 4,7 | 5,7 | 5,3 |
| Импорт | 39,3 | 62,9 | 89,0 |
| Сальдо | -34,7 | -57,1 | -83,7 |
| **Литва** | **62,7** | **94,3** | **85,6** |
| Экспорт | 1,5 | 6,3 | 3,9 |
| Импорт | 61,1 | 88,0 | 81,7 |
| Сальдо | -59,6 | -81,6 | -77,9 |
| **Латвия** | **87,2** | **106,3** | **81,8** |
| Экспорт | 10,6 | 12,4 | 10,5 |
| Импорт | 76,6 | 93,9 | 71,2 |
| Сальдо | -66,1 | -81,4 | -60,7 |
| **Украина** | **95,5** | **94,6** | **81,0** |
| Экспорт | 28,4 | 29,8 | 24,3 |
| Импорт | 67,1 | 64,7 | 56,7 |
| Сальдо | -38,7 | -34,9 | -32,4 |
| **Ҳиндистон** | **57,4** | **84,4** | **81,0** |
| Экспорт | 6,3 | 4,0 | 5,8 |
| Импорт | 51,2 | 80,4 | 75,2 |
| Сальдо | -44,9 | -76,4 | -69,5 |
| **Эрон** | **69,5** | **95,6** | **76,3** |
| Экспорт | 49,8 | 55,8 | 46,4 |
| Импорт | 19,6 | 39,8 | 29,9 |
| Сальдо | 30,2 | 16,0 | 16,4 |

*давоми*

| *Давлатлар* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Франция** | **63,7** | **69,0** | **72,1** |
| Экспорт | 42,5 | 46,5 | 41,1 |
| Импорт | 21,2 | 22,5 | 31,0 |
| Сальдо | 21,3 | 24,0 | 10,1 |
| **АҚШ** | **58,7** | **74,3** | **56,5** |
| Экспорт | 6,4 | 5,7 | 5,7 |
| Импорт | 52,3 | 68,5 | 50,8 |
| Сальдо | -45,9 | -62,8 | -45,1 |
| **Беларусь Республикаси** | **114,5** | **107,6** | **53,8** |
| Экспорт | 9,1 | 10,0 | 11,5 |
| Импорт | 105,4 | 97,5 | 42,3 |
| Сальдо | -96,3 | -87,5 | -30,8 |
| **Бирлашган Араб Амирликлари** | **28,3** | **42,4** | **50,4** |
| Экспорт | 11,7 | 19,6 | 33,0 |
| Импорт | 16,5 | 22,8 | 17,4 |
| Сальдо | -4,8 | -3,2 | 15,7 |

Ўзбекистон, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерациясида (16,9 %), Хитой Халқ Республикасида (16,8 %), Қозоғистонда (8,3 %), Корея Республикасида (6,7 %), Туркияда (5,8 %), Қирғиз Республикасида (2,3 %) ва Германияда (2,1 %) қайд этилган.

**Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори бўлган давлатлар**
*(2020 йил январь-март, млн. АҚШ доллари, улуш % да)*

| *Топ 10 давлатлар* | *ТСА* | *Экспорт* | *Импорт* | *Улуш, % да* |
|---|---|---|---|---|
| Россия Федерацияси | 1 376,5 | 455,6 | 920,9 | 16,9 |
| Хитой Халқ Республикаси | 1 364,3 | 400,8 | 963,5 | 16,8 |
| Қозоғистон | 675,4 | 188,2 | 487,2 | 8,3 |
| Корея Республикаси | 545,3 | 13,3 | 532,1 | 6,7 |
| Туркия | 469,0 | 265,6 | 203,3 | 5,8 |
| Қирғиз Республикаси | 187,4 | 154,3 | 33,1 | 2,3 |
| Германия | 166,9 | 15,3 | 151,5 | 2,1 |
| Афғонистон | 152,5 | 151,8 | 0,7 | 1,9 |
| Туркманистон | 114,8 | 26,8 | 88,0 | 1,4 |
| Тожикистон | 113,8 | 96,3 | 17,5 | 1,4 |

**Экспорт**. Жорий йилнинг январь-март ойларида мамлакатнинг экспортёрлар сони 3298 тани ташкил этиб, улар 2 368,8 млн. АҚШ доллари (қимматбаҳо металлар экспортидан ташқари) қийматидаги (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 7,4 % га камайди) товар ва хизматлар экспорт қилинишини таъминлади.

Экспорт таркибида товарлар улуши 81,4 % ни ташкил этиб, улар асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (18,7 %), минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар (9,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (5,9 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Экспорт таркиби**
*(2020 йил январь-март, улуши % да)*

МДҲ мамлакатлари ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, МДҲ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми хизматлар ҳиссасига тўғри келмоқда, кейинги ўринларда экспорт ҳажми бўйича асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ҳамда турли хил тайёр буюмларга тўғри келмоқда.




2020 йилнинг январь-март ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2019 йилниниг январь-мартига нисбатан, минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар, кимё воситалари ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар ҳамда бошқа товарлардан ташқари барча товар ва хизматларда ўсиш кузатилди.

## МДҲ ва бошқа давлатларга экспорт таркиби
*(2020 йил январь-март)*

| ХССТ таркиби | Млн. АҚШ доллари | | | Жамига нисбатан % да | | | 2019 йилга нисбатан ўсиши, % да | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| **Жами** | **3374,7** | **1142,0** | **2232,8** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **89,1** | **99,3** | **84,6** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 197,9 | 102,3 | 95,7 | 5,9 | 9,0 | 4,3 | 85,2 | 73,4 | 103,0 |
| Ичимликлар ва тамаки | 7,5 | 7,2 | 0,2 | 0,2 | 0,6 | 0,0 | 169,5 | 173,6 | 97,9 |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 162,5 | 76,1 | 86,4 | 4,8 | 6,7 | 3,9 | 87,3 | 154,9 | 63,1 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 305,4 | 133,3 | 172,1 | 9,0 | 11,7 | 7,7 | 76,4 | 76,0 | 76,7 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 3,0 | 2,3 | 0,7 | 0,1 | 0,2 | 0,0 | 2,7 б. | 2,1 б. | 164,2 м. |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 189,5 | 73,8 | 115,8 | 5,6 | 6,5 | 5,2 | 90,4 | 78,0 | 100,6 |
| Асосан материал турига қараб классификациялан ган саноат товарлари | 631,6 | 195,7 | 435,9 | 18,7 | 17,1 | 19,5 | 96,0 | 104,3 | 92,7 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 86,7 | 73,9 | 12,8 | 2,6 | 6,5 | 0,6 | 109,9 | 133,8 | 54,1 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 147,6 | 139,5 | 8,1 | 4,4 | 12,2 | 0,4 | 153,9 | 160,7 | 89,0 |
| Бошқалар | 1014,4 | 8,3 | 1006,1 | 30,1 | 0,7 | 45,1 | 81,3 | 49,0 | 81,7 |
| шу жумладан олтин | 1005,9 | - | 1005,9 | 29,8 | - | 45,1 | 81,7 | - | 81,7 |
| Хизматлар | 628,7 | 329,7 | 299,0 | 18,6 | 28,9 | 13,4 | 93,3 | 97,2 | 89,3 |

**Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларига амалга оширилган экспорт ҳажми**
*(январь-март)*

| *Давлат номи* | *Млн. АҚШ доллари* | | *Ўсиш суръати, % да* | | *Ўрни* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
| Россия Федерацияси | 425,2 | 455,6 | 109,2 | 107,1 | 2 | 1 |
| Хитой Халқ Республикаси | 616,2 | 400,8 | 118,7 | 65,0 | 1 | 2 |
| Туркия | 238,2 | 265,6 | 111,0 | 111,5 | 4 | 3 |
| Қозоғистон | 282,8 | 188,2 | 109,9 | 66,5 | 3 | 4 |
| Қирғиз Республикаси | 113,2 | 154,3 | 2,8 м. | 136,3 | 6 | 5 |
| Афғонистон | 116,2 | 151,8 | 66,6 | 130,7 | 5 | 6 |
| Тожикистон | 55,2 | 96,3 | 120,9 | 174,5 | 8 | 7 |
| Эрон | 55,8 | 46,4 | 112,0 | 83,1 | 7 | 8 |
| Франция | 46,5 | 41,1 | 109,3 | 88,4 | 9 | 9 |
| Бирлашган Араб Амирликлари | 19,6 | 33,0 | 166,9 | 168,6 | 14 | 10 |
| Туркманистон | 24,8 | 26,8 | 2,5 м. | 108,3 | 12 | 11 |
| Украина | 29,8 | 24,3 | 105,1 | 81,5 | 11 | 12 |
| Канада | 0,1 | 23,5 | 142,1 | 159,4 м. | 62 | 13 |
| Покистон | 9,3 | 17,3 | 2,4 м. | 184,9 | 19 | 14 |
| Озарбайжон | 8,0 | 16,4 | 130,6 | 2,0 м. | 22 | 15 |
| Германия | 9,3 | 15,3 | 126,4 | 165,5 | 20 | 16 |
| Польша | 10,2 | 13,3 | 103,6 | 131,2 | 17 | 17 |
| Корея Республикаси | 20,8 | 13,3 | 109,7 | 63,8 | 13 | 18 |
| Беларусь Республикаси | 10,0 | 11,5 | 110,3 | 114,3 | 18 | 19 |
| Латвия | 12,4 | 10,5 | 117,7 | 84,8 | 15 | 20 |

Ҳамкор мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар экспорти бўйича географияси 2019 йининг мос даврига нисбатан 127 давлатдан 137 давлатга кўпайди.

**Экспорт таркиби динамикаси**
*(январь-март, % да)*

| *Таркиб* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 4,6 | 6,1 | 5,9 |
| Ичимликлар ва тамаки | 0,1 | 0,1 | 0,2 |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 4,0 | 4,9 | 4,8 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 11,5 | 10,5 | 9,0 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 0,0 | 0,0 | 0,1 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 6,8 | 5,5 | 5,6 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 13,3 | 17,4 | 18,7 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 2,1 | 2,1 | 2,6 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 2,2 | 2,5 | 4,4 |
| Бошқа товарлар | 37,4 | 33,0 | 30,1 |
| шу жумладан олтин | 37,4 | 32,5 | 29,8 |
| Хизматлар | 18,1 | 17,8 | 18,6 |

Сўнгги уч йилда МДҲ мамлакатларига экспорт ҳажми ошди ва уларнинг жами экспортдаги улуши 2018-йил 1-чорагидаги 27,5 % дан 2020 йил 1-чорагида 33,8 % га етди. Мос равишда бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуши 66,2 % ни ташкил этди.

**МДҲ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар экспорти ҳажмлари динамикаси**

*(январь-март, млн. АҚШ долл., улуши % да)*




2020 йилнинг январь-март ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Россия Федерацияси (экспорт умумий ҳажмининг 13,5 % и), Хитой Халқ Республикаси (11,9 %), Туркия (7,9 %), Қозоғистон (5,6 %), Қирғиз Республикаси (4,6 %), Афғонистон (4,5 %) ва Тожикистон (2,9 %) давлатлари сақланиб қолмоқда, ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 50,7 фоизни ташкил этмоқда.

Товарлар ва хизматлар экспорти бўйича еттита асосий ҳамкор давлатлардан етакчи бўлган Хитой Халқ Республикасининг бир поғонага тушиши ҳисобига, Россия Федерацияси экспортдаги улуши бўйича пешқадамликни олди.

**Республика экспортида асосий ҳамкор-давлатларнинг улуши**

*(2020 йил январь-март)*

**Ўзбекистон Республикасининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби**
*(январь-март, млн. АҚШ долл.)*

| ХССТ таркиби | Россия Федерацияси | | ХХР | | Туркия | | Қозоғистон | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. |
| **Жами экспорт** | **425,2** | **455,6** | **616,2** | **400,8** | **238,2** | **265,6** | **282,8** | **188,2** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 27,6 | 28,3 | 10,5 | 6,9 | 32,2 | 4,9 | 43,6 | 37,0 |
| Ичимликлар ва тамаки | 2,6 | 1,6 | 0,0 | 0,0 | - | - | 0,7 | 4,3 |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 5,1 | 11,2 | 80,2 | 22,7 | 0,5 | 6,7 | 26,1 | 8,4 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 68,5 | 111,0 | 172,1 | 114,5 | 2,7 | 2,6 | 95,7 | 0,0 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 0,0 | - | - | - | - | - | 0,0 | 0,1 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 42,6 | 25,0 | 35,1 | 17,6 | 15,6 | 15,0 | 25,0 | 20,1 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 128,4 | 108,6 | 144,2 | 88,9 | 163,8 | 217,2 | 24,7 | 21,5 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 21,0 | 10,7 | 1,1 | 1,2 | 12,4 | 8,3 | 20,7 | 42,4 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 58,1 | 83,6 | - | 0,2 | 0,6 | 1,1 | 7,2 | 8,6 |
| Бошқа товарлар | - | - | - | - | - | - | 13,3 | 2,1 |
| Хизматлар | 71,3 | 75,5 | 173,0 | 148,9 | 10,4 | 9,9 | 26,0 | 43,7 |

Ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар таркибига асосан минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар, материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари ҳамда турли хил тайёр буюмлар киради.

Хизматлар экспорти ҳажми 628,7 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 18,6 % ини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 6,7 % га камайганлиги кузатилди. Сўнгги уч йилда ўсиш ҳисобига хизматларнинг жами экспортдаги улуши ўсди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт (57,4 %) ва туризм (32,2 %) хизматлари ҳиссасига тўғри келган. Шу билан бирга телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (5,4 %), қурилиш хизматлари (1,7 %), бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (1,6 %) ва бошқа хизматлар умумий ҳажмда 1,8 % ни ташкил этган.

**Хизматлар экспорти таркиби**
*(январь-март, улуши % да)*

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт**
*(2020 йил январь-март)*

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 136,7 млн. долларга яқин қийматли 257,2 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган. Бунда 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 67,6 млн. АҚШ долларида пастлашиш кузатилиб, 33,1 % га камайди. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 83,4 млн. АҚШ долларига тенг 211,4 минг тонна сабзавот, шунингдек, 53,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги 45,8 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Қозоғистон (25,6 %), Россия Федерацияси (18,6 %), Афғонистон (9,4 %) ва Қирғиз Республикаси (8,9 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

**Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти**
*(январь-март, млн. АҚШ долл.)*

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 4,1 % ни ташкил этди.

**Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти географияси**
*(январь-март)*

| *Давлат номи* | *2019 йил* | | | *2020 йил* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг т* | *млн. АҚШ доллари* | *улуши, % да* | *мин г т* | *млн. АҚШ доллари* | *улуши, %[1] да* |
| Қозоғистон | 89,6 | 41,3 | 20,2 | 95,5 | 35,0 | 25,6 |
| Россия Федерацияси | 35,2 | 19,5 | 9,5 | 40,0 | 25,4 | 18,6 |
| Афғонистон | 11,1 | 8,7 | 4,3 | 28,9 | 12,9 | 9,4 |
| Қирғиз Республикаси | 13,9 | 43,7 | 21,4 | 17,4 | 12,2 | 8,9 |
| Покистон | 10,2 | 7,1 | 3,5 | 9,8 | 10,9 | 8,0 |
| Хитой Халқ Республикаси | 14,6 | 9,9 | 4,8 | 7,8 | 6,4 | 4,7 |
| Ироқ | 8,8 | 3,1 | 1,5 | 19,3 | 4,7 | 3,4 |
| Туркия | 38,7 | 32,1 | 15,7 | 3,1 | 4,0 | 2,9 |
| Украина | 31,1 | 12,3 | 6,0 | 5,2 | 3,8 | 2,8 |
| Беларусь | 4,3 | 2,2 | 1,1 | 3,2 | 3,2 | 2,3 |
| Тожикистон | 0,8 | 1,1 | 0,5 | 3,7 | 2,9 | 2,1 |
| Туркманистон | 11,5 | 2,3 | 1,1 | 12,2 | 2,8 | 2,0 |
| Озарбайжон | 2,7 | 2,0 | 1,0 | 1,7 | 2,0 | 1,5 |
| БАА | 1,2 | 1,0 | 0,5 | 1,1 | 1,5 | 1,1 |
| Грузия | 5,8 | 1,5 | 0,7 | 2,3 | 1,4 | 1,1 |
| Германия | 0,7 | 1,6 | 0,8 | 0,4 | 1,3 | 0,9 |
| Бошқа мамлакатлар | 35,5 | 14,9 | 7,3 | 5,6 | 6,4 | 4,7 |

## Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши бевосита пахта хом ашёси ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси эканини кўриш мумкин. Жумладан, жорий йилда 463,5 млн. АҚШ долларли тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 13,7 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.

[1] - *қиймат ифодасида камайиб бориш тартибида саралланган*

Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида пахтадан йигирилган ип (50,0 %), тайёр трикотаж ва тикувчилик кийимлари (27,2 %) асосий улушни эгаллаган. Йил бошидан 311 турга яқин тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 50 та давлатига экспорт қилинди.

**Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ доллари)*

| *Таркиби* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 йилга нисбатан ўсиш суръати, % да* |
|---|---|---|---|---|
| Пахтадан йигирилган ип | 186,5 | 210,3 | 231,8 | 110,2 |
| Тайёр кийимлар | 67,4 | 83,7 | 125,9 | 150,4 |
| Гиламлар | 6,2 | 6,3 | 6,1 | 96,8 |
| Нақшли матолар | 15,2 | 19,7 | 30,8 | 156,3 |
| Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари | 9,1 | 12,0 | 24,2 | 2,0 м. |
| Пахтадан газламалар | 15,1 | 17,4 | 23,2 | 133,3 |
| Ипак ва ипак маҳсулотлари | 10,0 | 11,7 | 12,2 | 104,3 |
| Пахта маҳсулотлари | 5,0 | 6,3 | 7,1 | 112,7 |

Республиканинг тўқимачилик саноатини диверсификация қилиш ва тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш борасидаги амалий ишлари натижасида, мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ошиб бормоқда.

**Тўқимачилик маҳсулотларини давлатлар экспорти динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ доллари)*

| *Давлатлар* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 йилга нисбатан ўсиш суръати, % да* |
|---|---|---|---|---|
| Россия Федерацияси | 140,6 | 150,2 | 182,0 | 121,2 |
| Хитой Халқ Республикаси | 67,9 | 102,1 | 88,9 | 87,1 |
| Туркия | 39,7 | 31,7 | 60,5 | 190,9 |
| Қирғиз Республикаси | 13,9 | 19,7 | 46,0 | 2,3 м. |
| Қозоғистон | 10,5 | 9,7 | 11,4 | 117,5 |
| Эрон | 1,6 | 10,9 | 9,9 | 90,8 |
| Украина | 3,7 | 5,4 | 9,8 | 181,5 |
| Польша | 6,2 | 6,3 | 9,4 | 149,2 |
| Миср | 0,0 | 2,3 | 6,4 | 2,8 м. |
| Тожикистон | 0,7 | 1,7 | 5,6 | 3,3 м. |
| Беларусь | 4,7 | 5,2 | 4,8 | 92,3 |
| Покистон | 0,9 | 0,9 | 4,8 | 5,3 м. |
| Озарбайжон | 1,0 | 1,7 | 3,0 | 176,5 |
| Италия | 1,8 | 3,3 | 2,9 | 87,9 |
| Ҳиндистон | 0,5 | 0,1 | 2,7 | 27,0 м. |
| Корея Республикаси | 4,1 | 1,9 | 2,5 | 131,6 |
| Германия | 0,9 | 2,1 | 1,9 | 90,5 |
| Молдова | 1,1 | 1,3 | 1,9 | 146,2 |
| Марокаш | 0,2 | 0,3 | 1,1 | 3,7 м. |
| Афғонистон | 1,5 | 0,8 | 1,0 | 125,0 |

Тўқимачилик маҳсулотларининг энг катта улуши Россия Федерацияси (182,0 млн. АҚШ доллари – 39,3 %), Хитой (88,9 млн. АҚШ доллари – 19,2 %) ва Туркия (60,5 млн. АҚШ доллари – 13,1 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келди.

**Импорт**. 2020 йилнинг январь-март ойларида импорт ҳажми пасайишини кузатиш мумкин. Жумладан, ҳисобот даврида импорт ҳажми 4 765,7 млн. АҚШ долларини ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 90,3 % ни ташкил этди.

Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (36,9 %), асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари (16,1 %) ҳамда хизматлар (9,5 %) ҳисобига тўғри келди.

**Импорт таркиби**
*(2020 йил январь-март, % да)*

Товар ва хизматлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2020 йилнинг январь-мартида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 480,1 млн. АҚШ долларига камайди ва 4 310,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 454,8 млн. АҚШ долларига етди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ҳажмларининг камайишига шакар ва шакар хом ашёси (39,1 % га пасайган), донли экинлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (20,8 % га), ичимликлар (18,5 % га), сабзавотлар ва мевалар (5,8 % га) импортининг камайиши таъсир қилган.

Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар импорти камайишига эса, нефт ва нефт маҳсулотлари ва шунга ўхшаш материаллар импортининг камайганлиги (7,6 %) бевосита таъсир этган.

**Импорт таркиби динамикаси**
*(январь-март, % да)*

| *Таркиб* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 9,4 | 7,8 | 7,0 |
| Ичимликлар ва тамаки | 0,1 | 0,2 | 0,2 |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 5,2 | 4,4 | 5,7 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 6,6 | 4,5 | 5,4 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 1,6 | 1,4 | 1,1 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 11,8 | 10,7 | 12,3 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 18,1 | 17,1 | 16,1 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 32,8 | 38,4 | 36,9 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 3,1 | 6,0 | 5,4 |
| Бошқа товарлар | - | 0,2 | 0,4 |
| Хизматлар | 11,2 | 9,2 | 9,5 |

Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ноозиқ-овқат хом ашёси импортининг улуши 4,4 % дан 5,7 % гача ўсди, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар 7,8 % дан 7,0 % га, асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари импортининг улуши эса 17,1 % дан 16,1 % га камайди.

МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан импорт улушининг динамикаси барқарор нисбати сақланиб қолмоқда ва жорий даврда ушбу кўрсаткич 37,9:62,1 муносабатни ташкил этди.

**МДҲ ва бошқа хорижий давлатлардан товарлар ва хизматлар импорти ҳажмлари динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ долл., улуши % да)*




Импортнинг энг катта улуши, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (74,8 %), ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари (81,5 %) ҳамда минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар (95,9 %) МДҲ мамлакатларига тўғри келади, бошқа хорижий мамлакатларга эса энг катта улуш машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (87,5 %) ва кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (61,1 %) ҳиссасига тўғри келади.

## МДҲ ва хорижий давлатлардан импорт таркиби
*(2020 йил январь-март)*

| ХССТ таркиби | Млн. АҚШ доллари | | | Жамига нисбатан % да | | | 2018 йилга нисбатан, % да | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлат-лар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлат-лар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлат-лар |
| **Жами** | **4 765,7** | **1 807,6** | **2 958,1** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **90,3** | **94,7** | **87,9** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 333,8 | 249,8 | 84,0 | 7,0 | 13,8 | 2,8 | 81,1 | 95,7 | 55,8 |
| Ичимликлар ва тамаки | 8,2 | 2,6 | 5,6 | 0,2 | 0,1 | 0,2 | 80,1 | 109,1 | 71,2 |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 273,6 | 223,1 | 50,5 | 5,7 | 12,3 | 1,7 | 116,7 | 108,0 | 180,8 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 255,6 | 245,1 | 10,5 | 5,4 | 13,6 | 0,4 | 107,6 | 107,0 | 123,4 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 54,2 | 46,5 | 7,6 | 1,1 | 2,6 | 0,3 | 73,1 | 75,9 | 59,6 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 587,3 | 139,6 | 447,7 | 12,3 | 7,7 | 15,1 | 103,8 | 103,5 | 103,9 |
| Асосан материал турига қараб классификациялан ган саноат товарлари | 766,8 | 440,9 | 325,9 | 16,1 | 24,4 | 11,0 | 85,1 | 89,7 | 79,7 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 1 756,7 | 218,7 | 1538,0 | 36,9 | 12,1 | 52,0 | 86,6 | 81,2 | 87,5 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 257,8 | 38,1 | 219,7 | 5,4 | 2,1 | 7,4 | 81,6 | 118,7 | 77,4 |
| Бошқа товарлар | 16,9 | 12,4 | 4,5 | 0,4 | 0,7 | 0,2 | 137,7 | 154,2 | 106,1 |
| Хизматлар | 454,8 | 190,6 | 264,2 | 9,5 | 10,5 | 8,9 | 93,7 | 89,5 | 97,0 |

Ҳисобот даври якунларига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Хитой Халқ Республикаси умумий импорт ҳажмида 20,2 % улуши билан Россия Федерациясини (19,3 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллади.

**Товар ва хизматлар ипортидаги йигирмата йирик ҳамкор-давлатлар**
*(январь-март)*

| Давлатлар | Млн. АҚШ доллари | | Ўсиш суръати, % да | | Ўрни | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. |
| Хитой Халқ Республикаси | 1 036,6 | 963,5 | 138,1 | 92,9 | 1 | 1 |
| Россия Федерацияси | 919,0 | 920,9 | 92,1 | 100,2 | 2 | 2 |
| Корея Республикаси | 679,5 | 532,1 | 2,2 м. | 78,3 | 3 | 3 |
| Қозоғистон | 500,5 | 487,2 | 143,7 | 97,3 | 4 | 4 |
| Туркия | 267,9 | 203,3 | 148,1 | 75,9 | 5 | 5 |
| Германия | 129,6 | 151,5 | 91,0 | 116,9 | 6 | 6 |
| Италия | 62,9 | 89,0 | 159,8 | 141,5 | 16 | 7 |
| Туркманистон | 105,9 | 88,0 | 3,3 м. | 83,1 | 7 | 8 |
| Литва | 88,0 | 81,7 | 143,8 | 92,9 | 10 | 9 |
| Ҳиндистон | 80,4 | 75,2 | 157,1 | 93,6 | 12 | 10 |
| Латвия | 93,9 | 71,2 | 122,5 | 75,9 | 9 | 11 |
| Украина | 64,7 | 56,7 | 96,5 | 87,6 | 15 | 12 |

*давоми*

| Давлатлар | Млн. АҚШ доллари | | Ўсиш суръати, % | | Ўрни | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2019 й. | 2020 й. |
| АҚШ | 68,5 | 50,8 | 131,0 | 74,1 | 13 | 13 |
| Япония | 81,7 | 44,1 | 3,2 м. | 53,9 | 11 | 14 |
| Беларусь | 97,5 | 42,3 | 92,6 | 43,3 | 8 | 15 |
| Нидерландия | 26,7 | 41,4 | 130,9 | 155,0 | 19 | 16 |
| Чехия Республикаси | 22,5 | 40,4 | 197,0 | 179,6 | 24 | 17 |
| Бразилия | 61,3 | 37,5 | 21,7 м. | 61,2 | 17 | 18 |
| Қирғиз Республикаси | 25,3 | 33,1 | 84,0 | 131,1 | 21 | 19 |
| Франция | 22,5 | 31,0 | 106,1 | 137,9 | 25 | 20 |

2019 йил билан таққослаганда импорт бўйича энг юқори олтиликда ўзгариш кузатилмади.

2020 йил январь-март ойлари якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан 126 давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.

**Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши**
*(2020 йил январь-март, % да)*

Етти йирик ҳамкор давлатлар (Хитой, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Германия ва Италия) жами импортнинг 70,2 % ини ташкил қилади, бу 3 347,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

2020 йил январь-март ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 454,8 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 9,5 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 6,3 % га тушган. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши сафарлар (туризм хизматлари), транспорт хизматларидан иборат бўлди.

**Хизматлар импорти таркиби**
*(январь-март, улуши % да)*

2020 йил январь-март ойлари якуни билан 250,4 млн. АҚШ доллари миқдорида қурилиш материаллари импорти амалга оширилган бўлиб, умумий импорт ҳажмининг 5,3 % ини ташкил қилди.

Импорт қилинган қурилиш материаллари таркибида ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари (52,3 %), шиша ва шиша буюмлар (5,8 %), семент (5,1 %), ҳамда асбест (2,0 %) асосий улушни эгаллаган.

**Қурилиш материаллари импорти**
*(январь-март 2020 йил)*

2020 йилнинг январь-март якунларига кўра, 2019 йилнинг январ-март ойларига нисбатан пасайиш (15,5 %) қайд этилди.

**Айрим қурилиш материаллари импорти динамикаси**
*(январь-март, млн. АҚШ долл.)*

| *Қурилиш материаллари* | *2018 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
|---|---|---|---|
| Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари | 144,5 | 146,6 | 131,1 |
| Шиша ва шиша буюмлар | 15,0 | 15,2 | 14,5 |
| Цемент | 24,9 | 31,5 | 12,7 |
| Асбест | 14,2 | 7,3 | 5,0 |

Қурилиш материаллари импорти, асосан юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, кенг кўламдаги қурилиш-реконструкция ишларини амалга оширилишига қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан қурилиш маҳсулотлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Товар** – ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари.

**Товарлар экспорти** – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

**Реэкспорт** – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими.

**Товарлар импорти** – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш.

**Реимпорт** – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

**Ташқи савдо айланмаси** – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

**Товарлар келиб чиққан мамлакат** – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат "Божхона тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади).

**Товарларнинг белгиланган манзили** – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

**Товарларнинг статистик қиймати** – шартнома валютасидан қатъий назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

**СИФ (қиймат, суғурталаш, фрахт)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**СИП (фрахт/ташиш ва суғурталаш)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасигадаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**ФОБ (бортда эркин)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади.

**ДАФ (чегарагача етказиб бериш)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасидаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**Хизматлар (ишлар) экспорти** — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

**Хизматлар (ишлар) импорти** — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

# XIV. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра республика доимий аҳолиси сони 34 036,8 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 131,6 минг кишига ёки 0,4 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 17 183,7 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,5 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 853,1 минг кишини (49,5 %) ташкил этди.

**Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жами аҳолига нисбатан улуши, % да**

**Эркаклар ва аёлларнинг жами аҳолига нисбатан улуши, % да**

**Тирик туғилганлар сони**
*(минг киши)*




**Ўлганлар сони**
*(минг киши)*




**Никоҳлар сони**
*(минг бирлик)*




**Ажримлар сони**
*(минг бирлик)*






**Кўчиб келганлар**
*(минг киши)*




**Кўчиб кетганлар**
*(минг киши)*



**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**

*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республика жами аҳолисига нисбатан, % да)*

Республика ҳудудлари кесимида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3892,5 минг кишини (республика жами аҳолиси сонидаги улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3766,0 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида 3293,6 минг кишини (9,7 %), Андижон вилоятида 3139,8 минг кишини (9,2 %), Тошкент вилоятида 2951,5 минг кишини (8,7 %), Наманган вилоятида 2821,9 минг кишини (8,3 %) ва Сурхондарё вилоятида 2640,6 минг кишини (7,7 %) ташкил этди.

Республика ҳудудлари кесимида 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кам аҳоли сони Сирдарё вилоятида 849,7 минг кишини (республика жами аҳолиси сонидаги улуши 2,5 %), Навоий вилоятида 1000,6 минг кишини (2,9 %), Жиззах вилоятида 1388,5 минг кишини (4,1 %), Хоразм вилоятида 1872,2 минг кишини (5,5 %), Қорақалпоғистон Республикасида 1903,9 минг кишини (5,6 %), Бухоро вилоятида 1929,1 минг кишини (5,7 %) ва Тошкент шаҳрида 2586,9 минг кишини (7,6 %) ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати**
*(2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, % да)*

Ҳудудлар бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (102,6 %), Сурхондарё (102,3 %), Жиззах (102,2 %) Қашқадарё (102,1 %) ва Наманган (102,1 %) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг паст ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси (101,5 %), Бухоро (101,5 %), Тошкент (101,5 %), Хоразм (101,7 %) ва Навоий (101,8 %) вилоятларида кузатилди.

**Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиий ҳаракати**
*(январь-март)*

| *Кўрсаткичлар* | *Минг киши* | | *1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2019 йил* | *2020 йил* | *2019 йил* | *2020 йил* |
| Туғилганлар | 159,5 | 170,4 | 19,4 | 20,2 |
| Ўлганлар | 36,9 | 37,5 | 4,5 | 4,4 |
| *шу жумладан:* 1 ёшгача ўлган болалар | 1,6 | 2,1 | 8,5[1)] | 10,4[1)] |
| Никоҳлар сони, *минг бирлик* | 53,6 | 49,5 | 6,5 | 5,9 |
| Ажримлар сони, *минг бирлик* | 8,0 | 7,8 | 1,0 | 0,9 |

[1)] *1000 тирик туғилганга нисбатан*

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил 1 апрель ҳолатига кўра, республика доимий аҳолиси сонининг 30,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар, 58,7 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва 10,5 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Доимий аҳоли сонининг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**

*(2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, жамига нисбатан % да)*



**Туғилиш.** 2020 йил январь-март ойларида 170,4 минг нафар бола туғилганлиги (фақат тирик туғилганлар) қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига (159,5 минг нафар бола) нисбатан 10,9 минг нафар болага кўпайди. Туғилиш коэффициенти 20,2 промиллени ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича тирик туғилганлар сони**
*(2020 йил январь-март)*




2020 йил мобайнида энг кўп туғилганлар сони март ойларида кузатилди. Аксинча, энг кам туғилганлар февраль ойларида қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича тирик туғилганлар сони**
*(январь-март)*



**Ҳудудлар кесимида туғилганлар коэффициенти ўзгариши**

*( январь-март)*




Туғилиш даражасининг ўсиши Ташкент шаҳри (16,8 промилледан 18,9 промиллега), Жиззах (22,1 промилледан 23,7 промиллега), Андижон (19,5 промилледан 21,0 промиллега) ва Фарғонада (18,6 промилледан 20,0 промиллега) кузатилди.

Туғилиш даражасининг пасайиши Самарқанд (21,2 промилледан 21,2 промиллега), Бухоро (16,9 промилледан 16,8 промиллега), Қорақалпоғистон Республикаси (17,7 промилледан 17,5 промиллега) ва Сирдарёда (20,5 промилледан 20,8 промиллега) қайд этилди.

**Ҳудудлар кесимида туғилиш коэффициенти**

*(2020 йил январь-март)*




Ҳудудлар бўйича энг юқори туғилиш коэффициенти Жиззах (23,7 промилле) Сурхондарё (22,7 промилле), Қашқадарё (21,9 промилле), ва Самарқанд (21,2 промилле) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича энг кам туғилиш коэффициенти Бухоро (16,8 промилле), Хоразм (17,0 промилле) Қорақалпоғистон Республикасида (17,5 промилле) вилоятларида ҳамда Навоийда (18,5 промилле) кузатилди.



**Ўлим.** 2020 йил январь-март ойларида ўлганлар сони 37,5 минг кишини ташкил этиб, 2019 йил январь-март ойларига (36,9 минг киши) нисбатан 0,6 минг кишига кўпайган. Ўлим коэффициенти 4,4 промиллени ташкил этди (2019 йил январь-мартида 4,5 промилле бўлган).

**Ўзбекистон Республикаси бўйича вафот этганлар сони**
*(2020 йил январь-март)*




2020 йил мобайнида энг кўп вафот этганлар сони февраль (13,7 минг киши). Аксинча, энг кам январь (11,1 минг киши) ойларида кузатилди

**Ҳудудлар кесимида вафот этганлар сони**
*(2020 йил январь-март)*

Ҳудудлар бўйича энг кўп вафот этганлар Фарғона (4,1 минг киши), Тошкент (4,0 минг киши) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (4,0 минг киши) ва Самарқанд (3,8 минг киши) Андижон (3,7 минг киши) вилоятида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича энг кам вафот этганлар Сирдарё (0,9 минг киши), Навоий 1,1 минг киши), Жиззах (1,3 минг киши), Бухоро (1,9 минг киши) ва Хоразм (1,9 минг киши) вилоятларида кузатилди.



**Ҳудудлар кесимида ўлим коэффициенти**

*(2020 йил январь-март)*




Ҳудудлар бўйича энг юқори ўлим коэффициенти Тошкент шаҳрида (6,3 промилле), Тошкент (5,5 промилле), Андижон (4,7 промилле) ва Наманган (4,6 промилле) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича энг паст ўлим коэффициенти Қашқадарё 3,7 промилле), Жиззах (3,8 промилле), Бухоро (3,9 промилле) ва Самарқанд (3,9 промилле) вилоятларида қайд этилди.




**Вафот этганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши**

*(жами вафот этганларга нисбатан, % да)*




2020 йилда вафот этганларнинг 8,2 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга, 24,0 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга ва 67,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келди.

*Маълумот учун:* 2019 йилда вафот этганларнинг 6,8 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга, 24,9 % и меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга ва 68,3 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 67,8 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.

**Вафот этганларнинг асосий ўлим сабаблари бўйича тақсимланиши**

*(2020 йил январь-март ҳолатига кўра; жами вафот этганларга нисбатан, % да)*




Рўйхатга олинган жами вафот этганларнинг 62,4 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,3 % и ўсимталардан, 5,5 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 4,8 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,3 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 1,4 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,3 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг январь-март ойларида дастлабки маълумотларга кўра 55 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффициенти 32,3 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.

100 минг тирик туғилганга нисбатан оналар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (80,7), Сирдарё (68,5), Тошкент (64,2), Навоий (43,6), Фарғона (26,7) ва Хоразм (25,3) вилоятларида қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида 1 ёшгача бўлган болалар ўлими 2,1 минг нафарни ташкил этиб, гўдаклар ўлими коэффициенти 10,4 промиллега (2019 йил январь-мартда – 8,5 промилле бўлган) тенг бўлди.

**Ҳудудлар кесимида гўдаклар ўлими коэффициенти**

*(2020 йил январь-март ҳолатига кўра, 1000 тирик туғилганга нисбатан)*

1000 тирик туғилганга нисбатан гўдаклар ўлими коэффициентининг юқори даражаси Хоразм (13,9 промилле), Тошкент шаҳрида (13,7 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (13,6 промилле), Андижон (13,5 промилле), ва Наманган (12,9 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами вафот этган болаларнинг 51,1 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,9 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 13,2 % и туғма аномалиялардан, 4,0 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,5 % и бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,5 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан ва 4,8 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

**Ҳудудлар кесимида асосий ўлим сабаблари бўйича вафот этганларнинг тақсимланиши**

*(жами вафот этганларга нисбатан, % да)*




**Никоҳ.** 2020 йилнинг январь-март ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 49,5 минг никоҳ қайд этилиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 5,9 промиллени ташкил этди.

Никоҳ тузиш коэффициентининг камайиши Жиззах (5,6 дан 4,5 промиллега), Хоразм (11,8 дан 10,8 промиллега), Андижон (6,3 дан 5,4 промиллега) ва Бухоро (7,8 дан 6,9 промиллега) вилоятларида кузатилди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича тузилган никоҳлар сони**
*(2020 йил январь-март)*




2020 йил мобайнида энг кўп тузилган никоҳлар сони январда (19,1 минг бирлик) кузатилди.

**Никоҳдан ажралишлар.** 2020 йилнинг январь-март ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 7,8 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил этди.

Никоҳдан ажралиш коэффициентининг камайиши Тошкент шаҳри (1,8 дан 1,6 промиллега), Андижон (1,4 дан 1,1 промиллега), Наманган (1,0 дан 0,8 промиллега) ва Тошкент (1,3 дан 1,1 промиллега) вилоятларида кузатилди.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича никоҳдан ажрашганлар сони**
*(2020 йил январь-март)*




2020 йил мобайнида энг кўп никоҳдан ажрашганлар сони январь (2,9 минг бирлик), энг кам никоҳдан ажрашганлар сони март (2,1 минг бирлик), ойларида қайд этилди.

**Ҳудудлар кесимида никоҳ тузганлар коэффициенти**




Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг юқори никоҳ коэффициенти Хоразм (10,8 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (7,8 промил-ле), Бухоро (6,9 промилле), Сурхондарё (6,6 промилле) вилоятларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кам никоҳ тузиш коэффициенти Жиззах (4,5 промилле), Навоий (4,7 промил-ле), Наманган (4,7 промилле) ва Қашқадарё (5,1 промилле) вилоятларида кузатилди.




**Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар коэффициенти**




Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг юқори никоҳдан ажрашганлар коэффициенти Тошкент шаҳрида (1,6 промилле), Сирдарё (1,5 промилле), Андижон (1,1 промилле), Навоий (1,1 промилле) ва Тошкент (1,1 промилле) вилоят-ларида қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кам никоҳдан ажрашганлар коэффициенти Қашқадарё (0,6 промилле), Хоразм (0,6 промилле), Қорақалпоғистон Республикаси (0,7 про-милле) ва Сурхондарё (0,7 промилле) вилоятларида кузатилди.



**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 40,1 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 41,5 минг кишини ташкил этди.

**Аҳоли миграцияси**
*(январь-март, минг киши)*

| | *Келиш* | | *Кетиш* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2019 й.* | *2020 й.* |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **41,2** | **40,1** | **42,6** | **41,5** | **-1,4** | **-1,4** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3,2 | 2,5 | 3,8 | 3,3 | -0,6 | -0,8 |
| *вилоятлар:* | | | | | | |
| Андижон | 1,8 | 1,9 | 2,3 | 2,4 | -0,5 | -0,5 |
| Бухоро | 1,2 | 1,3 | 2,0 | 2,3 | -0,8 | -1,0 |
| Жиззах | 2,9 | 2,6 | 3,0 | 3,0 | -0,1 | -0,4 |
| Қашқадарё | 2,6 | 3,0 | 4,1 | 4,7 | -1,5 | -1,7 |
| Навоий | 2,7 | 2,4 | 2,7 | 2,5 | 0,0 | -0,1 |
| Наманган | 1,4 | 1,3 | 1,6 | 1,7 | -0,2 | -0,4 |
| Самарқанд | 2,4 | 1,8 | 3,6 | 3,3 | -1,2 | -1,5 |
| Сурхондарё | 2,6 | 2,2 | 3,3 | 2,9 | -0,7 | -0,7 |
| Сирдарё | 2,4 | 2,4 | 2,6 | 2,5 | -0,2 | -0,1 |
| Тошкент | 4,5 | 5,6 | 5,4 | 6,0 | -0,9 | -0,4 |
| Фарғона | 4,2 | 2,8 | 4,4 | 3,4 | -0,2 | -0,6 |
| Хоразм | 1,7 | 1,6 | 2,0 | 1,9 | -0,3 | -0,3 |
| Тошкент ш. | 7,6 | 8,7 | 1,8 | 1,6 | 5,8 | 7,1 |

Миграция сальдоси минус 1,4 минг кишини ташкил этди. 2019 йилнинг мос даврида миграция сальдоси минус 1,4 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Қашқадарё (минус 1,7), Самарқанд (минус 1,5) ва Бухоро вилоятларида (минус 1,0), Қорақалпоғистон Республикасида (минус 0,8) кузатилди.

Миграция сальдосининг ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 7,1) кузатилди.

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 0,5 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 1,9 минг кишини ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг тақсимланиши**
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 34,1 %), Тожикистон Республикаси (28,6 %), Россия Федерацияси (19,6 %), Қирғизистон Республикаси (7,1 %), Украина Республикаси (1,2 %) ва бошқа мамлакатлар (9,4 %) ҳиссаларига тўғри келади.

**Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг тақсимланиши**

*(2020 йил январь-март ойларида)*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 64,8 %), Россия Федерацияси (29,2 %), Қирғизистон Республикаси (0,9 %), Исроил (0,9 %), Тожикистон Республикаси (0,8 %), ва бошқа мамлакатлар (3,4 %) ҳиссасига тўғри келди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Доимий аҳоли –** рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

**Шаҳар аҳолиси –** шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

**Қишлоқ аҳолиси –** шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - қишлоқ жойларда (овуллар, қишлоқлар ва бошқалар) истиқомат қилувчи аҳоли.

**Доимий аҳоли сонини баҳолаш -** охирги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади.

**Туғилиш –** туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

**1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти –** ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 та аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти –** ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Гўдаклар ўлими** – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ҳодисаси.

**1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффициенти** қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Коэфф.} = (У^{t}_{ж} / Т_{ж} + У^{t-1}_{ж} / Т_{ж-1}) * 1000,$$

бу ерда $У^{t}_{ж}$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$Т_{ж}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$У^{t-1}_{ж}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$Т_{ж-1}$ – ўтган йилда туғилганлар сони.

**Ўлим сабаблари** – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан якун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари.

**Никоҳ** – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффициенти -** ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) –** эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФҲДЁ ёки суд органларида ажралишни рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти -** ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади

**Кўчиб келганлар сони** – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

**Кўчиб кетганлар сони** – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

**Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) -** ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори.

# XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи** (қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари) 2020 йил январь-март ойларида **2 582,5** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **26,5 %** га ўсди. 2020 йил март ойи учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **2 810,9** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **29,8 %** га ўсди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларидан банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - **46,7 %** га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда - **32,6 %** га, қурилиш соҳасида - **32,2 %** га, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида - **29,1 %** га, савдо соҳасида - **27,2 %** га, саноат соҳасида - **23,9 %** га ҳамда санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида - **23,8 %** бўлганлиги кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида – **5 460,8** минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,1 мартага юқори), ахборот ва алоқада - **4 171,0** минг сўмни (61,5 %), саноатда - **3 524,0** минг сўмни (36,5 %), ташиш ва сақлашда - **3 375,6** минг сўмни (30,7 %), қурилишда - **3 051,1** минг сўмни (18,1 %) ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўм**
*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республикадаг ўртача ойлик иш ҳақига нисбати, % да**
*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*




*2020 йил январь-март ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи* ***271,0*** *АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан* ***111,2 %*** *ни ташкил этди (1 АҚШ доллари 2020 йил январь-март ойларида 9529,59 сўмни, 2019 йил январь-март ойларида эса 8378,32 сўмни ташкил этган).*

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 124,1 %, Навоий вилоятида 101,9 % ҳамда Жиззах вилоятида 101,0 % кузатилди.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **5460,8** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **46,7** % га ўсди.

Мазкур соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Тошкент вилоятида 79,1 % ни, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 78,0 % ни, Сирдарё вилоятида 73,4 % ни ҳамда Наманган вилоятида 71,2 % ни ташкил этди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Ахборот ва алоқа” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

**Тошкент ш. – 4 359,7**

Ахборот ва алоқа соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида кузатилди ва у республика кўрсаткичига нисбатан 104,5 % ни ташкил этди.



Шу билан бирга, ушбу соҳада Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 53,6 % ни, Андижон вилоятида 52,0 % ни, Бухоро вилоятида 46,7 % ни, Наманган вилоятида 40,3 % ни ҳамда Тошкент вилоятида 32,6 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**




# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Саноат” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

### Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда

Саноат соҳаси бўйича ҳудудлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида 124,3 % ни, Тошкент шаҳрида 114,2 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 108,1 % ни, Андижон вилоятида 103,0 % ва Тошкент вилоятида 101,3 % ни ташкил этган.

Шу билан бирга, мамлакатнинг тўққизта ҳудудида ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика даражасидан паст эканлиги кузатилди.

Ушбу соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичи Фарғона вилоятида 77,7 % ни, Сурхондарё вилоятида 76,4 % ни, Жиззах вилоятида 69,4 % ни, Наманган вилоятида 64,9 % ни ҳамда Сирдарё вилоятида 59,1 % ни ташкил этди.

### Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда

## “Ташиш ва сақлаш” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

### Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда

Ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Хоразм вилоятида 131,6 %, Тошкент шаҳрида 118,5 %, Қорақалпоғистон Республикасида 106,2 % кузатилди.

Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3375,6 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 24,9 % га ошди.

Шу билан бир қаторда, республикамизнинг ўн иккита ҳудудида ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи республика даражасидан паст бўлди.

Соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Самарқанд вилоятида 52,3 % ни, Сирдарё вилоятида 50,3 % ни, Жиззах вилоятида 49,2 % ни, Тошкент вилоятида 47,2 % ни ҳамда Андижон вилоятида 43,5 % ни ташкил этди.

### Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Қурилиш” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**




Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткичлар Наманган вилоятида 135,0 %, Навоий вилоятида 131,6 % ни, Андижон вилоятида 128,5 % ни, Тошкент вилоятида 114,8 % ни ҳамда Тошкент шаҳрида 109,4 % ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ўн битта ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Бухоро вилоятида 77,0 % ни, Хоразм вилоятида 73,6 % ни, Фарғона вилоятида 67,4 % ни, Қашқадарё вилоятида 66,0 % ни ҳамда Жиззах вилоятида 63,7 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Савдо” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

Савдо соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 121,1 % ни, Сирдарё вилоятида 109,6 % ни, Жиззах вилоятида 108,3 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ўн иккита ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Наманган вилоятида 80,0 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 76,5 % ни, Қашқадарё вилоятида 74,4 % ни, Бухоро вилоятида 73,4 % ни ҳамда Самарқанд вилоятида 72,7 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**




# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Таълим” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**




Ушбу соҳада ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республика кўрсаткичига нисбатан энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 138,4 % ни, Сирдарё вилоятида 101,9 % ни, Навоий вилоятида 100,5 % Тошкент вилоятида 100,1 % ни ташкил этган.

Шу билан бирга, ушбу соҳада тўққизта ҳудудда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республика ўртача кўрсаткичидан паст эканлиги кузатилди.

Республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 95,2 % ни, Фарғона вилоятида 92,0 % ни, Хоразм вилоятида 91,9 % ни ҳамда Қашқадарё вилояти 87,4 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлди.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## “Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида 118,0 % ни, Бухоро вилоятида 112,6 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 109,1 % ни, Сирдарё вилоятида 108,5 % ни ва Хоразм вилоятида 106,6 % ни ташкил этган.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **1 811,5** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **29,1 %** га ўсди.

Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан сезиларли паст кўрсаткичлар Наманган вилоятида 96,9 % ни, Жиззах вилоятида 96,5 % ни, Тошкент вилоятида 95,2 % ни, Фарғона вилоятида 93,4 % ни ҳамда Қашқадарё вилоятида 77,3 % ни ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўмда**

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръатлари

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли ўсганлиги кузатилди.

### “Таълим” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*

**Таълим** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 1969,7 минг сўмни, февраль ойида 2125,4 минг сўмни, март ойида эса 2172,2 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,2 % га ўсди.

**“Саноат” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*

**Саноат** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 3330,3 минг сўмни, февраль ойида 3382,1 минг сўмни, март ойида эса 3836,8 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23,9 % га ўсди.

**“Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 1723,8 минг сўмни, февраль ойида 1801,0 минг сўмни, март ойида эса 1909,0 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 29,1 % га ўсди.




# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

**“Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 4512,8 минг сўмни, февраль ойида 4923,8 минг сўмни, март ойида эса 6960,2 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,7 % га ўсди.

**“Ташиш ва сақлаш” иқтисодий фаолият тури бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўсиш суръатлари**
*(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)*

**Ташиш ва сақлаш** соҳасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2020 йилнинг январь ойида 3176,7 минг сўмни, февраль ойида 3382,6 минг сўмни, март ойида эса 3562,7 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилди.

Соҳа бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24,9 % га ўсди.

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбати, % да**

*(2020 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

Ўртача ойлик иш ҳақининг республика ҳудудлари бўйича энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида **3737,6** минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 144,7 %), Навоий вилоятида **3283,7** минг сўмни (127,2 %) ва Тошкент вилоятида **2702,5** минг сўмни (104,6 %) ташкил этган.

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Фарғона (2138,0 минг сўм), Самарқанд (2119,3 минг сўм), Наманган (2098,1 минг сўм) ва Қашқадарё (2025,6 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Мазкур вилоятларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан мос равишда **17,2 %, 17,9 %, 18,8 %** ва **21,6 %** га кам бўлган.

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Номинал ҳисобланган иш ҳақи** – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

**Реал иш ҳақи** – базис давр нархларидан келиб чиқиб, жорий даврдаги иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ифодалайди.

**Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар сони** – ойнинг маълум бир санасига, яъни биринчи ёки охирги санасига кўрсатилади. Бунда ҳақиқатда ишлаётганлар, вақтинча ишламаётган, бироқ ишга расман бириктирилганлиги ҳуқуқини сақлаб қолганлар ҳам ҳисобга олинади. Битта ташкилотнинг ичида ички ўриндош сифатида расмийлаштирилган ходим бир киши сифатида ҳисобга олинади. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 – моддаларида келтирилганлар ва бошқа меҳнатга оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда келтирилганлар киритилади.

Қуйидаги ходимлар меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ходимлар таркибига киритилмайди: бошқа ташкилотлардан ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлар; фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича иш бажарувчилар; ташкилот томонидан, ишдан ажралган ҳолда, таълим муассасаларига юборилганлар.

**Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони** – ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган, бевосита туғуруқхонанинг ўзидан янги туғилган чақалоқни фарзандликка олиш муносабати билан таътилда бўлган, ҳамда болани унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ маълум бир ёшга тўлгунига қадар парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар; таълим муассасаларида ўқиётган ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча меҳнат таътилида бўлганлар, шунингдек, таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлган ходимларларни инобатга олмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган ва иш ҳақи ҳисобланган ходимларнинг ўртача сонини ифодалайди.

Ҳисобот ойини қўшган ҳолда, йил бошидан ҳисобот давридаги ходимларнинг ўртача сони ўтган жами ойлардаги ходимларнинг ўртача ойлик сонини қўшиш ва олинган суммани ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлиш орқали аниқланади.

# Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

# XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

*Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш - Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган идоралараро методик қўлланма асосида амалга оширилади.*

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари 78,9 трлн. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 % реал ўсиш суръатига эришилди. Аҳоли жон бошига умумий даромадлари эса 2323,1 минг сўмни, реал ўсиш суръати 105,6 % ни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари**

*(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*




Аҳолининг умумий даромадлари - ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан олган даромадлари, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкий даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар) дан иборат.

**Аҳоли умумий даромадлари таркиби**



**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати**

| | *Жамига нисбатан, фоизда* | | *2020 йил январь-март 2019 йил январь-мартга нисбатан, фоизда* |
|---|---|---|---|
| | *2019 й.* | *2020 й.* | |
| **Умумий даромадлар - жами (I+II)** | **100,0** | **100,0** | **122,5** |
| I. Бирламчи даромадлар | 73,7 | 74,7 | 124,1 |
| I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар | 68,4 | 68,7 | 123,0 |
| I.1.1. Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар | 65,6 | 66,0 | 123,1 |
| I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари | 32,5 | 33,4 | 125,6 |
| I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар | 33,1 | 32,6 | 120,7 |
| I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар | 2,8 | 2,7 | 120,7 |
| I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар | 5,3 | 6,0 | 137,9 |
| II. Трансфертлардан олинган даромадлар | 26,3 | 25,3 | 118,0 |

2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг 74,7 % ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, 25,3 % и трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Бирламчи даромадларда асосий улушни ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар, трансфертлардан олинган даромадларда эса бошқа жорий трансфертлар ташкил қилади.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби**

2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 66,0 % и) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,7 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 6,0 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 25,3 % ни ташкил қилди.

Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (81,2 %) кузатилди. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Андижон, Кашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 24,2 % ни ташкил этган.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби**

*(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, % да)*




Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Самарқанд, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли умумий даромадларига нисбатан 30 % дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, 15,3 % ни ташкил этди.

Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг манбаларидан бири бу - мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадларнинг улуши 32,6 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, % да**




Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши турлича: 13,3 % дан (Тошкент шаҳрида) 48,5 % гача (Жиззах вилоятида) ўзгариб туради.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,33 % га ўсишига олиб келди.

**Ҳудудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсишининг аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, % да**




Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши 48,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 123,1 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадларининг 11,2 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида 41,1 % улуш ва 124,7 % ўсиш суръати, аҳоли умумий даромадларининг 10,0 % га ўсишини таъминлаб берди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Самарқанд (11,8 %), Тошкент (11,6 %) ва Фарғона (8,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,4 %) ҳамда Навоий (4,9 %) вилояти ҳисобланади.

**Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, % да**

Меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг кейинги манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 33,4 % ни ташкил қилди.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати 125,6 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг 8,3 % ўсишини таъминлади.

Ҳудудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши турлича бўлиб, 23,0 % дан (Самарқанд вилоятида) 46,9 % гача (Навоий вилоятида) ўзгариб туради.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон Қарорига мувофиқ, 2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баробарга оширилди.*

**Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, % да**



Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак Навоий вилояти, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб, сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати**
*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

Ёлланма ишчилар даромадларининг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (135,0 %) ва Навоий вилоятида (131,5 %) қайд этилди.

Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 45,1 % ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 135,0 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи шаҳар аҳолиси умумий даромадларининг 14,5 % га ўсишини таъминлаб берди.

Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 46,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 131,5 % ни ташкил этди.

**Ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига таъсири, % да**

Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи вилоят аҳолиси умумий даромадларининг 14,0 % га ўсишини таъминлаб берди. Худди шундай Қорақалпоғистон Республикасида эса 38,5 % улуш ва 122,0 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 8,4 % га ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулкдан олинган даромадлар бўлиб, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 % пунктга ошди.




Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкий даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 72,0 % ни ташкил қилди. Кейинги ўринларда дивидендлар – 20,2 %, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 7,8 % ни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли умумий даромадлари таркибида жами мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 6,0 % ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг атиги 2,0 % ўсишини таъминлади.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига мол-мулкдан олинган даромадлар**

*Жамига нисбатан улуши, % да*




*Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати, % да*

Республика аҳолисининг мол-мулкдан олинган даромадларида ҳудудларнинг улуши турлича. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар умумий ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига (71,7 %) тўғри келган бўлса, бошқа ҳудудларнинг улуши анча паст кўрсаткични қайд этди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2020 йилнинг январь-март ойлари маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 118,0 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида транфертлардан олинган даромадларнинг улуши 1,0 % пунктга камайди ва 25,3 % ни ташкил этди.

Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 120,6 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 82,1 % улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

**Ижтимоий трансфертлар таркиби, % да**




**Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, % да**

2019 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 120,3 % ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,6 % га ўсиш имконини берди.

Ижтимоий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Қашқадарё (123,9 %), Сурхондарё (122,8 %), Жиззах (122,6 %), Наманган (122,2 %), Самарқанд (121,7 %) ва Сирдарё (121,2 %) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг учдан бир қисми ёки 35,1 % и Тошкент шаҳри (13,9 %), Тошкент (10,8 %) ва Фарғона вилоятлари (10,4 %) ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати 119,8 % ни ташкил этган бўлса, Тошкент ва Фарғона вилоятларида эса 119,9 % ни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари**
*(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*

| *Ҳудудлар номи* | *Жами ижтимоий трансфертлар* |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **120,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 120,4 |
| *вилоятлар:* | |
| Андижон | 121,2 |
| Бухоро | 120,4 |
| Жиззах | 122,6 |
| Қашқадарё | 123,9 |
| Навоий | 119,6 |
| Наманган | 122,2 |
| Самарқанд | 121,7 |
| Сурхондарё | 122,8 |
| Сирдарё | 121,2 |
| Тошкент | 121,2 |
| Фарғона | 120,8 |
| Хоразм | 121,1 |
| Тошкент ш. | 115,0 |

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 15,5 % бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 139,9 % га ўсди. Нафақаларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент вилоятида (148,5 %) кузатилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар (147,1 %), Жиззах (141,2 %), Фарғона (141,2 %), Бухоро (140,8 %), Наманган (140,4 %) ва Самарқанд (140,2 %) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръати қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида стипендияларнинг ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши 2,4 % ни ташкил этди.

**2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича ижтимоий нафақаларнинг шаклланиш манбалари, % да**

Жорий йилнинг январь-март ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1,5 трлн.сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 56,2 % и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 43,8 % и эса республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

Ҳудудлар кесимида эса бу кўрсаткич турлича. Қора-қалпоғистон Республикасида 41,2 % нафақалар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 58,8 % нафақалар республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлса, Тошкент шаҳрида жами ижтимоий нафақаларнинг 98,4 % и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 1,6 % и республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, деярли барча ҳудудларда ҳар икки манба бўйича ўсиш кузатилганини кўришимиз мумкин.

**2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар кесимида ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўсиши**
*(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*



2020 йилнинг январь-март ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 115,6 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоиз пунктга камайди. Ушбу даромадларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг 2,2 % га ўсишини таъминлаб берди.

**Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши, % да**

Жорий даврда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улуши Самарқанд вилоятида (19,8 %) кузатилди.

Шунингдек, Андижон (18,7 %), Сурхондарё (18,0 %), Хоразм (17,9 %), Наманган (15,7 %), Қашқадарё (14,9 %), Бухоро (14,7 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (14,4 %) ва Фарғона вилоятида (13,7 %) республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 2,3 млн. сўмни (реал ўсиши суръати 5,6 %) ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар ҳажми, минг сўм**

Аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (5,8 млн. сўм), Навоий (3,7 млн. сўм), Бухоро (2,6 млн. сўм) ва Тошкент (2,5 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Навоий вилоятига (11,1 %) тўғри келди.

Шунингдек, Жиззах (7,4 %) Сурхондарё (7,1 %), Наманган (7,0 %), Самарқанд (6,2 %), Фарғона (5,8 %) ва Хоразм (5,7 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражаси-дан юқорини ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадларининг реал ўсиш суръатлари, % да**




2020 йилнинг январь-март ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 69,3 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 % га ўсди, аҳоли жон бошига эса 2041,4 минг сўмни ташкил этиб, 105,6 % га ўсди.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (5029,9 минг сўм) кузатилди. Шунингдек, Навоий (3306,8 минг сўм), Бухоро (2285,9 минг сўм) ва Тошкент (2228,3 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Энг қуйи кўрсаткичлар эса Наманган (1476,6 минг сўм), Фарғона (1540,4 минг сўм) ва Қашқадарё (1546,8 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари**

| *Ҳудудлар номи* | *Жами, млрд. сўм* | *Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да* | *Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм* | *Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **69 348,1** | **107,6** | **2 041,4** | **105,6** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 023,6 | 106,7 | 1 590,5 | 105,1 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 5 220,0 | 105,8 | 1 665,8 | 103,7 |
| Бухоро | 4 403,9 | 106,6 | 2 285,9 | 105,0 |
| Жиззах | 2 445,1 | 109,8 | 1 765,0 | 107,4 |
| Қашқадарё | 5 084,5 | 104,1 | 1 546,8 | 102,0 |
| Навоий | 3 302,8 | 113,1 | 3 306,8 | 111,1 |
| Наманган | 4 158,7 | 109,3 | 1 476,6 | 107,0 |
| Самарқанд | 6 987,5 | 108,4 | 1 798,6 | 106,2 |
| Сурхондарё | 4 129,3 | 109,6 | 1 567,2 | 107,1 |
| Сирдарё | 1 540,8 | 106,4 | 1 816,9 | 104,3 |
| Тошкент | 6 566,1 | 106,3 | 2 228,3 | 104,7 |
| Фарғона | 5 790,5 | 107,8 | 1 540,4 | 105,8 |
| Хоразм | 3 704,1 | 107,4 | 1 981,5 | 105,7 |
| Тошкент ш. | 12 973,5 | 107,8 | 5 029,9 | 105,2 |

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 72,4 трлн. сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати 107,9 %), аҳоли жон бошига эса 2131,4 минг сўмни (реал ўсиш суръати 105,8 %) ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари**

*(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*




Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (4832,8 минг сўм) ҳамда Навоий (3409,8 минг сўм), Бухоро (2471,3 минг сўм) ва Тошкент (2350,7 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Наманган (1558,2 минг сўм), Фарғона (1639,4 минг сўм) ва Қашқадарё вилоятларида (1663,7 минг сўм) кузатилди.

Аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Навоий вилоятида (113,8 %) қайд этилди. Шунингдек, Наманган (110,9 %) Жиззах (110,4 %), Сурхондарё (110,3 %), Самарқанд (109,0 %), Фарғона (108,3 %) ва Хоразм (108,0 %) вилоятлари аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар 63,6 трлн. сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса 1873,0 минг сўмни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари**

*(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)*




Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадлар Наманган (1374,1 минг сўм), Фарғона (1437,8 минг сўм) ва Қашқадарё (1463,2 минг сўм) вилоятларида ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткич кузатилган бўлса, Тошкент шаҳри (4173,7 минг сўм) ҳамда Навоий (3052,6 минг сўм), Бухоро (2154,4 минг сўм) Тошкент (2069,3 минг сўм) ва Хоразм (1882,2 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори ўсиш суръати Навоий вилоятида (111,8 %) қайд этилди. Шунингдек, Наманган (108,7 %) Жиззах (108,0 %), Сурхондарё (107,9 %) ва Самарқанд (106,8 %) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 53,6 % ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (62,0 %), Хоразм (58,6 %), Бухоро (58,4 %) ва Самарқанд (58,1 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармонига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.*

**Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши**

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Аҳолининг умумий даромадлари** - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

**Аҳоли бирламчи даромадлари** ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

**Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга** меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

**Меҳнат фаолиятидан олинган даромад** ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

**Ёлланма ишчиларнинг даромади** – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад** - мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

**Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар**га бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

**Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар)** деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

**Фоизлар** – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

**Дивидендлар** – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

**Муаллифлик ҳақи** – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

**Рента** – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

**Трансфертлар** - бу уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

**Бошқа жорий трансфертлар**га уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

**Аҳоли ихтиёридаги даромад** - умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

# XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2020 йил январь-март ойларида жами 11173 та жиноят қайд этилган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 69,9 % га кўпайган. Рўйхатга олинган жиноятлар сони бўйича ҳар 10,0 минг аҳолига нисбатан 3,3 та жиноят тўғри келмоқда.

**2018-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони, бирлик**




2019 йил январь-март ойларида рўйхатга олинган жиноятлар сони 6577 тадан иборат бўлган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 11173 тани ташкил этмоқда.

Содир этилган жиноятларнинг оғир-енгиллиги бўйича ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганида, жами содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятларнинг асосий қисми, 16,0 % и Хоразм вилояти, 13,5 % и Фарғона вилояти, 12,9 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келса, оғир жиноятларнинг 19,9 % и Тошкент шаҳри, 13,1 % и Хоразм вилояти ва 12,1 % и Фарғона вилояти ҳиссасига ҳамда ўта оғир жиноятларнинг 17,0 % и Фарғона вилояти ва 16,3 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда.

**2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳудудлар кесимида сони, бирликда**

| | *Барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятлар* | *Унча оғир бўлмаган жиноятлар* | *Оғир жиноятлар* | *Ўта оғир жиноятлар* |
|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | **11173** | **3548** | **2222** | **547** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 373 | 115 | 63 | 14 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 821 | 227 | 192 | 51 |
| Бухоро | 603 | 185 | 126 | 13 |
| Жиззах | 417 | 149 | 100 | 11 |
| Қашқадарё | 633 | 212 | 119 | 29 |
| Навоий | 318 | 106 | 57 | 19 |
| Наманган | 629 | 215 | 101 | 22 |
| Самарқанд | 1101 | 349 | 184 | 63 |
| Сурхондарё | 472 | 183 | 81 | 33 |
| Сирдарё | 355 | 95 | 69 | 12 |
| Тошкент | 1400 | 478 | 269 | 93 |
| Фарғона | 1552 | 566 | 290 | 55 |
| Хоразм | 475 | 141 | 98 | 29 |
| Тошкент ш. | 1836 | 459 | 443 | 89 |

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳудудлар кесимида, бирликда**




Ҳудудлар бўйича 2020 йил январь-март ойларида энг кўп рўйхатга олинган жиноятлар сони Тошкент шаҳрида (1836 та жиноят), Фарғона вилоятида (1552 та жиноят), Тошкент вилоятида (1400 та жиноят) ва Самарқанд вилоятида (1101 та жиноят) кузатилган.

2020 йилнинг январь-март ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда, жиноятлар сони Фарғона вилоятида 1,1 баробарга, Бухоро вилоятида 95,8 % га, Андижон вилоятида 95,5 % га, Хоразм вилоятида 92,3 % га, Сирдарё вилоятида 89,8 % га, Самарқанд вилоятида 87,6 % га, Жиззах вилоятида 79,7 % га, Қашқадарё вилоятида 73,9 % га, Тошкент вилоятида 70,7 % га, Навоий вилоятида 65,6 % га, Наманган вилоятида 64,2 % га, Сурхондарё вилоятида 47,5 % га, Қорақалпоғистон Республикасида 60,1 % га ва Тошкент шаҳрида 32,1 % га кўпайганлигини кузатиш мумкин.

**2019-2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирликда**




Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2020 йилнинг январь-март ойларида 547 тани ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 384 тани ташкил этган. Оғир жиноятлар эса 2020 йилнинг январь-март ойларида 2222 тани ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврида 1167 тани ташкил этган. Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (2292 та ҳолат) 2020 йилнинг январь-март ойларида 3548 тани ташкил этиб, 54,8 % га кўпайган.

**2019-2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг даражалари бўйича тақсимланиши, %да**



2020 йил январь-март ойларида барча хизмат йўналишлари бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг 43,5 % и ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, 31,7 % и унча оғир бўлмаган жиноятлар, 19,9 % и оғир жиноятлар, 4,9 % и ўта оғир жиноятлар ҳисобига тўғри келади.

**2020 йилнинг январь-март ойларида рўйхатга олинган жиноятларнинг ҳар 10,0 минг аҳолига нисбати ҳудудлар кесимида**



**2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятларнинг турлари бўйича сони, бирликда**




2019 йилнинг шу даврига нисбатан қасддан баданга оғир шикаст етказиш 34,5 % га, гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар 36,0 % га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш 37,4 % га, талончилик 52,6 % га, қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш 53,3 % га, номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш 64,0 % га, ўғрилик 80,4 % га, фирибгарлик 1,5 баробарга кўпайган. Шу билан бирга, хонадонларни ва шахсий уйларни тунаш 39,9 % га ва дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 52,0 % га кўпайган.

**2019-2020 йилнинг январь-март ойларида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳудулар бўйича тақсимланиши, бирликда**




2020 йил январь-март ойларида жиноят содир этган вояга етмаганларнинг сони 208 нафарни ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида эса 154 нафарни ташкил этган эди.

Жами жиноят содир этганларнинг 2,2 % и ни вояга етмаганлар ташкил этади. Жами жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 1,0 % и Сирдарё вилояти, 1,9 % дан Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари, 2,4 % дан Навоий ва Фарғона вилоятлари, 4,3 % и Бухоро вилояти, 6,7 % и Қашқадарё вилояти, 9,1 % и Андижон вилояти, 11,1 % и Самарқанд вилояти, 12,5 % и Хоразм вилояти, 13,5 % и Тошкент вилояти, 14,4 % и Наманган вилояти, 1,0 % и Қорақалпоғистон Республикаси ва 17,3 % и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахслар сони**




Жиноят содир этган шахслар сони жами 9293 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг мос даври билан таққосланганда 11,9 % га кўпайган.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 % га камайган, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 13,8 % га кўпайган.

**2019-2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони, киши**



Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича таҳлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар ўртасида жиноят содир этганлар 1702 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 % га камайган. Ўқиётганлар орасида жиноят содир этганлар 173 кишини ташкил этган бўлиб, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 32,1 % га кўпайган. Ишлайдиганлар орасида жиноят содир этганлар 19 кишини ташкил этган.

**2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган аёллар сони ҳудудлар кесимида, киши**



**2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этган шахсларнинг тоифалари бўйича сони**

Жиноят содир этганлар орасида гуруҳ бўлиб жиноят содир этганлар 2205 киши, аввал жиноят содир этганлар 1097 киши, маст ҳолатда жиноят содир этганлар 282 киши ва вояга етмаганлар 208 кишини ташкил этади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Жиноятчилик** – бу аниқ ҳудудда муайян вақт давомида содир этилган жиноятлардан иборат бўлган ҳамда сон ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

**Рўйхатга олинган жиноят** – ички ишлар идоралари томонидан аниқланган ва расман ҳисобга олинган, жиноятчилик қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфга эга ҳатти-ҳаракат.

**Унча оғир бўлмаган жиноятларга** – қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

**Оғир ва ўта оғир жиноятлар** – юқори ижтимоий хавфга эга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг 4 ва 5 бандларида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар.

**Фирибгарлик** - алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш.

**Ўғрилик** - яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш, деярли барча юрисдикцияларда жиноят деб тан олинган.

**Босқинчилик** – ўзгалар мулкини ўғирлаш мақсадида инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирадиган куч ишлатиш ёки уни қўллаш таҳдиди билан содир этилган тажовузлик.

**Безорилик** – жамиятга очиқ ҳурматсизликни акс этган ҳолда жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, бунда фуқароларга нисбатан зўравонликни қўллаш ёки уни қўллашнинг таҳдиди билан ёхуд ўзгалар мулкини йўқ қилиш ёки шикаст етказиш билан содир этиш.

**Номусга тегиш** - зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш.

**Қасддан баданга оғир шикаст етказиш - с**одир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса.

**Жиноятларни содир этган шахслар** – ички ишлар идоралари томонидан расмий равишда ҳисобга олинган ва уларга жиноят ишлари қўзғатилган шахслар.

**Жиноятларнинг фош этилиши** – ҳисобот даврида тергов билан тугатилган ишлар бўйича жиноятлар сонининг жиноий иш қўзғатилган вақти ва ушбу жиноят рўйхатдан ўтган вақтидан қатъий назар фош этилган ва фош этилмаган жиноятларнинг умумий сонига нисбати.

# XVIII. ТУРИСТИК ОҚИМ

Мамлакатимиз ўзининг бой тарихий-маданий мероси, ноёб моддий ва номоддий маданий қадриятлари, меъморий обидалари билан жаҳонда алоҳида мавқега эга. Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланиши учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Ушбу соҳа янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, валюта ва солиқ тушумлари кўпайишида муҳим аҳамиятга эга.

*2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони 1214,0 минг кишини ташкил этди[1)].*

**2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари ва кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, минг киши**

*2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони 1435,3 минг кишини ташкил этди[1)].*

*[1)] Республикага келган ва кетганларнинг умумий сонида бир киши бир неча марта ҳисобланиши мумкин ва бу алоҳида ҳолат сифатида ҳисобга олинади*

**2019-2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқаролари сони, минг киши**

2020 йил январь-март ойларида МДҲ давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари 1160,4 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 95,6 % ини ташкил этади, узоқ хорижий давлатлардан эса 53,6 минг киши (ёки 4,4 %) ташриф буюрган.

**2019-2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши**




2020 йил январь-март ойларида МДҲ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1331,0 минг кишидан иборат бўлиб, бу жами ташриф буюрганларнинг 92,7 % ини ташкил этади, узоқ хорижий давлатларга эса 104,3 минг киши (ёки 7,3 %) кетишган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сонининг таҳлилидан кўринадики, 2020 йил январь-март ойларида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 166,2 минг нафарга кам чет эл фуқаролари ташриф буюрган. Кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, 2019 йил январь-март ойларида жами 1723,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг мос даврида эса 1435,3 минг нафарни ташкил этди.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да**




2020 йил январь–март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг 51,9 % (629,6 минг киши) эркаклар, 48,1 % (584,4 минг киши) аёлларни ташкил этади.

**2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да**

Туристик мақсадларда чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаро-ларининг 54,9 % ини (787,4 минг киши) эркаклар, 45,1 % ини (647,9 минг киши) аёллар ташкил этади.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича сони, минг киши**

| | *Жами:* | *сафар мақсадлари:* | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *хизмат юзасидан* | *ўқиш* | *сайёҳлик* | *қариндош-ларни йўқлаш* | *даволаниш* | *тижорат* |
| **Жами** | **1214,0** | **8,7** | **3,9** | **113,5** | **1066,7** | **14,1** | **7,1** |
| **МДҲ давлатларидан** | 1160,4 | 3,8 | 3,3 | 82,5 | 1054,8 | 14,1 | 1,9 |
| **Бошқа хорижий давлатлардан** | 53,6 | 4,9 | 0,6 | 31,0 | 11,9 | 0,0 | 5,2 |

**2020 йил январь-март ойларида яқин хориж давлатларидан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари сони**




Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Қозоғистон Республикасидан 397,6 минг киши (барча ташриф буюрганларнинг 32,8 %), Тожикистондан 332,7 минг киши (27,4 %), Қирғизистондан 298,1 минг киши (24,6 %), Россиядан 64,7 минг киши (5,3 %), Туркманистондан 60,6 минг киши (5,0 %), Озарбайжондан 2,0 минг киши (0,2 %) ва Белорусдан 1,2 минг киши (0,1 %) ташриф буюрган.

**2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, % да**



**2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари, минг киши**




Узоқ хорижий давлатлардан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Туркиядан 13,5 минг киши (1,1 %), Жанубий Кореядан 5,2 минг киши (0,4 %), Хитойдан 3,7 минг киши (0,3 %), Ҳиндистондан 3,6 минг киши (0,3 %), Японияда 1,3 минг киши (0,1 %) ва Франциядан 0,9 минг киши (0,1 %), ташриф буюрган.

**2020 йил январь-март ойларида сафар мақсадлари бўйича кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, минг киши**

| | *Жами:* | *сафар мақсадлари:* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *хизмат юзасидан* | *ўқиш* | *сайёҳлик* | *қариндош-ларни йўқлаш* | *даволаниш* |
| | | | | | | |
| **Жами** | **1435,3** | **18,0** | **49,8** | **116,1** | **1246,2** | **5,2** |
| **МДҲ давлатларига** | 1331,0 | 17,1 | 47,0 | 24,1 | 1238,9 | 3,9 |
| **Бошқа хорижий давлатларга** | 104,3 | 0,9 | 2,8 | 92,0 | 7,3 | 1,3 |

**2020 йил январь-март ойларида МДҲ давлатларига кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сони, минг киши**




Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми, яъни 35,8 % Қирғизистон Республикасига (513,3 минг киши), 34,2 % Қозоғистон Республикасига (491,2 минг киши), 18,5 % Тожикистонга (265,2 минг киши), 3,0 % Россияга (43,3 минг киши), 1,1 % Туркманистонга (15,5 минг киши), 0,1 % Озарбайжонга (1,4 минг киши) ва 0,1 % Белорусга (1,2 минг киши) ташриф буюрган.

**2020 йил январь-март ойларида узоқ хорижий давлатларга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, минг киши**

Хорижга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми Туркияга 30,8 минг киши, Саудия Арабистонига 27,8 минг киши, БААга 14,3 минг киши, Жанубий Кореяга 9,4 минг киши, Ҳиндистонга 5,0 минг киши, Таиландга 4,7 минг киши, АҚШга 2,0 минг киши ва Мисрга 1,6 минг кишини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу – қариндошларни йўқлаш бўлиб, 87,9 % ни ташкил этади. Ўз навбатида, сайёҳлик мақсадида – 9,3 %, даволаниш мақсадида – 1,2 %, хизмат юзасидан - 0,7 %, тижорат учун – 0,6 %, ўқиш учун - 0,3 % чет эл фуқаролари ташриф буюрган.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик максадларда келган чет эл фуқароларининг жинси ва сафар мақсадлари, % да**




2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 3,9 минг нафари (улардан 46,2 % эркаклар, 53,8 % аёллар) ўқиш мақсадида, 7,1 минг нафари (80,3 % эркаклар, 19,7 % аёллар) тижорат мақсадида, 8,7 минг нафари (85,1 % эркаклар, 14,9 % аёллар) хизмат юзасидан, 14,1 минг нафари (46,1 % эркаклар, 53,9 % аёллар) даволаниш мақсадида, 113,5 минг нафари (52,2 % эркаклар, 47,8 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 1066,7 минг нафари (51,5 % эркаклар, 48,5 % аёллар) ўз қариндошларини йўқлаш мақсадида келган.

2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 53,1 % и 31-55 ёшлилар, 19,5 % и 19-30 ёшлилар, 19,4 % и 56 ёш ва ундан катталар, 8,0 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Даволаниш мақсадида ташриф буюрган чет эл фуқароларининг 51,1 % и 31-55 ёшлилар, 21,6 % и 19-30 ёшлилар, 16,6 % и 56 ёш ва ундан катталар, 10,7 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўз қариндошларини йўқлаш мақсадида ташриф буюрганларнинг 52,6 % и 31-55 ёшлилар, 18,9 % и 19-30 ёшлилар, 20,1 % и 56 ёш ва ундан катталар, 8,4 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да**



**2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, минг киши**




2020 йил январь-март ойларида келган 18 ёшгача бўлган чет эл фуқароларининг 50,4 минг нафари эркаклар ва 47,0 минг нафари аёллар, 19-30 ёшлиларнинг 151,9 минг нафари эркаклар ва 84,4 минг нафари аёллар, 31-55 ёшлиларнинг 333,3 минг нафари эркаклар ва 311,1 минг нафари аёллар, 56 ёш ва ундан катталарнинг 94,0 минг нафари эркаклар ва 141,9 минг нафари аёллардан иборат.

**2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да**




2020 йил январь-март ойларида келган 18 ёшгача бўлган чет эл фуқароларининг 51,7 % и эркаклар, 48,3 % и аёллар, 19-30 ёшлиларнинг 64,3 % и эркаклар ва 35,7 % и аёллар, 31-55 ёшлиларнинг 51,7 % и эркаклар ва 48,3 % и аёллар, 56 ёш ва ундан катталарнинг 39,8 % и эркаклар ва 60,2 % и аёллардан иборат.

**2020 йил январь-март ойларида туристик мақсадларда кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши, % да**




2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишидан кўриш мумкинки, уларнинг 86,8 % и қариндошларини йўқлаш мақсадида, 8,1 % и сайёҳлик мақсадида, 3,5 % и ўқиш мақсадида, 1,2 % и хизмат юзасидан ва 0,4 % и даволаниш мақсадида кетган.

**2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланиши, % да**

2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёши бўйича тақсимланишидан кўриш мумкин, уларнинг 48,1 % и 31-55 ёшлилар, 31,3 % и 19-30 ёшлилар ва 15,4 % и 56 ёш ва ундан катталар, 5,2 % ини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

**2020 йил январь-март ойларида кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси бўйича тақсимланиши, % да**




2020 йил январь-март ойларида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафар мақсадлари бўйича тақсимланишининг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 5,2 минг нафари (улардан 46,2 % эркаклар, 53,8 % аёллар) даволаниш мақсадида, 18,0 минг нафари (92,2 % эркаклар, 7,8 % аёллар) хизмат юзасидан, 49,8 минг нафари (58,4 % эркаклар, 41,6 % аёллар) ўқиш мақсадида, 116,1 минг нафари (53,2 % эркаклар, 46,8 % аёллар) сайёҳлик мақсадида, 1246,2 минг нафари (54,4 % эркаклар, 45,6 % аёллар) қариндошларни йўқлаш мақсадида кетган.

Сайёҳлик мақсадида хорижда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 5,2 % и 18 ёшгача, 19,3 % и 19-30 ёшлилар, 51,8 % и 31-55 ёшлилар, 23,7 % ини 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади. Хизмат мақсадларида ташриф буюрганларнинг 0,3 % и 18 ёшгача, 16,5 % и 19-30 ёшлилар, 71,4 % и 31-55 ёшлилар, 11,8 % ини 56 ёш ва ундан катталар ташкил этади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Кирувчи туризм** – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтидаги ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади.

**Чиқувчи туризм** – кўрилаётган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

**Дўстларни ва қариндошларни кўргани бориш** – бу тоифа ўз ичига, қариндошлар ёки дўстларникига ташриф буюриш; тўйларга, дафн маросимлари ёки бошқа ҳар қандай оилавий тадбирларга ташриф буюриш; бемор ёки қарияларни қисқа муддат давомида парваришлаш ва бошқалар каби фаолият турларини қамраб олади.

**Таълим ва касбий тайёргарлик** – бу тоифага, иш берувчи ёки бошқа ташкилотлар, шахслар томонидан тўланадиган қисқа муддатли курсларга қатнаш, тўлов асосида ўқиш, тилларни ўрганиш, касбий ёки бошқа махсус курслар, илмий таътилларни қўшган ҳолда муайян ўқув дастурларини ўтиш ёки курсларда муайян малакага эга бўлиш ва ҳоказолар киради.

**Даволаниш ва соғломлаштириш муолажалари** – бу тоифа касалланишдан кейинги қўшимча даволаниш мақсадида шифохоналар, клиникалар, санаториялар, умумий спектрдаги тиббий ва ижтимоий муассасалар хизматидан фойдаланиш, денгиз ва бошқа курортларга, шунингдек, тиббий хизматдан фойдаланиш учун тиббий ускуна ва хизматларга асосланган косметик жарроҳликни қўшган ҳолда, тиббий маслаҳатга асосланган бошқа ихтисослашган муассасаларга қатнашни ўз ичига олади. Бу тоифа фақат қисқа муддатли даволанишдан иборат, чунки, даволаш муассасасида бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ётиб узоқ муддат даволаниш сайёҳлик соҳасига кирмайди.

**Транзит** – бу тоифага, бирор бир аниқ мақсадни кўзламасдан, бошқа белгиланган жойга бориш йўлининг давоми бўлган қандайдир жойда тўхташ киради. Ташриф буюрувчилар тоифаси қамрови орасидан фақат ҳуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кирмайдиган, ҳамда ҳуқуқий ва иқтисодий ҳудудга кириб, кечасига қолмайдиган ташриф буюрувчилар чиқариб ташланади. Транзит йўловчилар қамровига фақат ҳеч бўлмаганда бир кечага қоладиган шахслар киритилади.

**Ишга доир ва касбий мақсадлар** – ушбу тоифага, мустақил равишда банд бўлган шахслар ва ёлланма ишловчилар фаолияти, агарда улар билан ташриф буюрилаётган мамлакат ёки жойдаги ишлаб чиқарувчи-резидент ўртасида аниқ ёки назарда тутилган ёлланма меҳнат муносабатлари белгилари мавжуд бўлмаса, сармоядорлар, ишбилармонлар ва ҳоказолар фаолияти киради.